O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI *

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 13-avgust, chorshanba | № 65 (7570)

Da'vat

Inson xarakteri va aqlini u qanday kitob va do'st tanlashidan ham aniq bilsa bo'ladi.

Klod GELVESIY

Ibrat

Taxiatosh GRESi jamoasi homiyligida shahardagi 1-o'rta maktab to'la ta'mirlandi va yangi partalar bilan ta'minlandi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

TATARISTON HUKUMATI DELEGATSIYASI O'ZBEKISTONDA

Rossiya Federatsiyasining Tatariston Respublikasi Bosh vaziri Rustam Minnixanov boshchiligidagi hukumat delegatsiyasi 12 avgust kuni O'zbekistonga keldi. Tataristonning hukumat a'zolari va yirik sanoat korxonalari rahbarlaridan tashkil topgan mazkur delegatsiya dastlab «O'zavtoyo'l» konsernida muzokara o'tkazdi.

Muzokarada avtomobil yo'llari qurish va soha uchun texnika etkazib berishga oid masalalar muhokama qilinib, Afg'onistondagi avtomobil yo'llarini hamkorlikda barpo etish va ko'priklar bunyod qilish borasida fikr almashildi.

TIL - XALQLARNI YAQINLASHTIRADI

Andijonlik ikki nafar fransuz tili o'qituvchisi —Kamoliddin Jabborov va Shohista Sherg'ozievalar ayni damda Parijda stajirovka o'tmoqdalar. Safarning maqsadi — Gyugo va Volter tilini o'rgatishning yangi yo'llarini o'zlashtirishdir. Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi hamda Frantsiyaning O'zbekistondagi elchixonasi mazkur xayrli ishlarni davom ettirgan holda yuqori sinf o'quvchilari uchun darsliklar tayyorlashni ham rejalashtirgan.

YURT OBODLIGI MAHALLADAN BOSHLANADI

Poytaxtimizning Olim Xo'jaev nomidagi mahallasida maishiy xizmat ko'rsatish majmui tadbirkorlar himmati evaziga bunyod etildi. Bu erda istiqlolimizning 12 yilligi arafasida mahalla sartaroshxonasi, ustaxona va tibbiy xizmat xonalari ochiladi. Bu borada «Ibrohim—Ma'ruf» mas'uliyati cheklangan jamiyat rahbari Ma'ruf Obidov tahsinga sazovor ishlarni amalga oshirmoqda.

HAMKORLIK MAQSADI — BOLALAR SALOMATLIGI

Toshkentdagi 23 va 24-mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilari ajoyib va foydali sovg'alar — o'yinchoq avtomobil shaklidagi elektrli tish tozalagichlarni olishdi. Ularni bolalarga «Sog'lom avlod uchun» xalqaro nohukumat xayriya jamg'armasi, «AmeriCares» xalqaro insonparvarlik tashkiloti va «Procter&Gamble» kompaniyasi vakillari topshirdi. O'quv yili boshida bunday sovg'alarni respublikadagi barcha mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilari oladi.

(Davomi 2-betda)

БОЛАЛАРГА НАСИБ ҚИЛГАН БАХТ

Бугун маърифатли жамиятнинг тарафдори бўлаётган дунё халқлари инсонларни ақл-заковатли қилиш учун яратилаётган чексиз усулларнинг энг мақбул ва самаралиларинигина тан олмоқда. Бундай тан олиш Ўзбекистон Республикасининг таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларга ҳам насиб этди. Демакки, бундай масъулият юкига яраша ўтган 12 йил мобайнида ҳар бир таълимга тегишли даргоҳда ва бунинг орқасидан ривожланиш йўлидаги барча хатти-ҳаракатларда илк натижалар кўзга кўриниб, ҳатто мева бера бошлади. Айни самараларни эътироф этган ҳолда, узлуксиз таълим тизимининг дебоча босқичи саналган мактабгача таълим йўналишида олиб борилаётган ҳаракатлар ва уларнинг ойнадаги аксига бир назар солишни ният қилдик. Зеро, жамиятнинг бир бўғини бўлган оилаларнинг тотувлиги ва мустаҳкамлиги гўдакларнинг, жажжи фарзандларнинг янгроқ кулгусию тетик-дуркунлигидан бошланади. Агарда уларга бериладиган тарбияда кечикишга йўл қўймасдан, маънавий ва жисмоний соғломлиги кўзланса, эртанги кундан рўёбга чиқажак мақсадлардан асосли равишда умид қилган бўламиз.



МАКТАБГАЧА ТАРБИЯДАН — МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА

Мустақилликдан сўнг янгиланаётган барча йўналишлар қаторида таълим тизимида "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг қабул қилинишига пойдевор сифатида қаралди. Ва айни тадбир асосида мактабгача тарбия муассасалари бутунлай янгича бир мақомга эга бўлди. Яъни, эндиликда тарбияланувчилар фақатгина овуниш ёки кун ўтказиш учун эмас, мактаб таълимига тайёр бўлиш учун боғчаларга қатнай бошлади. Шунга кўра, педагогик ва методик жиҳатдан умуман янги кўринишга эга бўлган усулларга эҳтиёж сезилди. Бу эҳтиёж миллий қадриятларимиз, азалий анъаналаримиз, тарихий тафаккуримиз ва замонавий имкониятларимиз эвазига тўлдирилиб борилмоқда. Шунга кўра, болажонлар боғчада турли хил дидактик ва таълимий ўйинлар асосида билим кўникмаларини эгаллай бошладилар.

(Давоми 2-бетда)

10 август, якшанба. Телевидение ва радио орқали берилган эълон олий таълим муассасаларига кириш учун тест синовларини топширган ва шундан бери ҳаяжонини босолмай юрган абитуриентларни яна бир сидра хушёр торттирди. Шуниси аниқки, талабалик бахти уларнинг барчасига ҳам насиб этмайди. Қуйидаги лавҳаларимизда 1-Тошкент давлат тиббиёт ҳамда авиация институтларидаги ушбу ҳолат тафсилотлари билан танишасиз.

КИМЛАРДИР ШОД ЭДИ, КИМЛАРДИР ХОМУШ

БИЗ БИРИНИ ТАБРИКЛАБ, БИРИГА ДАЛДА БЕРГИМИЗ КЕЛДИ

ҚИЗИНГИЗНИ ЎҚИТИНГ, ХОЛА!

Қабул ҳайъатига олиб борувчи узун йўлакда икки қизини етаклаб кетаётган онани учратдим. Билдимки, бири абитуриент. Улар мамнун, омад кулиб боққан шекилли.

— Қизингиз ўқишга кирдими?

— Ҳа, тиббий педагогика йўналишига 117,3 балл билан қабул қилинибди.

— Қизингиз ўқишга кирдими?

— Ҳа, ўқитамиз. Яхшиям, шу рўйхатга илинибди. Контрактга етолмай, армонда қолганлар ҳам оз эмас.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббиёт-санитария қисми туғруқхона бўлими гинекологи Мунира Ҳамроева қизи Дилдорага кулиб боққан омаддан хурсанд. Албатта, маблағ топиш имконияти бор оила соҳиблари фарзандини ўқитади ва бу яхши.

(Давоми 2-бетда)

«Test — 2003»

МУСТАҚИЛЛИК — МАСЪУЛИЯТ

Яқинда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий институтида республика "Маънавият ва маърифат" маркази фаолларининг "Ёш авлод" Кенгаши вакиллари билан "Мустақиллик ва маънавият" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирни очган институт ректори Ж.Йўлдошев таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳур фикрли, ўз нуқтаи назарига эга баркамол авлодни тарбиялаш эканлиги хусусида тўхталди. Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Қуддус Аъзамов ўз сўзида истиқлол, баъзи бировлар ўйлаганидек, "осмондан тушган эҳсон" эмас, балки аждодларимизнинг тинимсиз курашлари, талофотлар эвазига қўлга киритилган бебаҳо неъматлигини таъкидлади.

— Мустақиллик энг аввало масъулиятдир. Уни кўз қорачиғидек асраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас вазифаси. Ёшларимизни ана шу вазифага тайёрлашимиз, уларнинг онгини соғлом ғоялар билан шакллантиришимиз зарур, — деди марказ раҳбари.

Тадбир сўнгида "Ёш авлод" Кенгаши вакиллари ҳам сўз олиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ахборот-таҳлил гуруҳи

Халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар шу соҳа ходимларига катта масъулият юклаш билан бирга улардан юқори малака талаб этади. Зеро, халқ таълими соҳасига эътибор бериш давлатимизнинг моддий ва маънавий жиҳатдан юксалиши билан бевосита боғлиқдир.

Чунки, халқ таълими соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг касбий салоҳияти фақат халқни саводхон қилиш билан чегараланиб қолмай, балки ёшларнинг келажакда ишлаб чиқаришда, фан-техникани ривожлантиришда, жамият иқтисодини кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини ҳаётга татбиқ этиш борасида Самарқанд вилоятида ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди. Янги ўқув йили бошланаётган кунларда йил давомида уддаланган ва улгурилмаган ишларни сарҳисоб қилишнинг вақти етди.

Махсус мухбиримиз вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи М.Бобоёров билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.

ТАЪЛИМДА ОРТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

— Вилоятда янги ўқув йилига қандай тайёргарлик кўрилмоқда?

— Бу йил вилоятимиздаги барча таълим муассасалари янги ўқув йилига алоҳида тайёргарлик кўришаяпти. Маълумки, таълим соҳаси ходимларининг иши август кенгашлари билан бошланади. Гарчи одат тарзига айланмаган бўлса-да, бу йил ўқитувчиларнинг бош педагогик кенгашларини вилоятимизда кенгайтирилган тарзда ўтказиш учун тайёргарлик кўрилди. Бундан мақсад янги ўқув йилида бошланажак катта ишларимизга ўқитувчи-педагогларимизни ҳар томонлама, руҳан тайёрлашдан иборат. Ўйлайманки, 16 август куни вилоятда бўлиб ўтадиган педагог ходимлар анжумани 500 дан зиёд иштирокчиларда ижобий таассурот қолдиради,

— Бугунги кунда халқ таълими соҳасида қандай муаммолар бор?

— Вилоятимизда 1181 та мактаб, 726 та мактабгача таълим муассасаси бўлиб, мактабларимизда 750 000 нафар ўқувчига 56363 нафар педагог таълим-тарбия бермоқда. Мавжуд таълим муассасаларининг ҳар бирининг ўзига хос ютуғи ва муаммолари мавжуд.

Аксарият мактабларимизга хос бўлган муаммо — бу мактабларимизнинг бугунги кун талаби даражасида жиҳозланмаганлигидир. Мактабларда замонавий ўқув техникалари етишмайди. Бундай мактабларда синфхоналар етишмаслиги оқибатида болаларни икки ёки уч босқичда ўқитишга мажбур бўлишмоқда. Бу ҳам таълим сифатига ўз таъсирини кўрсатади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим муассасалари моддий техника базасини мустаҳкамлаш ишларини дастлабки тўрт йил ичида амалга ошириш кўзда тутилган. Ўтган вақт давомида бирмунча ишлар амалга оширилган, бироқ бажарилиши лозим бўлган юмушлар талайгина.

— Мавжуд мактабларнинг қанчаси талаб даражасида?

— Ҳозирги пайтда вилоятимиз мактабларида 372 та компьютер синфлари мавжуд (ҳар бир синфга 11-13 тадан компьютер қўйилган). Кейинги пайтларда мактабларни компьютер синфлари билан таъминлаш ишлари бирмунча жадаллашди. Йил давомида 18 та мактабни компьютер синфи билан жиҳозлаш кўзда тутилган бўлса, грантлар асосида бу йил 19 та компьютер синфи жиҳозланди. Яна Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 11 та компьютер синфи олинди.

Бундан ташқари мактабларимизда узоқ вақтдан буён фойдаланишда бўлиб, яроқсиз ҳолга келиб қолган компьютерларнинг эски моделлари ўрнига янги маркадаги компьютерлар харид қилиш мақсадида халқ таълими бошқармаси қошида алоҳида бўлим ташкил этилди. Бу бўлим ўқув муассасаларига хорижий давлатлар грантларини қўлга киритишда кўмаклашади.

Вилоятимиздаги мактабларнинг 408 таси замонавий мактаблардир. Қолганлари мослаштирилган биноларда жойлашган. Янги ўқув йилига ва юртимиз мустақиллигининг 12 йиллигига 11 та 4300 ўринга мўлжалланган янги мактабларни очиш режалаштирилган.

— Вилоятда кадрлар сифатини ошириш ишлари қандай йўлга қўйилган?

— Ўтиш давридаги кишилар ҳаётида юз бераётган иқтисодий танглик педагогларни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Мактабларимизда билимдон, тажрибали мутахассисларга эҳтиёж ортиб бораётган бир пайтда ўқитувчиларнинг бир қисми яхшироқ ҳақ тўлайдиган ишхоналарга ўтиб кетаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундан ташқари кекса ўқитувчилар нафақага чиқишмоқда. Бўш қолаётган мутахассислар ўрнини тўлдириш асосий муаммолардан бирига айланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ИЗЛАНИШ, МАҲОРАТ, ИЖОДКОРЛИК — ШУ КУН ТАЛАБИ

Жиззах шаҳридаги 22-иқтидорли болалар мактабида вилоят фан ўқитувчиларининг анъанавий август кенгашлари педагогик ўқишлар шаклида ўтказилди. Тўртинчи бор ўтказилаётган мазкур анжуманга вилоятнинг турли шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган энг тажрибали фан ўқитувчилари, мутахассис ва мураббийлар таклиф этилди. Бу ерга ташриф буюрган барча устоз ва мураббийлар хаёлидан халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар вилоятимизда қандай самара бермоқда, ўтган йилларда эришилган зафарлар кўлами қандайю, муаммолар нималардан иборат, деган савол ўтиши табиий эди. Биз ҳам ана шу саволларга жавоб олиш мақсадида халқ таълимининг барча тизимларида қилинган ишларга бир назар ташладик.

2002-2003 ўқув йили "Таълим тўғрисида"ги қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш жараёнида жиззахлик педагоглар ҳаётида муҳим из қолдирди, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг биринчи босқич вазифаларини бажаришда таълим муассасаларининг маҳаллий давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқаларининг мустаҳкамланиши, ҳамкорликнинг қатъий йўлга қўйилиши ютуқлар гарови бўлди. Миллий дастурнинг иккинчи босқич вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда ҳам бу ҳамкорлик ўзининг натижасини бермоқда. Ўтган ўқув йилида республика Халқ таълими вазирлигининг ҳамда вилоят ҳокимлигининг бевосита ёрдамида таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга эътибор оширилиб, 3350 дона ўқувчилар партаси, 66 дона синф доскаси, боғчалар учун 215 дона болалар стол-стуллари берилди. 2002-2003 ўқув йилида 1620 ўқувчига мўлжалланган 6 та мактаб ва ҳомийлар кўмагида 65 та синфхона, қўшимча бинолар фойдаланишга топширилди.

Таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот технологиясини кенг жорий этиш, таълим муассасаларини улар билан етарли даражада таъминлаш, халқаро ахборот тармоқлари, шу жумладан, интернетга кириб бориш борасида сезиларли ишлар қилинди. Жиззах шаҳридаги 6-, Мирзачўл туманидаги 16-, Фориш туманидаги 32-мактабларга 1 тадан синф комплекти, ҳомийлар томонидан эса 20 та персонаж компьютерлар таълим

Anjuman

муассасаларига ажратилди. Республика фан олимпиадалари, кўрик-танловлардаги иштироки, олий ўқув юртига кириш учун бўладиган тест синовлари таҳлили бўйича вилоят ўқувчилари 2001 йилда 11 ўринда турган бўлса, 2002-2003 йиллар натижасига кўра 6-7 ўринга чиқди. Вилоятдан 2 нафар ўқувчи республика фан олимпиадаларида 2-ўринни қўлга киритди.

Вилоят ўқувчилари қатор халқаро танловларда ҳам муваффақиятли иштирок этди. Зомин туманидаги 50-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Руслан Кенжаев МДҲ давлатлари ўртасида Ереван шаҳрида ўтказилган халқаро олимпиадада рус тили фани бўйича ғолиб бўлди. Бахмал туманидаги 4-иқтидорли болалар мактабининг инглиз тили ўқитувчиси Исмат Исроилов, ВХТБга қарашли "Умид" лицейининг 10-синф ўқувчиси Бобур Эскораев, Анжелика Қосимова, Жиззах шаҳридаги 22-иқтидорли болалар мактабининг 10-синф ўқувчиси Дилшод Содиқов АҚШнинг таълим ва тил ўрганиш бўйича АКСЕЛС ташкилоти танловлари ғолиби бўлиб, АҚШда таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш мақсадида вилоят миқёсида ўқув фанлари, таълим тарбия ишлари бўйича янги педтехнологиялар, илғор иш тажрибаларини ўрганиш, педагог ходимларнинг малакасини оширишга йўналтирилган ўқув-семинарлар уюштирилди. 2-4-синфларда рейтинг тизимини жорий қилишда туғилаётган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида вилоят ДТС мониторинг бўлими Сирдарё вилоят ХТБ ДТС мониторинг бўлими ҳамкорлигида ўқув-семинар ташкил қилди.

Бу рақам ва таҳлиллар Жиззах вилоят ХТБ бошлиғи Саидаҳмад Мирзабековнинг фан ўқитувчиларининг педагогик ўқишларида қилган кириш сўзида ўзининг аксини топган. Шу билан бирга қилинадиган ишлар, соҳадаги муаммолар ҳам эътибордан четда қолмади.

— "Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизматни такомиллаштириш" ҳаракат дастури ўтган ўқув йилида соҳа ходимлари зиммасига катта масъулият юклади, — дейди Жиззах ВХТБ бошлиғи С.Мирзабеков. — Методик хизматни такомиллаштириш мавсумий аҳамият касб этмайди. Аксинча, биз бундан кейин ҳам халқ таълими муассасаларига методик хизмат кўрсатишни янада такомиллаштиришга эътиборни оширамиз. Ўқув жараёнига янги пед.технологияларни жорий этиш, илғор

(Давоми 2-бетда)

ТАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА:

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШИДА КОМПЬЮТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ — 3-бет

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ — 3-бет

ОҚСОҚОЛ — МАҲАЛЛАНИНГ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ — 5-бет

ДУНЁ ЭЪТИБОРИДАГИ АЛЛОМА — 5-бет

Lekin har qanday holatda ham «Qozonda bori cho'michga chiqadi» degan naql hayotda o'zining haqqoniy ifodasiga ega ekanligini tan olmaslikning iloji yo'q.

"Maktablar kuni" munosabati bilan uzoq vaqtlardan buyon echimini topmayotgan ko'pgina muammolar bartaraf etilib, eng ilg'or o'qituvchilar, iqtidorli o'quvchilar qimmatbaho sovg'alar va kompyuterlar bilan taqdirlandi.

БОЛАЛАРГА НАСИБ ҚИЛГАН БАХТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2000 йилга қадар мактабгача таълим муассасаларига доир меъёрий ҳужжатлар тўлиқ янгиланди. Бошланғич қадам сифатида "Мактабгача таълим тўғрисида", "Давлатга қарашли бўлмаган болалар муассасалари тўғрисида"ги Низомлар, "Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланди. Шундан сўнг, мактабгача таълим муассасаларини ислоҳ қилиш, янги педагогик технологияларни жорий этиш бўйича мутахассислар ва ота-оналар учун "Учинчи мингйилликнинг боласи" болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш дастури, методик қўлланмаси яратилди. Мазкур ҳужжатнинг мукаммал ва камчиликлардан холи бўлиши учун икки йил мобайнида республикамизнинг турли жойларидаги 500 га яқин МТМларда ва 40 га яқин оилаларда тажриба-синов ўтказилди. Бу доирада навбатдаги қилинган ишлар бисёр.

"Учинчи мингйилликнинг боласи" таянч дастурининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган "Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш" истиқбол дастури ҳам ишлаб чиқилдики, бу асосда жойларда илғор иш тажрибалари юзага қалқди. Хусусан, ҳар бир вилоятда ва республика миқёсида давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг илғор усулларини такомиллаштириш бўйича МТМ мутахассислари учун семинарлар ўтказилди.

Албатта, бу қилинган ишлар амалиётида мактабгача таълим соҳасидаги кадрларга қўйиладиган талаблар ҳам ортди. Шунга кўра, 2002 йилда мактабгача таълим раҳбар ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси мактабгача таълим муассасалари раҳбар ходимлари малакасини ошириш ва амалиётга тайёрлаш бўйича республика Ўқув-методика марказига айлантирилди. Бу ўзгариш фақатгина ном ўзгариши бўлиб қолмади. Балки, марказ малака ошириш, қайта тайёрлаш, методик хизмат кўрсатиш, таълимдаги илмий йўналишларни такомиллаштириш, илғор иш тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш, методик қўлланмалар, тавсиялар яратиш каби 20 дан ортиқ иш шаклларини бажаришга киришди. Қилинган илк ишлар сифатида узлуксиз методик хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш доирасида тарбиячи ва ота-оналар учун 6 номдаги методик тавсиялар ишлаб чиқилди. Шунингдек, ушбу йилда барча турдаги мактабгача таълим муассасалари учун вариатив дастур ва ўқув қўлланмаларини яратиш бўйича танлов ҳам эълон қилинди. Бу мактабгача таълимда методик базанинг шаклланаётганлигидан дарак беради. Лекин, ҳали бу йўналишда қилинадиган ишлар бисёр...

ҚАМРОВ

Республикамизда бугун 3 млнга яқин 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар озодлик эпкинидан нафас олиб улғаймоқдалар. Уларнинг 631146 нафари 6899 та МТМларда тарбия топмоқда. Шунингдек, МТМлар билан бир қаторда 153 та мактаб-боғча мажмуалари, 57 та махсус МТМлар ва 186 та санаторий типидаги МТМлар ҳам тарбия ўчоғи сифатида фаолият олиб бораяпти. Бу кўрсаткич МТМлар сонининг 2003 йилгига қараганда 34 тага кўпайганлигини билдиради. Энди МТМларга қатнаётган болаларни фоиз сифатида кўрсатадиган бўлсак, ҳозирча 20 фоизга етиб қолди. Шу ўринда ўтган 12 йилга бир назар солиш ўринли.

1991 йилда болаларни МТМларга қамраб олиш 37,1 фоиз кўрсаткичда эди. Мазкур йилдан бошлаб қамров фоизлари тобора пасайиб борди. Ва 1999 йилда энг паст фоиз—16,1 қайд этилди. Соҳада олиб борилган ислоҳотлар натижасида 2000 йилда қамров 16,2 фоизга ошганлиги кузатилди. Кейинги йиллар натижа кўтарилиб, бугун республикамиздаги мактабгача ёшдаги болаларнинг 20 фоизи боғчалардан бошланғич синфларга чиқишаяпти. Мактабгача таълимда бошланган ишлар ўз натижаларини тўлиқ бера бошлагач, бу рақамлар янада кўтарилади, деб айта оламиз.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМДА НОАНЪАНАВИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ

Замонавий таълим ва унда хусусий секторнинг ривожланиши хорижий мамлакатлар таълимининг асоси ҳисобланади. Юртимизда ҳам илк бор давлатга қарашли бўлмаган таълим муассасалари мактабгача таълимда ташкил этиладиган бўлди. Ишнинг боши 2001 йилда 64 та МТМларни хусусийлаштиришни режалаштиришдан бошланди. Ва айни йилда 11 та МТМ хусусийлаштирилди. Ҳозирда эса жами 205 та МТМ бинолари хусусийлаштириш учун режалаштирилган бўлиб, уларнинг 53 таси хусусийлаштирилди.

Ўтган вақт бундай турдаги таълим муассасалари ҳар томонлама давр талаб қилаётган нарсаларни бера олишини кўрсатди. Албатта, бунга эришиш учун ташкилий ва методик масалаларни ойдинлаштирувчи тажрибалар инобатга олинди. Ва "Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача таълим муассасалари учун" дастур яратилди. Кези келганда пойтахтимиздаги "Олтин қанот" хусусий мактабгача таълим марказида "Таълимда пуллик хизмат бозорини шакллантириш — давр талаби" мавзусидаги республика семинари ва унда кўтарилган масалаларни эслатиб ўтиш жоиз.

Мактабгача таълимда янги йўналишли муассасалар юзага келганлигига эътибор қаратар эканмиз, яна бошқа ҳаракатларни ҳам санаб ўтиш жоиз. Яъни, болаларни мактабга тайёрлаш фақатгина 20 фоиз МТМга борадиган болалар учунгина бўлиши, бошланғич таълимда турли хил қийинчиликлар туғдириши мумкин. Шуни ўйлаган ҳолда жойларда ноанъанавий таълим муассасалари — мактаблар қошидаги тайёрлов гуруҳлари, МТМлар қошида қисқа муддатли гуруҳлар, маҳаллалар қошида саводхонлик марказлари ва жамоатчилик асосида ташкил этилган гуруҳлар сони кундан-кунга кўпаймоқда. Шунинг эвазига бу йил мактабга тайёр ҳолда борадиган болалар сони ҳар йилгидан кўпчиликни ташкил этиши кутилмоқда.

Рақобат ва ижодкорлик бор бўлган ҳар бир соҳада силжиш бўлади. Республикамиздаги МТМларда фаолият кўрсатаётган 65000 дан зиёд мутахассис кадрлар ўртасида ижодий беллашув муҳитини яратиш мақсадида 1994 йилдан буён "Йил тарбиячиси", 1995 йилдан буён "Севимли ўйинчоқлар" ва бошқа кўрик-танловлар мунтазам равишда ўтказиб келинаяпти. Бундай танловлар МТМ ходимлари ўртасида яратувчанлик руҳини пайдо қилаётгани маълум. Ҳаттоки, "Севимли ўйинчоқлар" кўрик-танловида иштирок этган ўйинчоқлар ишлаб чиқаришга тавсия этилди ҳамда тарбиячилар ўзлари ясаган ўйинчоғу кўргазмали қуроллар билан пайдо бўлган бўшлиқни баҳоли қудрат тўлдиришга бел боғладилар.

Моддий-техник база ҳамма соҳалар қатори мактабгача таълимда ҳам сифат ва мукаммалликни таъминлайди. Мустақилликдан сўнг бир муддат рўй берган узилишлар ўзанини яна ўз ҳолига қайтариш учун ички имкониятлар ва ташқи ёрдамларга таяниш йўлга қўйилди. Бугунги кунда менежерлар (тадбиркорлар) сифатида фаолият кўрсатаётган мудиралар сармоядан ташқари маблағ топишни ҳам елкаларига олишди. Шу асосда мактабгача таълимда маркетинг ривожлана бошлади. Ва яна хорижий ташкилотлар грантларини ютиб олиб, "бой боғча"га айланаётган муассасалар ҳам кўпаймоқда. Албатта, модий мустаҳкамлик боғчадаги шарт-шароитни яхшилашга сарфланиб, қатор мебель ишлаб чиқарувчи корхоналар билан алоқалар ўрнатилди. Шароитдан келиб чиқиб, МТМлар учун зарур бўлган жиҳозлар, мебель, ўйинчоқлар ва спорт анжомлари кўргазмаси ўтказилди. Ва унда жуда кўплаб МТМларнинг харидорга айланганлигини ижобий силжишдан дарак дейиш мумкин.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Биламизки, БМТнинг ЮНИСЕФ болалар фонди бутун дунё болаларига ғамхўр. Ўзбекистон болалари ҳам бу имкониятдан бебаҳра қолаётгани йўқ. ХТВнинг мактабгача таълим бошқармаси ЮНИСЕФ болалар фонди билан ҳамкорликда мактабгача таълим ёшидаги болаларни парваришлаш ва мактабга тайёрлаш бўйича "Оналар мактаби"нинг дастур лойиҳасини ишлаб чиқди. Ушбу дастур асосида ёш оналар учун ўқувлар ташкил этилди. Оналарга методик ёрдам кўрсатиш мақсадида ЮНИСЕФ маблағи ҳисобига "Болангиз мактабга тайёрми?" китоби, ишчи дафтарлар, "Шарқ халқлари эртаклари", "Топган топалоқ" , "Меҳрга йўғрилган кўшиқ" каби буклетлар тарқатилди.

Шунингдек, ЮНЕСКО билан ҳамкорликда "Болаларни мактабга тайёрлашда илғор усулларни жорий этиш" мавзусида амалий семинар ташкиллаштирилиши ҳам МТМ мутахассисларини соҳанинг энг сўнгги янгиликларидан хабардор қилди. Семинар ишида россиялик олим ва мутахассислар ёрдамига кўра тренинглар ҳам ўтказилди. Умуман, мактабгача таълимга хорижий сармояни жалб этиш ва уларнинг илғор иш усулларидан муносиб фойдаланиш учун қадамлар қўйилган.

САРҲИСОБ

Озми-кўпми соҳада қилинган айрим ишларни санаб ўтганимиз, МТМларнинг аҳволи худди шундай дегани эмас. Чунки ҳар битта муассасада қанчадан-қанча ишлар қилинмаган дейсиз? Булар фақат айтишгагина осон. Аксинча, рақобатга киришолмаган боғчалар ўз ўрнини йўқотиб қўйганлигини ҳам тан олиш лозим. Бироқ, мустақиллик йилларини мактабгача таълимда тубдан ўзгаришлар бўлганлиги билан эсга олса арзийди. Сирасини айтганда, бу ўзгаришларнинг қиммати юртимизда ҳар томонлама етук, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни етиштириш орзуси билан интилаётганларга сезилмоқда.

Насиба ЭРХОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

КИМЛАРДИР ШОД ЭДИ, КИМЛАРДИР ХОМУШ

БИЗ БИРИНИ ТАБРИКЛАБ, БИРИГА ДАЛДА БЕРГИМИЗ КЕЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Э, хола, пул топиладиган нарса, қизингизни ўқитинг. Фарғонадан оворайи-сарсон бўлиб кепти. Мана, мен контрактгаям илинмадим. Агар илинганимда, дўппимни осмонга отардим. Ҳалиям бўлса, ўқимайман дейдиганларнинг ўрнига қабул қиламиз дейишса, ўқишга розиман, — дея суҳбатимизга қўшилди абитуриент йигитлардан бири.

Онахоннинг кўзлари жиққа ёшга тўлди...

Энг юқори балл даволаш ва стоматология факультетларида кузатилди: 209,5 ва 208,1.

ДЎЛДЕК ЁҒИЛГАН САВОЛЛАР

Тошкент давлат авиация институтига осилган рўйхат гўёки оҳанрабодек абитуриентларни ўзига тортар эди. 10 та таълим йўналишига 1065 та ҳужжат тушган. Ким қанча балл тўплади? Тўғри ва нотўғри жавоблари қанча? Бюджетга ўтадими ёки шартнома асосида ўқийдими?

Ҳар бир абитуриентни ана шу саволлар қизиқтирар, узундан-узоқ рўйхатдан ўз тартиб, вариант ва код рақамини излашар эди. Таъбир жоиз бўлса, маълум маънода рўйхатда кўплаб йигитқизларнинг тақдири яширинган эди.

Истараси иссиққина, кўзлари кулиб турувчи бир жувон қизчасининг қўлидан ушлаб, ўзига тегишли абитуриентнинг код рақамини топишга уринмоқда эди. Ниҳоят, топди шекилли, устунларга зудлик билан кўз югуртириб чиқди.

— Жияним Шерзод Раҳматов Бухоро вилоятининг Жондор туманидан келиб, ана шу институтга интилди. Математика, физикадан билими юқори эди. Шу боис бу фанлардан белгилаган тўғри жавоблари 32, 33 тани ташкил қилибди ва тил-адабиётдан 9 та белгилаган бўлса ҳам, 179,4 балл тўплашга эришибди. Хурсандлигимнинг чеки йўқ, худди ўзим ўқишга киргандекман, бу хушхабар нафақат Шерзодни, балки ота-онасини ҳам шодлантиради, — дейди ўзини Воҳида Қодирова деб таништирган аёл.

Қабул ҳайъати раиси муовини Сирожиддин Турсуновга берилаётган саволларнинг кети узилмас эди.

— Мен 107,8 балл тўплабман. Бу бюджетми ёки контрактми?

— Мен рўйхатдан ўз номеримни тополмаяпман.

— Меники контрактга икки балл етмаган, резервга иложи борми?

— Ҳали кўп нарса аниқ эмас. Рўйхат фақат тўплаган балларингизни кўрсатади. Тест маркази абитуриентларнинг тўплаган балларини яна бир сидра чиғириқларни яна бир карра саралаб чиққанда ҳам, энг юқори баллдан бошлаб рўйхатга илинганлар қабул режасидаги рақамда тўхтайди. Бу ёғи пешонадан, рўйхатда кимлар бору кимлар йўқ.

***

Айнан юқоридагига ўхшаш ҳолатларни кузатиб туриб, қайсидир абитуриентга ҳавасинг келади, қайсидир бирига далда бергинг келади. Биз юқорида ҳикоя қилганларимиз бошқа институт ва университет абитуриентлари ҳаётида ҳам кузатилганини кўнглимиз сезиб турибди.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

ТАЪЛИМДА ОРТГА ЙЎЛ ЙЎҚ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунинг учун номутахассис ўқитувчиларни турдош фанлар йўналиши бўйича вилоят педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида қайта тайёрлаш ишларни ва малакасини ошириш институти томонидан барча фанлар бўйича ўқитувчиларнинг малакасини ошириш аниқ жадвал асосида белгиланган бўлиб, ҳар беш йилда мутахассис махсус курсларда ўқиш билан бирга ўз устида узлуксиз ишлаш дастурига ҳам эга бўлади. Малака ошириш курсларида тингловчиларни институтга келган дастлабки кунлардаёқ тест саволлари орқали билимлари аниқланиб баҳоланади ва курснинг охирги кунлари ҳам худди шундай тест синовларидан ўтказилади.

Бу усул ҳар бир ўқитувчини ҳамкасблари олдида уялиб қолмаслик учун ўз устида кўпроқ ишлашга ундайди.

— Ўқитувчилар ўртасида ўтказиладиган танловлардан қандай мақсадлар кўзланган?

— Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Йил ўқитувчиси", "Йил тарбиячиси" кўрик-танловлари ўқитувчиларни ўз устида ишлашга ва йил давомида тайёргарлик кўришга ундайди. Дастлаб мактаб, сўнгра туман ва вилоят миқёсида ўтказиладиган бу беллашувда ғолиб бўлиш ҳар бир ўқитувчи учун фахрлидир. Бу йил вилоят миқёсида "Худуди энг кўркам таълим муассасаси" кўрик-танлови ҳам эълон қилинди. Бу танловда барча мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлар иштирок этадилар. Танловни ўтказишдан мақсад, таълим муассасалари жамоаларининг ўз иш жойларини ораста ва кўркам бўлишига эътиборни қаратиш, меҳнат жамоаларида аҳиллик ва уюшқоқликни шакллантиришдан иборат. Голиблар қимматбаҳо совға билан тақдирланади. Ўйлайманки, бу танлов ҳам анъанавий тарзда давом этади.

Шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ва Самарқанд давлат университети билан ҳамкорликда бешта асосий фан — математика, физика, химия, биология, информатика бўйича "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танлови ўтказилмоқда. Бу ишларнинг барчаси, аввало мактабда бошланади. Демак, жамоа орасида қайсидир ўқитувчининг ўз соҳаси бўйича бошқаларга нисбатан билимли, маҳоратли эканлиги тан олинади. Кейинги босқичга ўқитувчи янада пухтароқ тайёргарлик кўради. Чунки, педагог энди фақат ўзини эмас, балки бутун мактаб жамоаси шаънини ҳимоя қилиши керак.

— Мактаб раҳбари ҳақида нима дея оласиз?

— Яхши раҳбар ҳар қандай жамоа учун ярим муваффақиятдир. Бугунги кун мактаб директори юқори билим, савияга эга бўлган маданиятли киши бўлиши лозим. Мактаб директорлари зиммасига, ўқувчи ва ўқитувчилар жамоасига раҳбарлик қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўрни келганда, мактабнинг барча муаммоларини ҳал этишдек оғир ва масъулиятли вазифа юклатилган.

Раҳбар жонкуяр, фидойи бўлгандагина бошқаларни ўз ортидан эргаштиради, бутун жамоани хайрли ишларга сафарбар этади. Бугунги мактаб биноси, синф хоналари, ҳатто ҳовлисининг жиҳозланиши ҳам шу жамоа тадбиркорлигига, ишбилармонлигига боғлиқ. Вилоятимизда бошқалар ибрат олса арзигулик мактаб директорлари талайгина.

Каттақўрғон туманидаги 2-умумтаълим мактаби А.Ўроқова раҳбарлигида миллионер мактабга айланди. Ҳозир мактабнинг ҳисоб рақамида беш миллиондан зиёд маблағи бор. Жамоа турли дарахт кўчатларини етиштириб, сотиш билан шуғулланади.

Мана шу ишларни амалга оширишда маҳаллий ҳокимликларнинг ҳам хизматлари катта. Қайсики туман ҳокими директорлар ташаббусини қўллаётган бўлса, қўшимча ер ажратишда ва бошқа ишларда ёрдам қўлини чўзаётган бўлса, ўша жойда олдинга силжиш бўлмоқда.

Чунки таълим соҳаси муаммолари фақат шу соҳа ходимларининг муаммоси эмас, балки ёш авлод ва жамият тақдирига дахлдор бўлган барча кишиларнинг муаммосидир.

Бу борада вилоят ҳокими ташаббуси билан қилинган ишлар алоҳида эътиборга молик. Вилоятимиз туманларида ўтказилган "Мактаблар куни" тадбирлари кишиларнинг таълимга муносабатини ўзгартирди. Вилоят ҳокимлиги қошида таълим соҳасига оид барча муаммоларни ўрганиб, ижобий ҳал этиш мақсадида ташкил этилган вилоят ҳокимлиги вакиллар кенгаши ҳам соҳа ходимларига яқиндан кўмаклашмоқда.

"Мактаблар куни" муносабати билан узоқ вақтлардан буён ечимини топмаётган кўпгина муаммолар бартараф этилиб, энг илғор ўқитувчилар, иқтидорли ўқувчилар қимматбаҳо совғалар ва компьютерлар билан тақдирланди.

Н.ШЕРБОЕВА
суҳбатлашди

Тошлоқ туманидаги ижодкорлик марказида ўқувчилар турли-туман ўйинчоқлар ясаб, ўз укажонларига ҳадя қилишмоқда.
Суратда: марказнинг фаол аъзолари ўзлари ясаган буюмларни намойиш этишмоқда.

ИЗЛАНИШ, МАҲОРАТ, ИЖОДКОРЛИК – ШУ КУН ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

тажрибалар-барчаси методик хизматнинг асосини ташкил этади.

— Бугунги кунда халқ таълими муассасалари таълим-тарбияни давр талаби даражасига кўтариш учун барча имкониятга эга, — дейди вилоят ХТБ "Таълим маркази"нинг директори Исомиддин Анорбоев. — Замонавий компьютер ва ахборот технологиялари, дарсликлар, турли методик қўлланмалар етарли. Галдаги вазифа ўқувчилар қалбига, онгига керакли бўлган тушунча ва фан сирларини етказишда. Бунинг учун ўқитувчи изланувчан, етарли билим соҳиби ва ижодкор бўлиши керак. Бир хил қолипдаги дарслар энди ўқувчини қаноатлантирмайди. Шу ўринда ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарса муаллим, унинг тафаккур дунёсидир, деган ақидани унутмаслик керак. Бугунги анжуман-машғулотларида ҳам асосий эътиборни ўқитувчининг фаолиятига, ижодкорлигига қаратдик.

Дарҳақиқат, вилоят фан ўқитувчиларининг шўъба йиғилишлари бу фикрни яна бир бор исботлади. Бу галги педагогик ўқишларда барча фанлар ва йўналишлар бўйича 32 та шўъба ташкил этилиб, машғулотларни республика олий ўқув юртларидан таклиф этилган олимлар ва вилоятдаги илғор педагоглар бошқарди.

Шўъбалардаги машғулотлар аввалгидан фарқли тарзда маърузалар асосида эмас, тренинг усулида олиб борилди. Янги педагогик технология ва илғор методлар асосида намунали дарслар ташкил этилди. Бундай машғулотда ўқувчининг зерикиб қолишига асло вақт ҳам, имкон ҳам қолмайди. Аксинча, ҳар бир ўқувчи ўзининг тушунчаси, билими ва ҳаракатлари билан дарс жараёнида фаол иштирок этишга ҳаракат қилади.

— Бугунги тренинг машғулотлари бизга катта йўналиш берди, — дейди Жиззах шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёти ўқитувчиси Ҳабиба Камолова. — Дарсларда ўқувчилар фаоллигини ошириш, янги педтехнологияни ўқув-тарбиявий ишларга жорий этиш, чет эл таълим усулларидан фойдаланиш ва шу асосда ўқувчиларнинг рейтинг меъёрларини аниқлаш лозим деган хулосага келдим.

— Амалиётдан назарияга ўтиш — замонавий дарсларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, — дейди Жиззах туманидаги 31-умумий ўрта таълим мактабининг она тили фани ўқитувчиси Муҳиддин Муллабеков. — Янги мавзу ўтишдан олдин ўқитувчининг эмас, ўқувчиларнинг тушунчасини эшитган маъқул. Ана шунда болаларнинг фаоллиги ошади. Буни бизнинг таъбиримиз билан айтганда, "ақлий ҳужум" дейишади. Яъни, ўқувчилар кўпроқ гапириб, билганини ифода этишига имкон яратиб берилади. Бунинг учун кўпроқ муаммоли вазиятни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

— Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли ўқитувчининг функционал вазифаси ўзгармоқда, — дея ўз фикрини баён этди "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фани шўъбаси раҳбари Мавлуда Эргашева. — Аввалларида ўқитувчи субъект, ўқувчилар эса объект сифатида қаралар эди. Ҳозирда ҳар иккаласи субъект ҳисобланади. Бугунги замон ўқитувчиси дарсда тарбиячи-педагог бўлиш билан бирга, асосан консультант вазифани ўтайди. Аниқроғи, дарс жараёнини кузатиб, бошқариб боради. Ўқитувчи ўз мақсадига асосан дидактив жараёнлар орқали эришади.

"Таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш" шўъбасининг ҳам ташвиш ва муаммолари ўзига яраша экан. Бу борада Жиззах шаҳридаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг кутубхонасида амалга оширилаётган ишлар ўрганишга арзийди. Чунончи, кутубхона мудираси Ҳулкар Муродованинг тажрибаси кўпчиликка маъқул келди.

Бугунги кунда ўқувчилар учун яратилаётган дарсликларнинг ҳам ўзига яраша ютуқ ва муаммолари кўзга ташланмоқда. Айнан ана шу фикрларни фан ўқитувчиларидан эшитиш — муаллифлар учун фойдадан холи эмас. Ана шу мақсадда бир қатор олим ва дарсликлар муаллифлари ўқитувчиларнинг педагогик йиғилишида иштирок этдилар. Жумладан, Ўзбекистон миллий университети профессори Баҳодир Шерходиев (физика), Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти проректори Абдулазиз Ортиқбоев (7-, 8-, 9-синфлардан геометрия), ЎзМУ ўқитувчиси Мирфозил Мирзааҳмедов, Республика таълим маркази масъул ходимлари Ильгиза Маннонова, Мукамбар Азимова, Адиба Юнусова, Шавкат Шариповлар фан ўқитувчиларининг дарсликлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, таклиф-истаклари билан ўртоқлашдилар. Асосийси, анжуман якунида туманларда ўтадиган август кенгашларини уюштириш, мустақиллик дарсларини қандай ташкил этиш борасида аниқ йўлланма ва кўрсатмалар берилди.

— Шўъба йиғилишларида РТМининг тажрибали мутахассислари ҳам тренинг машғулотлар ўтказдилар, — дейди РТМ маънавий-маърифий ишлар бўлими бош методисти Мукамбар Азимова. — Жумладан, "Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари" шўъбасида ўтказилган машғулотлар ҳам қизиқарли бўлди. Айниқса, Жиззах туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг ўқитувчиси Раъно Аҳмедова томонидан ўтказилган тренинг дарси катта қизиқиш уйғотди. У РТМ томонидан ташкил этилган 2003 йил 5 июндаги "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" фанини ўқитишдаги муаммолар" мавзусидаги семинар-кенгаш тавсиясига мувофиқ, ёшларнинг маънавий юксалишига таъсирини аниқлаш ва назорат қилиш механизми кўрсатмаларидан тўғри ва унумли фойдаланганлиги бизни қаноатлантирди.

Абдусаттор СОДИҚОВ,
"Ma'rifat"нинг махсус мухбири

Mushoira yoki bahru bayt tayyorlash bahona o'quvchilar shoira to'plamlarini varaqlaydilar, ayrim she'rlaridan parcha yodlaydilar. Asta-sekin she'r dardi ularga ham yuqadi.

To'garak ishlariga "Yosh informatiklar" yozgi maktabida ishtirok etgan ilg'or o'quvchilarni, ya'ni, olimpiada g'oliblarini rahbar sifatida jalb etish ham yoshlarga bo'lgan e'tiborni kuchaytiradi.

O'qituvchilarning Avgust kengashlarida

ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ МУАММОЛАРИ

Жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатларининг 3,2 қисми таълим мазмунини интеграциялашга эришган. Таълим мазмунини интеграциялашни илмий асосда амалга ошириш ўзининг кутилган самараларини беради.

Олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳозирда ўқитувчиларнинг таълим мазмуни интеграцияси ҳақидаги билим ва тушунчалари тўла шаклланмаган. Интеграциянинг моҳиятини, унинг иқтисодий ҳамда педагогик аҳамиятини ҳали аксарият ўқитувчилар тушуниб етганларича йўқ. Шунинг учун ҳам таълим мазмунини интеграциялаш муаммосининг илмий ечимларини оммалаштириш, ўқитувчиларни бу соҳага оид билимлар билан қуроллантириш долзарб муаммолардандир.

Маълумки, таълим мазмунида муайян ўқув фани, "Она тили", "Тарих", "Адабиёт" кабиларга оид билимлар билан бир қаторда халқнинг ижтимоий тажрибаси, тил бойлиги, маънавий, маданий қадриятлари, ахлоқий меъёрлари билим ва тушунчалар шаклида ўргатилиши лозим.

Амалдаги таълим жараёнини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатадики, у ёки бу ўқув фани мазмунида ўқувчининг ижтимоий тажрибасига кирмай қолган билим ва тушунчалар мавжуд. Бунинг асосий сабаби ўқув фанининг мазмуни ўта мураккаб ёки ҳаддан ташқари жўн эканлигидадир. Агар ўқув материали ўта мураккаб бўлса, ўқувчи уни тўлиқ ўзлаштиришга қийналади. Агар жўн ва такрор ҳолда ифодаланган бўлса, бундай ўқув материалини ўзлаштиришга ўқувчи эҳтиёж сезмайди, ундан безади. Таълим жараёнида айнан бир ўқув предметнинг мазмуни доирасида ҳамда ўқув фанлариаро интеграцияни амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Таълимда интеграцияни амалга ошириш ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам педагогик, психологик, гигиеник ва физиологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Интеграция натижасида ўқув режасида кўплаб дарс соатлари иқтисод қилинади. Шу билан бир қаторда ўқувчининг ижодий қобилиятларини намоён қилиши учун қулай имконият туғилади. Чунки, интеграциялашган ўқув предметлараро билимлар кўп тармоқли ва яхлит бўлади. Бу эса уни ўзлаштириш ва қўллашда қулайликни вужудга келтиради. Ўқувчининг вақти ва кучи тежалади, ортиқча зўриқишнинг олди олинади. Натижада ўқув жараёнининг самарадорлик даражаси ортади.

Бугунги кунда 1-синфларнинг ўқув юкламаси мактаб ихтиёридаги соатлар билан қўшиб ҳисобланганда ҳафтасига 22 соатни ташкил қилмоқда. Интеграция натижасида эса уни бир қадар, 18 соатгача қисқартириш мумкин.

Таълим жараёнида турли даражадаги интеграцияни амалга ошириш учун ўқув дастури ва дарслик муҳим аҳамиятга эга. Дастурда ўқув фани мазмунининг максимум даражаси ҳамда синфма-синф белгилаб берилган ДТС асосида ўқувчининг билим ҳамда тайёргарлик даражасига қўйиладиган минимум талаблар ўз ифодасини топмоғи лозим.

Таълим мазмунида амалга оширилиши кўзда тутилаётган интеграция даражаси айни бир ўқув фани мазмунида чуқур, ҳар томонлама алоқадан бошланиб, ўқув фанлариаро боғланиш, уйғунлашиш даражасида таъминланиши керак.

Она тили ва ўқиш ўқув фанлари мазмунида умумий компонентлар нутқ ўстириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни, ахлоқ ва нафосат, мулоқот маданияти меъёрларини, табиат, жамиятга оид тушунчаларни матнлар, шеърлар, мақолалар, машқлар, ҳикоялар орқали етказиш назарда тутилганда, шу мақсадга хизмат қиладиган бошқа бир қатор дарсларга эҳтиёж қолмайди.

Осиё ривожлантириш банки лойиҳаларида таълим мазмунини интеграциялаш муаммосига алоҳида эътибор берилганлиги интегратив дарсликлар яратишни жадаллаштириш имконини беради. Бу соҳада илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун жуда катта миқдордаги маблағларнинг ажратилиши мазкур масаланинг нақадар долзарб эканлигидан далолат беради.

Р.САФАРОВА,
ЎзПФИТИ "Илмий ахборотлар ва таълим прогностикаси муаммолари" илмий лабораторияси мудири

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР УМУМЛАШГАНДА...

Ижтимоий билимлар метод бирлашмаси иш фаолиятини такомиллаштиришда нималарга эътибор бериш кераклиги хусусида

Методик хизматнинг узлуксизлигини таъминловчи, уни амалга оширувчи, такомиллаштириш йўлларини изловчи ўқитувчи шахси мактаб методика бирлашмасида шаклланади. Шунинг учун мактаб методика бирлашмалари ўқитувчилар фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи марказ вазифасини ўтайди. Мактаб метод бирлашмаси методик хизматни амалиётда қўллайдиган энг қуйи босқич сифатида фан соҳасидаги янгиликларни бевосита ўқитувчиларга етказиши, дарс самарадорлигини оширишга хизамт қилмоғи лозим.

Бирлашманинг асосий вазифаларидан бири таълим соҳасидаги меъёрий ҳужжатлар билан ўқитувчиларни мунтазам таништириб бориш, ўқитувчиларнинг малака оширишларини ташкил қилиш, ўқувчилар билимида ҳосил бўлган бўшлиқларни тўлдириш учун чора-тадбирларни кўриш, ёш мутахассислар билан ишлаш, таълим самарадорлигини оширишда очиқ дарслар ташкил қилиш, илғор педагогик технологияларни оммалаштириш, фанга оид дарсдан ташқари ишларни, факультатив дарсларни ташкил қилиш, умуман олганда, ўқув тарбия ишларини жонлантиришдан иборат.

Метод бирлашма ишини тўғри ташкил қилиш биринчи навбатда иш режасига ва иш тақсимотига боғлиқ. Иш режасини қуйидагича тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Биринчидан, ўтган ўқув йили якунлари бўйича қисқача хулосалар ва янги ўқув йилида бирлашма олдига қўйилган вазифалар.

Иккинчидан, туман мактаб метод бирлашмалари билан ҳамкорликда кўрилган ишлар, хулосалар ва янги ўқув йилида кўриладиган чора-тадбирлар.

Асосийси, ҳар бир метод бирлашма йиғилиши одатдагидек мажлислардан иборат бўлиб қолмай, балки фанлар юзасидан семинарлар, очиқ дарслар ташкил қилиш ва уларнинг муҳокамасидан иборат бўлмоғи лозим.

Семинарларда эса энг муаммоли нуқталар ҳисобланган "Ўзлаштириши оғир ўқувчилар билан ишлаш". "Илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш". "Қўшимча адабиётлар билан ишлаш". "Ўқувчилар билимида бўлган бўшлиқларни аниқлаш ва уларни тўлдириш йўллари" ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилса, ўринли бўлади.

Қуйида "Ўзлаштириши қийин бўлган мавзулар билан ишлаш" бўйича ташкил этиладиган семинарнинг тахминий иш жараёнини намуна сифатида эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз. Бундай семинарни ташкил қилиш учун қуйидаги ўқув қуроллари керак бўлади.

Доска, бўр, иккита ватман, фламастер, ручка, скоч, елим, қоғоз, фанга оид ўқув қўлланма.

Биринчи босқич — мустақил ишлаш

Мавзу танлаш:

1. савол: Танланган мавзуни ўзлаштиришда ўқувчилар қандай муаммоларга дуч келишлари мумкин?

Танланган савол устида иштирокчиларнинг якка ҳолда ишлашлари учун вақт бериш. Бунда иштирокчиларнинг танланган мавзуда қандай муаммоларга тўхталишлари мумкинлиги тўғрисидаги фикрларини жамлаш. (3-минутдан 5-минутгача).

Иккинчи босқич — иштирокчиларнинг кичик гуруҳларда, яъни икки кишилик гуруҳларда иштирокини ташкил қилиш.

Бунда иштирокчилар ўзлари танлаган муаммоларини биргаликда ҳал этадилар ва 5 тадан 3 тагача ўта долзарб мавзуни олиб қоладилар (3-минутдан 5 минутгача).

Учинчи босқичда иштирокчилар чорак гуруҳларга бирлашадилар.

Бунда улар кичик гуруҳларда долзарб, деб топган муаммоларини ўзаро таққослайдилар ва 3 тадан бештагача ўта долзарб мавзуни танлаб оладилар.

Тўртинчи босқичда иштирокчилар иккита катта гуруҳларга бўлинадилар ва чорак гуруҳларда долзарб деб топган муаммоларни солиштирадилар ва ватманга умумлаштириб ёзадилар.

Ҳар бир гуруҳ лидери ўзлари томонидан умумлаштирилган муаммоларни досканинг бир томонига скоч билан ёпиштирадилар.

Иккала гуруҳ томонидан келтирилган муаммолар мавзуи иштирокчилар билан биргаликда солиштирилиб, ва ўхшашлари ва энг долзарб деб топилганлари танлаб олинади.

Танланган муаммолар савол тариқасида иштирокчиларга берилади ва юқоридаги тартибда аввал якка ҳолда, сўнгра кичик гуруҳларда, чорак гуруҳларда, катта гуруҳларда ишлаб чиқилади. Ва кўтарилган муаммоларга ечим излашга ҳаракат қилинади. Бунда ҳар бир иштирокчи мулоҳазаси ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Зотан, ҳар бир ўқитувчи ўз тажрибасидан келиб чиқиб масалага ёндошади. Бу эса илғор иш тажрибаларидан, ёш ўқитувчиларнинг воқиф бўлишларини таъмин этади.

Н.ИСМАТОВА,
РТМ бўлим бошлиғи

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШИДА КОМПЬЮТЕРНИНГ АҲАМИЯТИ

Республикамиз умумтаълим мактабларида информацион технология асосида ўқув жараёнларини ташкил этишга шарт-шароитлар яратилиб берилаётганлиги давлатимиз томонидан чиқарилган бир қатор қонунларда ўз аксини топмоқда. Жумладан, 1993 йил 7 майда қабул қилинган "Ахборотлаштириш тўғрисида" ёки "Замонавий компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан, "Интернет"га кириб боришни кенгайтириш, юқори малакали дастурчи-мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш" мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 май қарори ва "Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборотни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2002 йил 6-июлдаги 200-сонли Вазирлар Маҳкамасининг қарори шу мақсадларга қаратилган. Шулардан келиб чиққан ҳолда юқори синф ўқувчилари учун (биринчи босқичда 8-синфдан бошлаб) ўқув дарсликларининг электрон версияларини яратиш, барча фанларда компьютерлардан самарали фойдаланишга эришиш учун бошланғич синфлар ва умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари учун ўқув педагогик дастурлар мажмуасини тайёрлашга эришиш бугунги кундаги долзарб масалалардандир.

Бу ишларни амалга оширишда ХТВ томонидан турли тадбирлар ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 6-7 май кунлари Самарқанд шаҳрида "Ўқув педагогик дастурлар ва методик тавсияларни тайёрлаш" кўрик-танлови ХТВнинг буйруғи асосида ўтказилди. Кўрик-танловда барча вилоятлардан олти йўналишда ишлар тақдим этилди. Улардан энг яхшилари ХТВнинг совринлари билан тақдирланди. Кўриб ўтилган ишларнинг мазмунига эътибор берилганда, республикамиздаги информатика ўқитувчилари ва ёш дастурчиларнинг долзарб масалаларни ҳал этишга интилаётганликлари намоён бўлди. Масалан, веб саҳифалар яратиш, фанларга ахборот технологияларини қўллаш ва электрон дарсликларни яратишга оид ишларнинг тақдим этилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Кўрик-танловнинг сўнгги куни Самарқанд шаҳар информатика ўқитувчилари ва танлов иштирокчилари билан амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда информатика фани ўқитувчиларини қизиқтирган саволларга ХТВнинг мутасадди вакиллари ва Республика таълим маркази мутахассислари томонидан жавоблар берилди. Шунингдек, ўқувчиларнинг фанлардан қўшимча билим олишида дарслик, қўлланмаларнинг афзалликлари, ўқув фанларидан яратилаётган электрон дарслик ва қўлланмалардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини, фаоллигини ошириш янги технологияларни қўллаш омили экани ҳақида фикрлашилди. Анжуманда 8-синф учун яратилган "Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари" дарслигининг "Электрон версияси" (ўзбек ва рус тилларида), бошланғич синфларга мўлжалланган. "Алифбо сабоқлари" ва "Математика сабоқлари" ўқув педагогик дастури намойиш этилди. Энг муҳими, мазкур дастурлар Республика мактабларига етказилади.

Намойиш этилган ишлар натижасида барча иштирокчилар электрон китоб яратишда анимация, видео, товушларни қўйиш усуллари ҳақида керакли маълумотларни эгалладилар.

Август кенгашларида Тошкент шаҳар, вилоят халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги Методика марказлари, туман (шаҳар) Методика кабинети ҳузуридаги кенгаш ва уюшмалар ўтказиб келинаётган тадбир натижаларини таҳлили билан чиқсалар, ўқитувчиларнинг янги ўқув йилида нималарга аҳамият беришлари кўзга ташланади. Бу эса ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш ва унга эришиш омилидир.

Август кенгашларига берилган тавсияда таъкидланганидек, ўқувчиларнинг бўш вақтини банд этиш учун мактабларда "Ёш дастурчи", "Ёш технолог", "Ёш референт", "Компьютер графикачиси", "Ёш дизайнчи", "Ёш сайт яратувчи" каби тўгаракларнинг ташкил этилишига эришсак, келажакда ёшлар ўртасида маҳоратли дастурчиларга, дизайн ва сайт яратувчиларга эга бўлишимиз муқаррар эканлигини Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган кўрик-танлов ва "Ёш информатиклар" ёзги мактабининг натижалари кўрсатиб турибди. Тўгарак ишларига "Ёш информатиклар" ёзги мактабида иштирок этган илғор ўқувчиларни, яъни, олимпиада ғолибларини раҳбар сифатида жалб этиш ҳам ёшларга бўлган эътиборни кучайтиради.

Ҳар йили ўтказиб келинаётган ёзги мактаб ишида ўқувчиларимизнинг нимага қодирлиги, нимага чанқоқ эканликлари билан бўлган давра суҳбатларида аён бўлмоқда. Шундай экан, ёшларимизга эътиборли бўлиб, уларга тўғри йўлни кўрсата олсак, биз устозларнинг оғиримиз енгил бўлиши ва келажагимиз учун керакли кадрларни етиштиришда ўз олдимизга қўйилган вазифани бажарган ҳисобланамиз.

Б.БОЛТАЕВ,
РТМ бўлим бошлиғи,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Bir soatlik dars

8-синфда Ўзбекистон Халқ шоираси Ҳалима Худойбердиеванинг "Дориломон кунлар келди", "Бегим, сизни табиат", "Шунчаки" шеърлари ўрганилади. Биринчи соатда Ҳалима Худойбердиева ҳақида — унинг ижоди, шеърий тўпламлари, ҳозирги кундаги фаолияти ҳақида қўшимча манбалардан фойдаланиб, маълумот берилади. Аёл, она, эзгулик, болалик, келажак умиди билан боғлиқ замоннинг энг долзарб муаммолари қаламга олинган "Юрагимнинг оғриқ нуқталари" номли китобидан, шеърий тўпламларидан ўқувчиларга парчалар ўқиб бериш, шоира ҳақида вақтли матбуотда берилган материаллар билан таништириш, имкони бўлса ўқитувчининг шоира шеърларидан бирини ифодали ёд айтиб бериши ўқувчиларда Ҳалима Худойбердиева ижодига муҳаббатни, шахсига ҳурматни уйғотади. Дарсликда берилган шеърлардан бири таҳлил қилинади.

2-соатни эса интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда қуйидагича ўтказиш мумкин. Ўқувчилар оқ, қизил, пушти рангдаги гуллардан ўзларига маъқулини танлаб, оқ рангли гулни олганлар бир гуруҳга, қизил ва пушти рангдаги гулни олганлар эса яна икки гуруҳга бўлиниб, доира шаклида ўтириб оладилар. Гуруҳ аъзоларига оқ қоғоз ва фломастер берилиб, қуйидаги саволларга жавоб ёздирилади. Оқ қоғоздаги саволлар қоғознинг тўрт бурчагига ёзилган бўлади.

1. Сизнингча, шеър нима?
2. Шеъриятга қизиқасизми ёки аксинча? Сабаби нимада деб ўйлайсиз?
3. Қандай шеърий тўпламлар билан танишсиз?
4. Нечта шеърни ёд биласиз?

Ушбу саволларга ёзилган жавоблар ўқилмайди, баҳоланмайди, фақат йиғиб олинади. Бу топшириқни бажартиришдан мақсад шуки, ўқитувчи ўзини-ўзи баҳолайди, яъни ўқувчиларнинг шеър ҳақидаги тушунчалари мукаммал бўлмаса, улар шеъриятга қизиқмаса, шеърий тўпламларни ўқимаган бўлса, ёдлаган шеърлари сони кам бўлса, дарс ўтиш усулини ўзгартириш ҳақида ўйлаб кўриши керак. Аввало, шеър — дард, юрак туйғулари, кечинмалари ифодаси эканини айтиб, ҳар бир дарсда "Шеърий лаҳзалар" ўтказа бориб, шеъриятга ҳавасни уйғота олиш кутилган натижани беради. Агар саволларга жавоб ўқитувчини қаноатлантирса, тўғридан-тўғри таҳлилга киришиши, унда дарсликдаги савол ва топшириқлардан фойдаланиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дарсликдаги саволлар шунчаки берилмаган. Ҳар бир саволнинг бир неча жавоблари бўлиб, улар ўқувчини мушоҳада юритишга, изланишга, фикрлашга ундаши билан аҳамиятлидир.

Дарс мушоира шаклида ёки синф ўқувчилари кучли бўлса, баҳру байт билан давом эттирилади.

1-гуруҳ иштирокчиси:

Сиз топмишим, йўқотмишиммас,
Сор лочиним, ожиз қушиммас.
Сиз дунёда рост деб кутганим —
Тутолмаган ёлғиз тушимма**с.**

2-гуруҳ иштирокчиси:

Сизга фидо бўлмоқ истайман,
Сиз деб адо бўлмоқ истайман,
Аста-аста йўқотмай сизни,
Бирдан жудо бўлмоқ истайма**н.**

3-гуруҳ иштирокчиси:

Нега жимсан... Тоза ишқ номин
Ўпиб мен кўз тиндиргим келди.
Нега жимсан, қайноқ ишқ жомин
Тошга отиб синдиргим келд**и.**

1-гуруҳ иштирокчиси:

Истамам, ҳаётни мен чиндан
Китобда йўқолса ими-жим.
Сарғаймай варақлар ичинда
Китобдан чиқадир ҳаётим.

2-гуруҳ иштирокчиси:

Мангу қолгандирман боғланиб,
Заволга юз бурманг, боғларим.
Боболарим — юксак чўққилар,
Момоларим — суянч тоғларим.

3-гуруҳ иштирокчиси:

Минг санамнинг додин тинглаб
баҳрим менинг ўт бўлур
Кўз ёшларим тошар дарё,
оҳларим булут бўлур,
Минг санамнинг ҳар нигоҳи
бир ўқ отса баҳрима,
Ким айтади минг ўқ еган
баҳрим менинг бут бўлур.

Мушоира ёки баҳру байт тайёрлаш баҳона ўқувчилар шоира тўпламларини варақлайдилар, айрим шеърларидан парча ёдлайдилар. Аста-секин шеър дарди уларга ҳам юқади. Зеро, адабиёт ўқитишнинг мақсадларидан бири ҳам шу. Шеъриятга ошно қалбда эзгулик ниш уриб, ёмонликка жой қолмайди.

3-топшириқ лаҳзалик савол-жавоб бўлиб, энг кўп жавоб берган гуруҳ ғолиб саналади.

— Ҳалима Худойбердиева қачон туғилган?
— 17 май 1947 йилда.
— Қаерда?
— Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида.
— Онаси ким эди?
— Шарофат Хонназар қизи, онаси вафотидан сўнг шоирага холаси Қаршигул Хонназар қизи оналик қилган.
— Отаси-чи?
— Умматқулбой Худойберди ўғли.
— Бўлажак шоира қаерда таҳсил олди?
— Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида.
— Яна?
— Москвадаги Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтининг Олий курсларида.
— Устозлари?
— Акром ака Каримназаров, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия.
— Илк шеърий тўплами қандай номланган?
— "Илк муҳаббат".
— Яна қандай шеърий тўпламларини биласиз?
— "Оқ олмалар", "Чаман", "Суянч тоғларим".
— "Бобо қуёш", "Иссиқ қор", "Садоқат".
— Республика Давлат мукофотига сазовор бўлган тўплами?
— "Муқаддас аёл".
— Мустақиллик йилларида яратган тўпламлари?
— "Ҳурлик ўти", "Бу кунларга етганлар бор", "Тўмариснинг айтгани", "Туркистон онаси".
— Шоиранинг куюнчак журналист сифатида яратган китоби?
— "Юрагимнинг оғриқ нуқталари".
— Унвони?
— Ўзбекистон халқ шоираси.
— Қайси шеърлари қўшиқ қилиб айтилмоқда?
— "Алвидо денг", "Сизни севгач", "Бегим, сизни табиат", "Дориломон кунлар келди".
— Шоира қаерларда ишлади?
— "Саодат" журналида, "Ёзувчи" нашриётида.
— Ҳозирги кунда-чи?
— "Санам" журналида бош муҳаррир ўринбосари.

Кейинги топшириққа ўтишдан аввал оҳанрабо тасмасидан "Сизни севгач, мен чаманлар, лолаларга учрагум" ёки "Дориломон кунлар келди" қўшиғи эшиттирилади.

4-топшириқда гуруҳ аъзоларига "Мен ҳеч ўлмас муҳаббатга фидо бўлиб ўтяпман", "Ватан, сен тутқаздинг менга туз ва нон", "Отагинам, оқ олмани севардингиз боладай" деб ёзилган оқ ватман берилади. Гуруҳ аъзолари қизиқишларига кўра жойларини ўзгартириб, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, тезкорлик билан шоиранинг **муҳаббат, Ватан, ота** ҳақидаги шеърларини эслайдилар ва саволларга жавобни маркер билан оқ ватманга ёзадилар. Жавоблар гуруҳ аъзолари томонидан шеърий парчалар билан ҳимоя қилинади.

Муҳаббат мавзусидаги шеърларни ўқиган гуруҳ иштирокчиларига берилган ватманда қуйидаги саволлар ёзилган бўлиши мумкин:

1. Шоиранинг муҳаббат ҳақидаги қайси шеърларини биласиз?
2. "Абад сўлмас, англаб бўлмас муҳаббатга фидо бўлиб ўтаётган" лирик қаҳрамон кўз олдингизда қандай аёл бўлиб гавдаланди?

Биринчи гуруҳ иштирокчилари Ҳ.Худойбердиеванинг "Ҳар гап ўтса, мендан ўтди", "Сиз билан миннатдор хайрлашаман", "Мен олмаман", "Кўрқаман", "Хотирам тумани тарқалаётир" ва бошқа шеърлари номини, "Маҳзун аёл", "Мағрур аёл", "Мушфиқ аёл", "Нолимайдиган аёл", "Рашкдан қўрқувчи аёл" деган жавобларни ёзишлари мумкин. Сўнг ҳар бир жавобни мисоллар билан шарҳлаб берадилар.

1-ўқувчи:

— Мен Ҳ.Худойбердиеванинг лирик қаҳрамонини барча айбни ўзига олувчи, **маҳзун,** изтиробдан эзилаётган мунис аёл сифатида кўраман. Мана, у нима дейди:

Ҳар гап ўтса мендин ўтди, сизда гуноҳ йўқ, бегим,
Ўзим сизни отдим ёраб, сўздин ясаб ўқ, бегим.
Ўйладимки, Сизнинг бу ишқ кулдай сўниб тўзгандир,
Бугун нечун юрагимда лаҳча-лаҳча чўғ, бегим.

2-ўқувчи:

Мен эса сирларини ошкор этмайдиган, кўнгли муҳаббат билан лиммо-лим, аммо маҳзун эмас, мағрур аёлни кашф этдим:

Мен дилимда зор борини айтмайман сенга,
Бевақт ёққан қор борини айтмайман сенга.
Йиғлай-йиғлай қаҳ-қаҳ уриб кула олишим
Унда шўхчан қор борини айтмайман сенга.

3-ўқувчи:

Мен эса севгиси топталган, ниятлари сароб бўлиб чиқиб, афсусланаётган, аммо бевафога бахт тилай олаётган **мушфиқ** аёлни кўз олдимга келтирдим.

Ишқингиздан қолди юрагимда доғ,
Англадим ишқингиз ўтсиз эканин.
Порлаб кўринган гул бўлди-ю янтоқ,
Кўнглимни қон қилди унинг тикони.

4-ўқувчи:

Интиқ туйғулари ўжар ғурури қурбони бўлган, аммо тақдиридан **нолимайдиган,** шукрона билан яшайдиган аёл кўз олдимда гавдаланди:

Интиқ туйғуларим, ўйларим маним
Ўжар ғуруримнинг қурбони бўлур.
Умрим сўнгигача Сизнинг эканим,
Шу ўйим, куйимни ёритгувчи нур.
Бундай тоқ ва лекин пок севолган ким,
Қалам тушса қўлларимдан етмай бардошим,
Фикрларнинг шиддатидан толиқса бошим,
Бир оҳ тортиб ўзни яна қайта тиклайман,
Мен шундай, ҳа, синганда ҳам куйловчи найман!

3-гуруҳ иштирокчилари шоиранинг отаси ҳақидаги "Учаётиб кўкрагини тутди чавандоз", "Отам ҳақида", "Онажон-ей, шу кун-шу тун", "Ҳамқишлоқларим", "Оқ олмалар пишганда" шеърларини ёзадилар ва шоиранинг отаси ким, у қандай фазилатларга эга эди?" саволига жавоб ёзадилар.

1-ўқувчи:

Шоира отаси ўлимидан чуқур изтиробга тушади. Унинг отаси оппоқ турналари билан сирлаша олмай, армонда кетаётган чавандоз эди:

Алаҳлаб,
Мадор кетган қўлларини ёзар чавандоз,
Баайники турналарини қўймоқчи силаб,
Ва силтаниб эгарда тиклади-ю ғоз,
Зангор кўкка кўзин тикди,
Сўнг тушди қулаб.

2-ўқувчи:

— Она "Тез бўл, отанг чарчаб келади қайтиб" дея ўчоққа шошиб ўт ёқарди. Шоира "Менинг кетган отам келмайди қайтиб" дея армон қилади. Демак, у фарзандларига меҳрибон, меҳнаткаш инсон бўлган.

3-ўқувчи:

— Мен шоиранинг отасини дунёдан эрта кетган, орзулари ушалмаган, фарзандлари роҳатини кўролмаган, шундан шоира изтироблари кучли деб ўйлайман:

Оқ олмалар пишган кунлар, босди-ку қора ғамлар,
Тополмадим мен отамни — боғ айланиб ёш тўкиб.
Ҳар йилгидек тикланса-да саф-саф пичан ғарамлар,
Уни ўзи тиклолмади, кетган бўлса-да экиб.

4-ўқувчи:

— Бу изтиробларни, отага меҳрни ушбу сатрларда ҳам кўриш мумкин:

Тирикчилик, кунингизга ризқи тўкин фарзанддек,
Ҳали ярамагандим.

Жавоблар тинглангач, гуруҳ иштирокчиларига берилган баллар ҳисобланади ва эълон қилинади. Ушбу дарсда ўқувчилар дарсдан қутган ниятларига эришсалар, баҳс-мунозарада ўзлари яратган қоидаларга риоя этсалар, ўз фикрларини далиллаш учун китоб варақласалар, мақсадга эришган бўламиз.

Дарсликда учта шеърни таҳлил қилиш учун мазмунли, баҳсталаб саволлар берилганки, шу асосда ҳам янги педтехнология асосида дарсни бемалол ўтиш мумкин. Бизнинг мақсадимиз эса шеърга муҳаббат уйғотиш, ўқувчиларда маълум мавзулар бўйича фикрлар ранг-баранглигини юзага келтириш эди. Шунинг учун юқоридаги усулни танладик. Шоира шеърий тўпламлари янги алифбода мавжуд эмаслиги туфайли шеърий парчаларни кўпроқ келтиришга ҳаракат қилдик. Ўйлаймизки, ҳассос шоира Ҳ.Худойбердиева ижодини ўрганишда тажриба, дарс ўтиш жараёнида яна қатор усуллар кашф қилинади.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimov aytganidek, «bu yillar tarixi - bizning tariximiz, xalqning tarixi. Tarixdan voz kechib bo'lmaydi».

Huquqqa ixtisoslashgan maktablarda berilgan dasturni chuqurlashti-rib o'tish tavsiya qilinadi.

(Davomi. Boshi o'tg ' sonlarda)

O'ZBEKISTON TARIXI 10-SINF

O'zbekiston tarixi fani umumta'lim maktablarida 51 soat o'qitiladi. birinchi yarim yillikda haftasiga 2 soat, ikkinchi yarim yillikda 1 soatdan o'qitiladi.

KIRISH — 1 soat

1917 yildan 1990 yilgacha bo'lgan davr O'zbekiston tarixining eng murakkab va ziddiyatli sahifalarini o'z ichiga oladi. Bu davr o'ir yo'qotishlar, ulkan fojialar, yurt ozodligi va mustaqilligi uchun qahramonona kurash davri, xalqimizning fidokorona mehnati va fashizmga qarshi kurashi yillari bo'ldi.

O'zbekiston tarixining sovet davri ijobiy va salbiy voqealar, hodisalar, jarayonlarni o'z ichiga oladi. Mustabid tuzum davrida xalqimiz qatag'onlar va ta'qiblarni, milliy an'analarimiz va dinimizning poymol etilishini boshidan kechirdi.

Ammo shu bilan birga sovet davrida xalqimiz o'zining fidokorona mehnati bilan O'zbekistonni Sharqning eng rivojlangan agrar respublikalaridan biriga aylantirdi. Madaniyat, maorif, sog'liqni saqlash va ijtimoiy ta'minot sohalarida muayyan yutuqlar qo'lga kiritildi. Bu yillarni xalqimiz tarixidan, hayotidan o'chirib tashlash mutlaqo mumkin emas. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimov aytganidek, «bu yillar tarixi - bizning tariximiz, xalqning tarixi. Tarixdan voz kechib bo'lmaydi».

I. TURKISTON XALQLARINING MUSTAQILLIK UCHUN KURASHI (1917-1924 YILLAR) — (1/6 soat).

1-mavzu. 1917 yildagi ijtimoiy-siyosiy vaziyat.
2-mavzu. Turkiston muxtoriyati o'lka davlatchiligi tarixida yangi bosqich.
3-mavzu. Turkiston Respublikasining tashkil topishi.
4-mavzu. Yangi boshqaruv tizimining shakllanishi va mamlakat iqtisodiyotidagi o'zgarishlar.
5-mavzu. Xorazmda milliy-demokratik harakat. Xiva xonligining qulashi.
6-mavzu. Buxoro amirligida islohotlar uchun kurash. Harbiy tajovuzkorlik. Amir hokimiyatining ag'darilishi.
7-mavzu. Turkiston milliy davlatchiligini qaror toptirish yo'lida.
8-mavzu. Iqtisodiy tanglik. Turkistonda ocharchilik.
9-mavzu. Turkistonda ozodlik harakati.
10-mavzu. Yangi iqtisodiy siyosat va uning natijalari.
11-mavzu. 1920-1924 yillarda Xorazm respublikasida ijtimoiy-siyosiy jarayonlar.
12-mavzu. 1920-1924 yillarda Buxoro respublikasida siyosiy va iqtisodiy vaziyat.
13-mavzu. Buxoro va Xorazm respublikalaridagi qurolli kurash.
14-mavzu. Madaniyat, ma'naviyat va milliy o'zlik uchun kurash.
15-mavzu. Ma'orif va matbuot. Mutaxassislar tayyorlash.
16-mavzu. Milliy - hududiy chegaralanish va O'zbekiston SSRning tashkil etilishi.
17-mavzu. 1917-1924 yillarda Qoraqalpog'iston.
Takrorlash-umumlashtirish darsi.

II. O'ZBEKISTON 20-YILLARNING IKKINCHI YARMI VA 30-YILLARDA — (12 soat).

1-mavzu. O'zbekistonning ijtimoiy-siyosiy hayoti.
2-mavzu. Qishloq xo'jaligining isloh qilinishi.
3-mavzu. Sanoatning tiklanishi.
4-mavzu. YAIS dan voz kechilishi va ma'muriy-buyruqbozlik tizimiga o'tilishi.
5-mavzu. Sanoatlashtirish sur'atlarining tezlashtirilishi va uning natijalari.
6-mavzu. Qishloq xo'jaligini jamoalashtirish.
7-mavzu. O'zbek xotin-qizlarini ozodlikka chiqarish jarayoni.
8-mavzu. 20-30 yillarda qatag'on siyosati.
9-mavzu. Xalqaro aloqalar.
10-mavzu. Ta'lim va fan sohasidagi madaniy qurilish.
11-mavzu. Milliy adabiyot va san'atning rivojlanishi.
12-mavzu. 20-yillarning ikkinchi yarmi va 30-yillarda Qoraqalpog'iston.
Takrorlash-umumlashtirish darsi.

III. O'ZBEKISTON FASHIZMGA QARSHI URUSH YILLARIDA (1941-1945) — (7 soat).

1-mavzu. Urushning boshlanishi. O'zbekistonning fashizmga qarshi kurashga qo'shgan hissasi.
2-mavzu. O'zbekiston iqtisodiyoti urush yillarida.
3-mavzu. Qishloq xo'jaligi ahlining mehnat jasorati.
4-mavzu. O'zbek fani va madaniyatining g'alabaga qo'shgan hissasi.
5-mavzu. O'zbekiston aholisining ijtimoiy-iqtisodiy va siyosiy ahvoli.
6-mavzu. O'zbekistonliklarning harbiy harakatlardagi ishtiroki.
Takrorlash-umumlashtirish darsi. Sinov. Yakuniy dars.

Tavsiya etiladigan adabiyotlar:

1. I. A. Karimov. "Bizdan ozod va obod Vatan qolsin". T; "O'zbekiston", 1996 yil.
2. I. A. Karimov "O'zbekiston: Milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura" T; "O'zbekiston" 1996 yil.
3. I. A. Karimov "O'zbekistonning o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li", T; "O'zbekiston" 1992 yil.
4. I. A. Karimov. "O'zbekistonning siyosiy-ijtimoiy va iqtisodiy istiqbolning asosiy tamoyillari" T; "O'zbekiston"
5. I. A. Karimov. "Hozirgi bosqichda demokratik islohotlarni chuqurlashtirishning muhim vazifalari." T; "O'zbekiston" 1996 yil
6. Alimova D. "O'rta Osiyoda jadidchilik" T; 2000 yil.
7. A'zamxo'jaev S. "Turkiston muxtoriyati" T; 2000 yil.

JAHON TARIXI 10-SINF (51-soat)

10-sinfda Jahon tarixi fani (51 soat o'tilib, birinchi yarim yillikda haftasiga 1 soat, ikkinchi yarim yillikda haftasiga 2 soatdan o'tiladi.)

Kirish — 1 soat

Eng yangi tarix – jahon tarixining bir qismi bo'lib, insoniylik va demokratlashtirish jarayonlari, milliy-davlatlarga ajralib chiqish siyosati, iqtisodiy hayotning baynalminallashuv jarayoni, avtarkiya siyosati, burjua-demokratik revolyusiyalar, antisemitizm, irqchilik, mustamlakachilik, parlament tizimining mohiyati, korporativ tizim, evropalashtirish, jahon iqtisodiy krizisi, sindikalizm, anarxosindikalizm, unitar davlat, nasizm, milliy sosializm, mustabid fashizm, totalitar davlat, oriylik nazariyasi, umumiy havfsizlik siyosati, proteksionizm siyosati,milliy ozodlik harakati, mustamlakachilik tizimi krizisi, xalq revolyusiyalari, harbiy-sanoat kompleksi. Dunyoni qayta taqsimlash siyosati tushunchalarini o'z ichiga oladi.

I. BIRINCHI JAHON URUSHI VA UNING OQIBATLARI — (5 soat).

1-mavzu. Birinchi jahon urushi.
2-mavzu. 1914-1918 yillarda birinchi jahon urushi jabhalaridagi harbiy harakatlar.
3-mavzu. 1917 yil fevral burjuaziya demokratik inqilobi va oktabr to'ntarishidan keyingi Rossiya.
4-mavzu. Birinchi jahon urushining oxirgi davri.
5-mavzu. Versal sulh-shartnomasi. Parij tinchlik konferensiyasi.

II. EVROPA VA AQSH BIRINCHI JAHON URUSHIDAN KEYIN — (7 soat).

1-mavzu. Evropa urushdan keyingi tiklanish yo'lida.
2-mavzu. 1919-1929 yillarda Fransiya – barqarorlik va tashqi havfsizlik yo'llarini izlash.
3-mavzu. Buyuk Britaniya 1918-1929 yillarda.
4-mavzu. Germaniya 1918-1929 yillarda.
5-mavzu. Italiya 1918-1929 yillarda.
6-mavzu. AQSH 1918-1929 yillarda.

III. JAHON IQTISODIY KRIZISI VA UNING OQIBATLARI — (9 soat).

1-mavzu. Jahon iqtisodiy krizisining sabablari va uning xususiyatlari.
2-mavzu. Germaniya 1929-1934 yillarda.
3-mavzu. Gitlerning hokimiyat tepasiga kelishi.
4-mavzu. 1933-1939 yillarda Germaniyaning tashqi siyosati.
5-mavzu. 1929-1939 yillarda Fransiya.
6-mavzu. 1929-1939 yillarda Buyuk Britaniya.
7-mavzu. 1929-1939 yillarda Italiya.
8-mavzu. 1929-1939 yillarda AQSH.
9-mavzu. 1929-1939 yillarda Ispaniya.

IV. IKKINCHI JAHON URUSHI MOBAYNIDA SHARQIY EVROPA VA BALQON YARIMOROLI MAMLAKATLARI — (8 soat).

1-mavzu. 1918-1939 yillarda Polsha.
2-mavzu. 1918-1939 yillarda Vengriya.
3-mavzu. 1918-1939 yillarda Chexoslovakiya.
4-mavzu. 1918-1939 yillarda Yugoslaviya. Ko'pmillatli davlat ittifoqini tuzish tajribasi.
5-mavzu. 1918-1939 yillardaa Bolgariya.
6-mavzu. 1918-1939 yillarda Ruminiya.
7-mavzu. 1918-1939 yillarda Gretsiya.
8-mavzu. 1918-1939 yillarda Albaniya.

V. OSIYO MAMLAKATLARNING 1918-1939 YILLARDA IQTISODIY VA SIYOSIY TARAQQIYOTI — (5 soat).

1-mavzu. 1918-1939 yiillada Turkiya.
2-mvzu. 1928-1939 yilarda Xitoy.
3-mavzu. 1918-1939 yillarda Vetnam, Quriya va Indoneziya.
4-mavzu. 1918-1939 yillarda Hindiston.
5-mavzu. 1918-1939 yillarda Yaponiya.

VI . XX ASRNING BIRINCHI YARMIDA AFRIKA VA LOTIN AMERIKASI MAMLAKATLARI — (4 soat).

1-mavzu. Afrikada mustamlakachillikka qarshi ozodlik kurashi.
2-mavzu. Lotin Amerikasi xalqlarining ozodlik va mustaqillik uchun kurashi.

VII. IKKINCHI JAHON URUSHI — (8 soat).

1-mavzu. Ikkinchi jahon urushi arafasida Evropa.
2- mavzu. Gitler Germaniyasining Evropani bosib olishi.
3-mavzu. Ikkinchi jahon urushining asosiy janglari
4-mavzu. 1939-1945 yillarda Bolqon yarim orolidagi harbiy harakatlar.
5-mavzu. Ikkinchi jahon urushining tugashi. Fashistlar Germaniyasining tor-mor keltirilishi.

VIII. XX ASRNING BIRINCHI YARMIDA FAN VA MADANIYAT TARAQQIYOTI (1918-1945) — (4 soat).

Tinchlik demokratik va ijtimoiy taraqqiyot uchun kurashlarda madaniyat arboblari.

HUQUQSHUNOSLIK (10-sinflar uchun dastur)

Huquqshunoslik kursi O'zbekiston Respublikasi qonunchilik tizimi va huquq sohalarining asosiy bo'g'inlarini qamrab olgan bo'lib 10-sinflarda 34 soat (haftasiga 1 soat) o'qitiladi. Dasturda berilgan asosiy tushunchalarni o'quvchilar mazmunan tushunib, atamalarni o'z o'rnida ishlatishlari lozim.

Huquqqa ixtisoslashgan maktablarda berilgan dasturni chuqurlashtirib o'tish tavsiya qilinadi.

Kirish: 1 soat

Huquqshunoslik fanining maqsad va vazifalari. O'zbekiston Respublikasi qonunchiligining rivojlanishi. Aholining huquqiy madaniyatini oshirsh milliy dasturi. Darslik bilan ishlash to'g'risida ma'lumot.

I. HUQUQ VA SHAXSNING HUQUQIY MADANIYATI. (4 soat).

1-dars: Huquqiy madaniyat va uning huquq hamda axloq me'yorlari bilan o'zaro bog'liqligi.

Huquqiy madaniyat va o'z huquqini tanish. Huquqiy idealizim va huquqiy nigilizm. Huquqiy madaniyatni takomillashtirish yo'llari.

2-dars: Huquq - ijtimoiy munosabatlarni tartibga soluvchidir.

Huquq - kishining doimiy hamrohi. Huquq ijtimoiy munosabatlarni tartibga soluvchi sifatida. Huquqiy va boshqa ijtimoiy me'yorlar. Huquqiy va axloqiy me'yorlarning o'zaro bog'liqligi. Huquqiy me'yorlarning belgilari. Huquq manbalari. Shaxs, huquq va davlatning o'zaro munosabatlari.

3-dars: Huquq tizimi.

"Dunyoning yuridik xaritasi"da huquq tizimi.Huquq tizimining tuzilishi. Huquq sohalari tizimi. Huquq institutlari.

Takrorlash va umumlashtirish darsi.

Jamiyatining huquqiy madaniyati. Jamiyatning huquqiy madaniyatini oshrishi yo'llari. Insonning huquqiy madaniyati asosi. Huquq va huquqiy nigilizm. Qonun - inson huquqiy himoyachisi.

Asosiy tushunchalar va rivojlantiriluvchi g'oya:

Huquq, huquqiy madaniyat, huquqni anglash, huquqiy bilim va malaka, ahloq tushunchasi, huquqiy nigilizm, huquqiy normalar (me'yorlar), odob -axloq me'yorlari, qonun, qonun osti hujjatlari, huquq tizimi, huquq tarmoqlari, huquq institutlari.

II. MA'MURIY HUQUQ. (5 soat).

1-dars: Ma'muriy huquqning vazifa va qoidalari

Ma'muriy huquqning maqsadi va vazifalari. Ma'muriy huquq manbalari. Davlat boshqaruv idoralari.

2-dars: Ma'muriy huquqbuzarliklar va ma'muriy jazolar. 1soat.

Ma'muriy jazoning turlari. Ma'muriy huquqbuzarliklar to'g'risidagi ishlar. Mamuriy huquq sub'ektlari. Ma'muriy huquq muammolarini hal qilish tamoyillari.

3-dars: Amaliy mashg'ulot.

Ma'muriy huquqbuzarlik ishlarini sudda ko'rishda sud bosqichlari. Ma'muriy huquqbuzarlik bo'yicha sud ishtirokchilari, ularning huquqlari, majburiyatlari.

4-dars: Takrorlash va umumlashtiruvchi dars.

O'zbekiston Respublikasi Ma'muriy Kodeksining asosiy mazmuni. Ma'muriy huquqbuzarlik ishlari yuzasidan fuqarolar va militsiya xodimlarining o'zaro bog'liqligi. Voyaga etmaganlar va ma'muriy komissiya ishlari.

Asosiy tushuncha va rivojlantiruvchi g'oya:

Ma'muriy nojo'ya harakat. Ma'muriy huquqbuzarlik. Ma'muriy jazolarning turlari. Ma'muriy komissiya, voyaga etmaganlar ishlari bo'yicha komissiyalar.

III. MEHNAT HUQUQI. (9 soat).

1-dars: Mehnatga oid huquqiy munosabatlar.

Mehnat inson hayotining negizi sifatida. Mehnat to'g'risidagi qonun hujjatalrining maqsad va vazifalari. O'zbekiston Respublikasining Mehnat Kodeksi. Mehnat to'g'risidagi qonun hujjatlarining manbalari. Mehnatga oid munosabatlarning sub'ektlari. Mehnat huquqining asosiy tamoyillari. Mehnat shartnomasi. Mehnatga oid munosabatlar sohasida xodimlar manfaatini himoya qilish.

2-dars: Ishga qabul qilishni huquqiy tartibga solish.

Ishga qabul qilishni huquqiy tartibga solish. Mehnat shartnomasi shartlari. Voyaga etmaganlarni ishga qabul qilish xususiyatlari. Ishga joylashtirish uchun zarur bo'lgan hujjatlar. Mehnat daftarchasi. Sinov muddati. Ishga qabul qilishni rad etish.

3-dars: Mehnatga haq to'lash va intizom. Mehnat uchun rag'batlantirish turlari.

Mehnatga haq to'lash tizimlari.Ish vaqtidan tashqari ishlar hamda dam olish va bayram kunlaridagi ishlar uchun haq to'lashning xususiyatlari. Mehnat intizomi. Intizomiy jazoning amal qilish muddati. Mehnat shartnomasi taraflarining moddiy javobgarligi. Mehnat uchun rag'batlantirishlar. Mehnatdagi yutuqlar uchun davlat mukofotlari.

4-dars: Ish vaqti va dam olish vaqti. Mehnat shartnomasini o'zgartirish va bekor qilish

Ish vaqti. Dam olish vaqti. Boshqa doimiy ishga o'tkazish. Mehnat shartnomasining bekor qilinishi. Mehnat shartnomasi ish beruvchining tashabbusi bilan bekor qilinishi. Kasb tanlash.

5-dars: "Mehnat nizolari va ularni hal etish tartibi": amaliy dars

Mehnat nizolari tushunchasi. Mehnat nizolari ishtirokchilarining huquq va majburiyatlari, burchlari. Fuqarolik sudlov jarayoni bosqichlari. Mehnat nizolarini hal qilish tartibi. Mehnat nizolari komissiyasining faoliyati.

6-dars: Takrorlash va umumlashtiruvchi dars:

Mehnat shartnomasi va uning o'ziga xos tomonlari. Mehnat daftarchasi, uni to'ldirish va ishdan bo'shaganda berilish tartibi.

Asosiy tushunchalar va rivojlantiruvchi g'oya:

Mehnat huquqi. Mehnat kodeksi, mehnat shartnomasi (kontrakt), Mehnat shartnomasining fuqarolik shartnomalaridan farqi. Ish vaqti, dam olish vaqti, mehnat uchun rag'batlantirish. Ish beruvchi va ishlovchilarning vakillik tashkilotlari. Mehnat daftarchasi. Sinov muddati. Ish haqi. Intizomiy jazo. Ish vaqtidan tashqari ishlar uchun haq to'lash. Mukofot. Dam olish vaqti. Ish vaqti. Mehnat ta'tili.

IV. FUQAROLIK HUQUQI. (15 soat).

1-dars: Fuqarolik huquqiy munosabatlarining manbalari

Fuqarolik huquqiy munosabatlar tushunchasi. Fuqarolik huquqi manbalari. Fuqarolik huquqi subektlari. Huquqiy layoqat va muomala layoqati. Yuridik va jismoniy shaxslar.

2-dars: Mulk huquqi

Mulk. O'zbekiston Respublikasida mulk shakllari. Xususiy mulk va jamoat mulki.

3-dars: Fuqarolik huquqiy shartnomalari.

Fuqarolik huquqiy shartnomalarining asosiy belgilari. Shartnomaning asosiy shartlari. Hadya va xayr-ehson shartnomalari. Ayrboshlash (almashish) shartnomasi. Bitim va uning huquqiy asoslari.

4-dars: Iste'molchilar huquqlari.

Iste'molchi huquqi va majburiyati. Tovar haqida axborot olish huquqi. Tovar sertifikatlanganligi to'g'risidagi axborotni olish huquqi. Xarid qilingan tovarni almashtirish yoki qaytarish huquqi.

5-dars: Iste'molchilar huquqlarining himoya qilish.

Iste'molchilar huquqlarini himoyasi to'g'risidagi qonun. Iste'molchilar huquqlarini himoyalash. Oldi-sotti ishlarida muammolarning hal etilishi. Iste'molchilarning huquqlarini sud orqali himoya qilish.

6-dars: Ma'naviy mulk huquqi.

Ma'naviy mulk ob'ektlari. Mualliflik huquqi. Mualliflik huquqi vazifalari. Mualliflik huquqi manbalari. Muallifik huquqi ob'ektlari. Shaxsiy va mulkiy mualliflik huquqlari. Mualliflik huquqining amal qilish muddati. Mualliflik shartnomasini tugatish. Turdosh huquqlarni qonuniy jihatdan mustahkamlash. Mualliflik huquqlarining xalqaro muxofazasi. Mualliflik huquqlarini buzganlik uchun javobgarlik. Muallifik huquqlarini sudda himoya qilinishi.

7-dars: Amaliy mashg'ulot

Fuqarolik prosessi. Fuqarolik prosessual kodeksi. Fuqarolik prosessi ishtirokchilari, ularning huquq va burchlari. Fuqarolik sudlov jarayoni ishtirokchilariga yo'l-yo'riqlar. Sud majlisini o'tkazish tartibi. Sud ishi qatnashchilari. Fuqarolik ishini sudda ko'rish bosqichlari.

8-dars: Takrorlash.

Fuqarolik huquqi tushunchasi. Fuqarolik huquqi manbalari. Shart-nomalar, bitmlar , mulk huquqi, intelektual mulk huquqi, iste'molchilar huquqlari, fuqarolik prosessi ishtirokchilari.

Yakuniy takrorlash: 1 soat

Zahira darsi: 3 soat

FOYDALANISH TAVSIYA ETILADIGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. T., "O'zbekiston", 2000.
2. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga sharhlar. T., 2001
3. I.A.Karimov "O'zbekistonning o'z istiqlol va taraqqiyot yo'li". T., 1992
4. I.A.Karimov "O'zbekiston XX1 asr bo'sag'asida; havfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari". T., 1997
5. I.A.Karimov "O'zbekiston demokratik o'zgarishlarni yanada chuqirlashtirish va fuqarolik jamiyati asoslarini shakllantirshning asosiy yo'nalishlari". "Xalq so'zi", 2002 yil 30 avgust.
6. I.A.Karimov "Adolatli jamiyat qurish yo'lida". O'zbekiston.

YANGI DARSLIKLAR VA QO'LLANMALAR YANGI DASTUR ASOSIDA

INFORMATIKA VA HISOBLASH TEXNIKASI ASOSLARI 10-sinf

Haftasiga 2 soatdan, jami 68 soat, shu jumladan 2 soat nazorat ishi.

I.INFORMATIKANING AXBOROTLASHGAN JAMIYATDAGI O'RNI VA AHAMIYATI (4 soat).

Kirish. Axborot texnologiyalari haqida tushuncha. Informatikaning axborotlashgan jamiyatdagi o'rni.

Asosiy tushunchalar. Axborot, axborot jamiyati, axborot texnologiyalari, kompyuter texnologiyalari, axborot texnologiyalari vositalari, ichki omillar, tashqi omillar, axborot uzatish usullari, telekommunikasiya vositalari, tovushlarni qayta ishlash, tovush chiqarish qurilmalari, grafiyasagich.

II. AXBOROT TIZIMLARINI TUZISH VA ULARDAN FOYDALANISH (7 soat).

Axborot tizimlari haqida tushuncha. Ombordagi ma'lumotlarni tartiblash. Axborotlarni avtomatlashgan holda izlash. Axborotlarni ko'rib chiqish. Indeksli fayllar. Axborot tizimlarini turkumlanishi. Axborot tizimlarida ma'lumot almashish.

Asosiy tushunchalar. Axborot tizim, ma'lumotlar ombori, ma'lumotlarni chegirish, axborot aniqligi, integrallashgan tizim, taqsimlangan ma'lumotlar, ma'lumotlarni tartiblash, axborotlarni avtomatik izlash, axborotlarni ko'rib chiqish, indeksli fayllar, faktorgrafik tizim, hujjatli tizim, anolog signal, diskret signal, kodlash, signal kodi.

III. MA'LUMOTLARNI BOSHQARISH (9 soat).

Boshqarish nazariyasi elementlari. Optimal boshqarish. Teskari aloqa. Ob'ekt va kattalik. Ma'lumotlar omborini boshqarish tizimlari. Bilimlar ombori. Bilimlar omborini boshqarish tizimlari. Sun'iy intellekt tushunchasi. Intellekt tizimlar.

Asosiy tushunchalar. Boshqarish, boshqarish ob'ekti, dinamik tizim, kibernetika, boshqarish tizimi, kibernetik tizim, tizimni boshqarish, tabiiy tizim, avtomatik tizim, avtomatlashtirilgan tizim, optimal boshqarish, miqdoriy nazariya, teskari aloqa, manfiy teskari aloqa, musbat teskari aloqa, ob'ekt, kattalik, ma'lumotlar omborini boshqarish, bilimlar ombori, bilimlar omborini boshqarish tizimi, sun'iy intellekt, intellektual tizim.

IV. MODEL VA MODELLASHTIRISH (4 soat).

Asosiy tushunchalar. Model, model turlari, modellashtirish, abstrakt model, fizik model, matematik model, fizik-kimyoviy model, biologik model, iqtisodiy model, matematik modellashtirish, modellashtirish usullari.

V. TAQRIBIY HISOBLASH USULLARI (10 soat).

Taqribiy hisob. Absolyut va nisbiy xato. Bir noma'lumli tenglamalarni ajratilgan ildizini kesmani teng ikkiga bo'lish usulida topish algoritmi. Bir noma'lumli tenglamalarni ajratilgan ildizini kesmani teng ikkiga bo'lish usulida topish dasturi. Bir noma'lumli tenglamalarni ajratilgan ildizini sodda integrasiya usulida topish. Ikkilantirish formulasi yordamida p sonini taqribiy qiymatini hisoblash.

Asosiy tushunchalar. Xato, absolyut xato, nisbiy xato, xatoliklar chegarasi, kesmani ikkiga bo'lish, integrasiya, taqribiy usullar.

VI. IQTISODIY-MATEMATIK USULLAR, YOXUD CHIZIQLI DASTURLASH ELEMENTLARI (14 soat).

Ikki o'zgaruvchili tengsizliklar sistemasining geometrik ma'nosi. Iqtisodiy masalalarga sodda modellar tuzish. Transportga oid masalaning modeli va uni echish. Xomashyodan foydalanish masalasining modeli va uni echish. Matematik model tuzish va iqtisodiy masalalarni echish bosqichlari.

Asosiy tushunchalar. Chiziqli dasturlash, optimal echim, matematik model, modelni rasmiylashtirish, modelni tekshirish, hisoblash bosqichlari, modelga aniqlik kiritish.

7. ALGORITMLARNI DASTURLASH (16 soat).

Muloqot dasturlar tuzish. Passiv, reaktiv, faol va interfaol muloqatlar. O'yin dasturlari tuzish. Hisoblashga doir dasturlar tuzish. Belgilar bilan ishlash dasturlari tuzish. Matnlar bilan ishlash dasturlari tuzish. Jadval elementlarini o'sish tartibida saralash. Jadval elementlarining ro'yxatini saralash. Jadvaldan elementni izlash.

Asosiy tushunchalar. Muloqot, passiv muloqot, reaktiv muloqat, faol muloqat, interfaol muloqat, saralash, tartiblash, izlash. Tartiblangan jadval.

8. O'ZBEKISTONDAGI KOMPYUTER TARMOQLARI VA ULARNING ISTIQBOLI (2 soat).

Kompyuterlashtirish istiqbollari va muammolari. O'zbekistonda kompyuter tarmoqlari.

ESLATMA: o'quv yili mobaynida 2 ta nazorat ishi mo'ljallangan (2 soat).

10-sinf IHTA dasturi materiallarining o'quv soatlariga taxminiy taqsimoti

T/r	Bo'lim va mavzular	Soat-lar
	I. INFORMATIKANING AXBOROTLASHGAN JAMIYATDAGI O'RNI VA AHAMIYATI	**4**
1.	Kirish	1
2.	Axborot texnologiyalari haqida tushuncha	2
3.	Informatikaning axborotlashgan jamiyatdagi o'rni	1
	II. AXBOROT TIZIMLARINI TUZISH VA ULARDAN FOYDALANISH	**7**
1.	Axborot tizimlari haqida tushuncha	2
2.	Ombordagi ma'lumotlarni tartiblash	1
3.	Axborotlarni avtomatik holda izlash	1
4.	Axborotlarni ko'rib chiqish va indeksli fayllar	1
5.	Axborot tizimlarining turkumlanishi	1
6.	Axborot tizimlarida ma'lumot almashish	1
	III. MA'LUMOTLARNI BOSHQARISH	**9**
1.	Boshqarish nazariyasi elementlari	1
2.	Optimal boshqarish	1
3.	Teskari aloqa	1
4.	Ob'ekt va kattalik	1
5.	Ma'lumotlar omborini boshqarish tizimlari	1
6.	Bilimlar ombori	1
7.	Bilimlar omborini boshqarish tizimlari	1
8.	Sun'iy intellekt tushunchasi	1
9.	Intellektual tizimlar	1
	IV. MODEL VA MODELLASHTIRISH	**4**
1.	Model va modellashtirish haqida tushuncha	1
2.	Matematik modellashtirish	1
3.	Matematik model tuzish uslubi	2
	V. TAQRIBIY HISOBLASH USLUBLARI	**10**
1.	Taqribiy hisob	2
2.	Absolyut va nisbiy xato	2
3.	Bir noma'lumli tenglamalarni ajratilgan ildizini kesmani teng ikkiga bo'lish usulida topish algoritmi	1
4.	Bir noma'lumli tenglamalarni ajratilgan ildizini kesmani teng ikkiga bo'lish usulida topish dasturi	1
5.	Bir noma'lumli tenglamalarni ajratilgan ildizini sodda iterasiya usulida topish	2
6.	Ikkilantirish formulasi yordamida p sonini taqribiy qiymatini hisoblash	1
7.	Nazorat ishi	1
	VI. IQTISODIY-MATEMATIK USLUBLAR YOXUD CHIZIQLI DASTURLASH ELEMENTLARI	**14**
1.	Ikki o'zgaruvchili tengsizliklar sistemasining geometrik ma'nosi	2
2.	Iqtisodiy masalalarga doir sodda modellar tuzish	2
3.	Transport masalasining modelini tuzish	2
4.	Transport masalasini echish	2
5.	Xomashyodan foydalanish masalasining modelini tuzish	2
6.	Xomashyodan foydalanish masalasini echish	2
7.	Matematik model tuzish va iqtisodiy masalalarni echish bosqichlari	2
	VII.ALGORITMLARNI DASTURLASH	**16**
1.	Muloqot dasturlarini tuzish	2
2.	O'yin dasturlarini tuzish	2
3.	Hisoblashga doir dasturlar tuzish	2
4.	Belgilar bilan ishlash dasturlari	2
5.	Matnlar bilan ishlash dasturlari	2
6.	Jadval elementlarini o'sish tartibida saralash	2
7.	Jadval elementlarining ro'yxatini saralash	2
8.	Jadval elementini izlash.	2
	VIII. O'ZBEKISTONDAGI KOMPY-UTER TARMOQLARI VA ULARNING ISTIQBOLLARI	**3**
1.	Kompyuterlashtirish istiqbollari va muammolari	1
2.	O'zbekistonda kompyuter tarmoqlari	1
3.	Nazorat ishi.	1
	Jami:	68

TAVSIYA QILINGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. A.A.Abduqodirov. Informatika va hisoblash texnikasi asoslari. 10-sinf uchun darslik. T.: O'qituvchi, 1997, 126 b.
2. A.A.Abduqodirov va boshqalar. Hisoblash matematikasi va dasturlash. T.: O'qituvchi, 1996.
3. A.Abduqodirov va boshqalar. Axborot texnologiyalari: Akademik lisey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. T.: O'qituvchi, 2002, 148 b.
4. A.A.Abduqodirov va boshqalar. Axborot texnologiyalari: Akademik lisey va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – T.; O'qituvchi, 2003, 152 b.
5. A.A.Abduqodirov va boshqalar. Informatika (qisqacha kurs). T.: Xalq merosi, 2002, 24 b.

(Davomi bor)

Mazkur dalillardan ko'rinib turibdiki, Abdurauf Fitrat o'z asarlari bilan o'zbek badiiy tafakkurining ikkinchi uyg'onish davriga, ramziy yo'sinda aytsak, adabiyotning kumush davriga yo'l ochib bergan edi.

ОҚСОҚОЛ – МАҲАЛЛАНИНГ СУЯНЧИ ВА ТАЯНЧИ

Карвонсиз йўл бўлмас,
Оқсоқолсиз эл бўлмас.
Халқ мақоли

Жамоанинг анъанавий идора этиш тизимини, унинг йўлбошчилари — оқсоқолларнинг раҳбарлик фаолиятлари, мавқеи ва вазифаларини тарихий-этнографик манбалар асосида ёритиш этнолог-элшунос олимларнинг вазифаларидандир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида таърифланганидек, оқсоқол кекса одам, мўйсафид, бирор соҳада кўп ишлаган, меҳнати сингган; кексаларга ёки ёши улуғ кишиларга нисбатан ўз тенгқурлари томонидан ишлатиладиган мурожаат шакли; бир неча маҳалла ёки қишлоқларга бошлиқ бўлган маҳаллий амалдор.

"Оқсоқол" атамаси Ўрта Осиё халқларида эътиборли, нуфузли кексаларга нисбатан қўлланилган. Ибтидоий жамоа босқичида оқсоқол уруғ бошлиғи ҳисобланган. Феодализм жамиятида йирик амалдорлар ҳам шу ном билан аталган. Қишлоқ ҳунармандлари, устахоналар бошлиғи ҳам оқсоқол дейилган. Бу атама асрлар оша эл орасида сақланиб келмоқда. Шунингдек, жамоатчилик асосида маҳаллага раҳбарлик қилувчи қариялар ва бошқа турли ёшдаги шахсларни ҳам ҳурматлаб маҳалла оқсоқоли, дейилган. Қишлоқ жамоасини сайлаб қўйиладиган оқсоқоллар бошқаришган.

Ўтмишда баъзан ҳарбий ҳолатлар юзага келганда ва низолар вақтида ўзбекларда ҳам оқсоқоллар ўз уруғларига раҳбарлик қилишган.

Оқсоқоллик тизимининг илдизлари ибтидоий жамоа босқичига бориб тақалишини қадимшунос олимлар далиллар асосида исботлаб беришган. "Авесто" даврида ҳам уруғ, қишлоқ — "вис"га камида 25 та қариндош — "нмана" (оила) кириб, унга "виспати" (оқсоқол) бошчилик қилган. "Вис" таркибига қизларининг фарзандлари кирмаган, чунки вис патриархал оила ("нмана") эди. Бу даврда уруғ жамоаси жамият асосини ташкил этиб, барча сиёсий ва ижтимоий вазифаларни бажарган. Ерлар, экинзорлар, каналлар "вис" (уруғ) мулки бўлган. Ҳосил олиш, никоҳ, гаровга тутиш кабилар ҳам жамоа ихтиёрида бўлган. Оқсоқоллар кенгаши "версанпати", "хонжанана", халқ йиғини "въяжа" дейилган.

Таъкидлаш лозимки, "оқсоқол", "кадхудо" атамалари адабиётларда ва ўзбеклар ҳаётида турлича тушунилган. Бир шахснинг ўзини ёки ҳатто айнан бир хил вазифаларни бажарган кишиларни ҳам гоҳида "оқсоқол" ёки "кадхудо" деб аташган. Баъзан оилалар бошлиқларига нисбатан ҳам шундай атамалар қўлланилган. Бу атамалардан энг қадимгиси кадхудодир. Кичик Осиё ва қўшни мамлакатлар — Туркия, Эрон, Озарбайжонда кадхудо сайланадиган мансаб ҳисобланган. Кадхудо — кадхудот уй-рўзғор эгаси, оила бошлиғидир. Дастлаб катта оила бошлиғини, кейинчалик эса қишлоқ жамоаси орасидан чиқиб, маъмурий вазифаларни бажарган қишлоқ бошлиғи (ҳоким) кадхудо саналган.

Таомилга кўра, оқсоқоллик маъмурий вазифа ҳисобланмаган. Бу лавозим авлоддан авлодга ўтмаган, оқсоқоллар ўз вазифалари учун жамоадан ҳақ олишмаган. Бухоро хонлиги бошқарув тизимига назар ташласак, юқоридан қуйигача амир, бош қушбеги, бек, амлакдор, мингбошидан кейин оқсоқол турган.

Академик К.Шониёзовнинг ёзишича, ўзбек қарлуқларида ер-сув муносабатларига тааллуқли ҳамма масалалар эрта баҳорда чақириладиган қишлоқ, йиғинида ҳал этилган. Йиғинда ўзига тўқ одамлардан оқсоқол, мироб ҳамда касбига кўра сартарош сайланган. Кўпинча маҳаллий бойлар манфаатларини ҳимоя қиладиган одамлардан оқсоқол сайланган. Ишда хато ва камчиликларга йўл қўйган бўлса, йиғинда оқсоқолликка бошқа киши тавсия этилган. Янги сайланган оқсоқолни амлакдор тасдиқлаган. Оқсоқол солиқларни тўплаш, одамларнинг турли юмушларга сафарбарлиги билан шуғулланган ҳамда сувдан фойдаланишни ҳам назорат қилган. Ҳашарларга ҳам оқсоқол ҳомий бўлган. Қишлоқ аҳолиси тўй-маъракаларини уюштириш ва баҳорги экинлар

салаларни оқсоқол яхши билган. Оилада отанинг ўрни нечоғли улкан бўлса, оқсоқолнинг ҳам жамоадаги нуфузи шу тарзда беқиёс бўлган. Жамоадан бирон оиланинг бошига қулфат тушса ёки унга ёрдам зарур бўлса ҳам, биринчи навбатда, оқсоқол кўмак уюштирган. Бироқ, оқсоқолларнинг раҳбарлиги чекланган бўлиб, улар зўрлаб ҳукм ўтказиш имкониятига эга бўлмаганлар, албатта.

Ўзбекистоннинг суғориладиган деҳқончилик ҳудудларида ерга талаб катта бўлган. Шу боисдан ҳам жамоадан бирон киши ерини сотмоқчи бўлса, аввало, оқсоқолга мурожаат қилган. Ер эгаси ерини сотишдан олдин шариат бўйича "тўрт томон қўшни"дан розилик сўралган. Агар ерига "тўрт қўшни" мурожаат қилишмаса, бегонага сотилган. Шунингдек, ҳовли сотилса ҳам дастлаб оқсоқол билан маслаҳат қилинган.

ХХ асрнинг бошларида Қашқадарё ва Сурхондарё воҳалари қўнғиротлари анча мураккаб масалаларни муҳокама қилиш ва ечимини топиш учун бир-бирлари билан ўзаро маслаҳат қилишган. Одатда, узоқ панд-насиҳатлардан сўнг, оқсоқоллар аламзада томонларни муросага келтиришган. Улар халойиқ олдида бир-бирларига қўл узатишиб, "Гуноҳларидан кечдик" дейишгандан сўнг масала ижобий ҳал этилган ва томонлар яраштирилган.

Оқсоқол маслаҳатига қулоқ тутмаслик, унинг топшириқларини ўз вақтида бажармаслик жамоатчилик наздида энг номақбул ҳисобланган. Агар қишлоқдан кимдир оқсоқолнинг гапига кирмаса ёки унинг топшириқларини бажармаса бу ҳолат жамоа тартиб-қоидаларини бузиш сифатида қораланиб, бундай одамлар "элдан чиққан", деб аталган.

Туркистонда Россия босқинидан сўнг оқсоқоллик тизими ҳам номигагина сақланиб қолганди. Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимидан кейинги ўринда оқсоқол турган, лекин бу вазифани амалда ҳокимнинг ўзи бажарган. Тошкент думаси оқсоқоли марказ (яъни Россия) томонидан тасдиқланган. 1877-1897 йилларда Дума оқсоқоли вазифасини шаҳар ҳокими бажарган. Оқсоқоллик тизими ҳоким лавозимига қўшиб юборилган.

Шаҳар бошқаруви тизимида ҳам маҳалла оқсоқоли, ариқ оқсоқоли (мироббоши) лавозимлари жорий этилган эди. Қишлоқ бошқарувида ҳам оқсоқоллар, ёрдамчилари, элликбошилар фаолият юритишган. Улар волость бошқарувчиси иштирокида сайланишган. Қишлоқ жамоаси йиғини ҳар ойда оқсоқолларга 200 сўмдан маош белгилаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жамият ва халқ бошқарувининг анъанавий оқилона тизимига таянилди. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун 1993 йил сентябрда, янги таҳрирдагиси эса 1999 йил апрелда кучга кирди. Шунингдек, Президент фармонлари ва яна кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ҳужжатлар асосий қонун — Конституциямизнинг 105-моддасига айнан мосдир. Мазкур ҳужжатларда маҳалла оқсоқолининг ваколатлари аниқ белгиланди.

Мамлакатимизда 12 мингдан зиёд маҳалла рўйхатга олинган. Маҳалла оқсоқоли энг нуфузли, элпарвар ва тадбиркор кишилар орасидан сайланади. Халқ ўртасидан етишиб чиққан зукко, хушмуомалали ҳамда барчанинг ишончи, ҳурмат-эътиборини қозонган кишигина ўз маҳалласининг оқсоқоли бўлиши мумкин.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунга кўра, маҳаллалар оқсоқоллари икки ярим йил муддатга сайланади. Оқсоқол Президент Фармонлари, Республика қонунлари, ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари қарорларини бажаришга доир тадбирларни ташкил этади.

У фуқароларни уй-жой, моддий ва маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож маҳалладагиларга моддий ёрдам кўрсатишни қаттиқ назорат этиб боради. Қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, турли корхона, ташкилот ва муассасалар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилади. Ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш тадбирларини ташкил этади. Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатилишини яхшилашга кўмаклашади. Бу мақсадларда тегишли ҳудудда жойлашган корхоналарда ташкилотларга тақдим этиладиган моддий ва бошқа маблағлардан фойдаланишади. Шунингдек, оқсоқол фуқароларни қабул қилади, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан зарур чоралар кўради. Фуқароларга уларнинг шахсини, оилавий ва мулкий аҳволини тасдиқловчи маълумотномалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатларни беради. Оқсоқол фуқаролар манфаатларини кўзлаб қонун доирасида иш олиб боради.

Оқсоқол туман ва шаҳарлар бўғинидаги давлат хизматчилари билан самарали ҳамкорлик қилиш ваколатига эга бўлган жамоат арбобидир. Ҳокимлар қоида тариқасида, оқсоқолларнинг фикрига эътибор билан қарайдилар.

Президент И.А.Каримов ташаббуси билан 2003 йилнинг "Обод маҳалла йили" деб эълон қилиниши ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими — маҳалланинг жамиятимиз ҳаётининг муштарак қисми сифатида ривож топишига ва оқсоқоллар ваколатларини янада кенгайтиришга етарли шарт-шароитлар яратишга асос бўлди.

Хуллас, оқсоқоллик тизимининг келиб чиқиши анча олис замонларга бориб тақалади. Кўриниб турибдики, оқсоқоллар халқимиз ҳаётида муҳим ўринни эгаллашган. Эл-юрт осойишталиги, барқарорлиги, халқ фаровонлиги учун ғамхўрлик қиладиган ва келажак тақдири учун қайғурадиган мўътабар инсонлар — оқсоқоллар маҳаллаларнинг чинакам суянчи ва таянчи ҳисобланадилар.

Очил БЎРИЕВ,
Қарши ДУ "Археология ва этнология" илмий марказининг раҳбари, тарих фанлари номзоди, доцент
Шуҳрат ШОНАЗАРОВ,
ЎзМУ ўқитувчиси

КИЧКИНТОЙ ҚЎЛИДАГИ КИТОБ

У қандай бўлиши керак?

7-мақола

Bola maktabga borguncha kamida 20-30 (3-7 yoshgacha) kitob bilan tanishishi, ularning nomlanishi, rasmlarning qaysi musavvir tomonidan ishlanganligi, qaysi nashriyot chop etganini bilishlari foydalidir.

Ота-оналар фарзандларини кўп нарсалар билишларини айниқса, китобхон бўлишларини истайдилар. Бу истакни амалга ошириш учун нима қилиш керак? Боланинг қўлига неча ёшдан китоб тутқазиш мумкин, деган саволларни берадилар.

Боланинг ақлий фаолияти 2-3 ёшдан бошлаб шаклланиб, атрофдаги нарсаларга, воқеа ва ҳодисаларга эътибори ортиб боради. Шу жумладан, китобларга ҳам. Улар катталарнинг китоб ўқишларига ҳавас билан қарайди. Уни кўришга интиладилар. Ойниқса, рангли расмларга бой китобларни зўр қизиқиш билан варақлайдилар. Шундай пайтларда баъзи ота-оналар: — Қўй, китобни йиртасан, — дея бола шаштини қайтарадилар. Бола бола-да, баъзан шундай ҳам бўлади. Китобни буклайди, қалам олиб, унга чиза бошлайди. Бу табиий ҳолат. Шундай вақтда ота-оналар тарбиячилар унга оҳиста муносабатда бўлиб, китобни йиртиш, буклаш ёки чизиш мумкин эмаслигини тушунтиришлари керак. Уни хафа қилиб қўймаслик учун қўлига қоғоз, қалам бериб, расм чизиши айтилса, янада яхши бўлади.

Боланинг китоб билан муомала қилишида ота-оналар расмларни кўришда ёки унда ёзилганларни тушунтириб бersалар, айни муддао бўларди. Чунки 3-4 ёшли бола ҳали мустақил равишда китобда ёзилганларни, расмларни тезда пайқаб ололмайди. Юзаки кўрган расмлар ларда яхши таассурот қолдирмайди. Аслида болага расмлардаги катта-кичик нарсаларни, ранг ва воситаларни диққат билан кўришни ўргатиш лозимки, бола ёшлигиданоқ эътиборли бўлиб вояга етсин.

3-4 ёшли болаларга ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар ҳақидаги ҳикоя, эртакларни тавсия этиш лозим. Чунки болалар бундай эртакларни жуда қизиқиб тинглайдилар. Хиссиётга берилиб, уларнинг мазмунини тўла англаб олишга ҳаракат қиладилар. Воқеа, ҳодисаларнинг якунини сабрсизлик билан кутиб, ижобийларидан мамнун бўладилар, салбийларидан ижирғанадилар. Бундай ҳикоя ва эртакларни эшитиб зерикмайдилар, аксинча яна ўқиб беришларини илтимос қиладилар.

Бадиий китобларга қизиққан боланинг мушоҳада қилиш фаолияти кенгайиб боради. Бу хусусиятни эгаллаган болалар мактабга боргач, дарсликларда берилганларни қийналмай ўзлаштира оладилар. Психологларнинг илмий хулосаларида бола руҳияти билишга, ўрганишга мойил бўлиб, уни вақтида изга солиш билан билишга бўлган фаолиятини барқарорлаштириш лозим экан. Билиб олганларини вақти-вақти билан такрорлатиш, эслашга ўргатиш тарбияда муҳим аҳамият касб этиб, уни фаол ҳаракат қилишга одатлантириш лозимдир.

Бу жараёнларнинг педагогик, психологик жиҳатдан тўғри бўлишини таъминлаш учун рағбатлантиришдек зарур усулни қўллаш янада фойдали бўлади. Ибн Сино ўзининг педагогик қарашларида бола руҳияти

Bolangiz maktabga tayyormi?

унинг имконият даражалари билан боғлиқлигини таъкидлаб, болани зўриқтирмасликни, бир хилдаги топшириқлар билан уни диққинафас қилмасликни, эркин қўйишни буюрган. Китобни ўқишда меъёр бўлиши керак. Катталар болани кузатиб, унда чарчаш аломатлари сезилганда, машғулот турини ўзгартиришни маслаҳат беради. Китоб хазина — битмас -туганмас бойлик эканлиги барчамизга маълум. Ундан нафақат маълум вақтда, аксинча умр бўйи фойдаланиш лозимлигини ҳисобга олиб, болаликда ўқиганлари балоғат ёшида асқотишини инобатга олиб, болаларга тавсия этиладиган китобларни танлаш ва улар ёшига қараб мос равишда тақсимлаш ва уларнинг ўқилишини кузатиш лозим. Бола мактабга боргунча камида 20-30 (3-7 ёшгача) китоб билан танишиши, уларнинг номланиши, расмларнинг қайси мусаввир томонидан ишланганлиги, қайси нашриёт чоп этганини билишлари фойдалидир. 10-12 та шеър, эртак ва ҳикояларни, ўқишни машқ қилиши, айримларини ёддан билиши Давлат таълим стандарти талабига мос бўлади.



Болаларни мактабга тайёрлаш тизимида айрим муаммолар бор. Улар ота-оналарининг айримлари лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини яхши билмаганликларидан бундай адабиётларни ўқий олмайдилар. Натижада болаларга ҳам амалий ёрдам бера олмаётирлар. Бу эса оилада китобхонликнинг пасайишига сабаб бўлмоқда. Ўйлаймизки, яқин орада барча ота-оналар лотин ёзувчига асосланган ўзбек алифбосини ўзлаштириб, фарзандларига ҳар ишда кўмакдош бўладилар. Оилада китобхонлик қадимдан ота-бободаримизнинг бизга мерос бўлиб қолган. Қадимда оилаларда, маҳаллаларда оммавий китобхонликлар бўлган. Навоийхонлик, халқ оғзаки ижодидан намуналар ўқилган. Ифодали ўқиш машқи қадимда яхши йўлга қўйилган бўлиб, қироат билан сўзлаш, гапларни талаффуз этганда тингловчилар диққати марказлашган.

Китобхонликда ҳикмат кўп. Кўпчиликнинг фикрини тинглаш ва уққанларини сўзлаб бериш ўқувини пайдо қилиш, ўйлашга, мушоҳада қилишга доир саволлар бериш, жавобларнинг узвийлик асосида ривожланишига аҳамият бериш муҳимдир.

Болаларга ёшликдан китоб билан муомала қилиш одобини, сингдириш, ҳамда китоб ўқиш қоидаларини ўргатиш лозим. Ётиб, ёнбошлаб китоб ўқиш соғлиққа зарар эканлиги, қоронғу жойда китоб ўқиш ҳам кўз касалликларига олиб келиши мумкинлиги, китобни хўл қўл билан ушлаш ярамаслигини тушунтириш лозим.

Ёшликдан болаларнинг ўзларига қолдиқ қоғозлардан қирқиб, кичик китобчалар ясаб, уларни безаш, хат саводли бўлганларида, уларга мақоллар, топишмоқ ва тез айтишлар ёзишни машқ қилдириш фойдалидир.

Бадиий адабиётлар болаларнинг таассуротларини оширишга, луғатини бойитишга, айниқса, нутқини ривожлантиришга ёрдам беради. Мактаб ўқув дастурларида, аввало, боланинг нутқини равон қилиш масаласига алоҳида эътибор бериш таъкидланган. Бадиий адабиёт билан яқин муносабатда бўлиши бола фаолиятини ривожлантирибгина қолмай, балки унинг умумий камолотини ҳам таъминлайди.

Қ.АБДУЛЛАЕВА,
педагогика фанлари доктори, профессор

Buyuk shahslar silsilasi

ДУНЁ ЭЪТИБОРИДАГИ АЛЛОМА

(Ўнинчи мақола)

Мазкур мақолалар туркумини Абдурауф Фитрат фалсафий қарашлари таҳлили билан ниҳояламоқчимиз. Зотан, адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул уни ХХ асрнинг буюк шахслари сафига қўшиб, тубандагича изоҳ берганида ҳақ эди: "Абдурауф Фитрат ҳеч қачон даҳолик даъвосида бўлмаган, ҳеч вақт даҳолигини ўйламаган. Бироқ у ҳақиқий даҳоларга хос буюк Шахсият соҳиби, юксак истеъдод эгаси эди. Ундаги ишчанлик, илм ва ижоднинг бир қанча тармоқларида фавқулодда зеҳният ва дид билан фаолият кўрсатиш, мутафаккирлик камдан-кам даҳоларга насиб айланган фазилатлардир. Фитрат Шарқ адабиётининг чинакам билимдони, беназир тадқиқотчиси бўлган. Зеро, у динни, тасаввуфни, шарқ халклари тарихи, фалсафаси, мусиқа ва бадиий ижодни ҳавас қиларли миқёсда эгаллаган. Бир сўз билан айтганда, мумтоз адабиётни ўрганмоқ учун зарур саналган иқтидор ва зукколик Фитрат домлада мавжуд бўлган".

Бу таърифларда ҳеч қандай муболаға йўқ. Аҳлоҳ, Фитрат домла жаҳон турксологлари эътиборини бирдек тортиб турган ёркин сиймо ҳисобланади. Унинг ижодини дунёнинг баъзи минтақаларида ҳатто Ҳазрат Навоий меросидан ҳам чуқурроқ биладилар. "Шайтоннинг тангрига исёни" шеърий драмасини дунёга машҳур турколог профессор Ингеборг Балдауф немис тилига ўгирган. Шунингдек, мазкур асарнинг инглизча матни ҳам нашрга тайёрланаётгани борасида расмий хабарлар бор. Туркия, Германия, Америка Қўшма Штатлари каби кўплаб ривожланган мамлакатларда Абдурауф Фитрат Марказий Осиё жадидчилиги равнағига муносиб улуш қўшган олим сифатида танилган. Э.Олворт, И.Балдауф каби турксологлар унинг номи юқорида зикр этилган драмасини ўзбек адабиётидаги ноёб ҳодиса мақомида тадқиқ қилишган.

Мансур Халлож, Фаридиддин Аттор, Мавлоно Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари бу файласуф дунёқарашига бениҳоя таъсир ўтказгани сир эмас. Бироқ, минг таассуфки, унинг таваллуди Шарқ тамаддуни хира тортган бир замонга тўғри келиб қолди ва шу аснода А.Фитрат ўз умрини соф санъатга эмас, маърифатпарварликка бағишлади.

"Юрт қайғуси" сочмасини буюк шахс ҳасрати ўрнида қабул этмоқ мумкин. Ёзадики: "Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?" Дунёни "урҳо"лари билан титраткан йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер тупроғини кўкларга учиратурган тоғ гавдали ўғлонларинг қани? Нечун товушлари чиқмайдир?" Шу ўтлуғ сатрларни битаркан, шоир Амир Темур каби буюк саркардалар шон-шуҳратини эслаб ўтади: "Ер юзининг буюк салтанатларини сен қурмадингми? Ҳиндистоннинг, Эроннинг, Оврўпанинг улуғ ҳоқонларини сен юбормадингми? Эй ҳоқонлар ўчоғи! Эй қаҳрамонлар туғойи! Қани у чақмоқ чақишли ботир ҳоқонларинг?.." Бу каби соғинчга тўла оҳанглар Фитрат домланинг яна бир "Юрт қайғуси" (Темур олдинда) сочмасида ҳам юксак нуқталарга кўтарилган. Боиси шундаки, мутафаккир бир замонлар жаҳон халқларига илму урфон улашган ўлканинг чор Россияси маъмурлари оёқлари остида топталганини зинҳор қабул қилолмас эди. Айнан ўша сабаб Фитрат домланинг сўнгги нафасигача курашмоққа даъват этди, чорлаб турди.

Фитрат ўзидан олдинги Шарқ мутафаккирлари жасоратини такрорлади. Такрорлабгина қолмасдан янги қирралар ила бойитди. Негаки, Оврўпа илм-фани тараққий этаётган бир маҳалда новаторона фалсафий қарашлар талаб этиларди. Домланинг "Мунозара", "Қиёмат", "Шайтоннинг тангрига исёни" каби асарлари ХХ аср умумтурк адабиёти мавқеини белгилаб берган эди. Бу асарлар ўзбек адабий заминида пайдо бўлаётган навниҳолларга куч-қувват ато қилди.

"Чўлпоннинг ҳаёт йўлини танлаши ва дунёқарашининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган омиллардан бири унинг Фитрат асарлари билан танишишидир" деб ёзади адабиётшунос Наим Каримов "Истиқлолни уйғотган шоир" номли китобида. "Агар Чўлпоннинг ана шу таъсир натижасида Тошкентга кўчиб келганини эътиборга олсак, Фитратнинг ёш шоир эътиборини жалб этган асарлари "Мунозара", "Сайёх ҳинди"ва "Сайха" бўлиб чиқади. Чўлпон бу асарлар билан "Туркистон вилоятининг газети" ва "Садои Туркистон" газетаси орқали ҳам танишган бўлиши мумкин".

Мазкур далиллардан кўриниб турибдики, Абдурауф Фитрат ўз асарлари билан ўзбек бадиий тафаккурининг иккинчи уйғониш даврига, рамзий йўсинда айтсак, адабиётнинг кумуш даврига йўл очиб берган эди. Бироқ, яна шу нарсани тан олмоқ жоизки, Фитратнинг даҳо шахс эканлигини адабий жамоатчилик ҳали бирдек тан олганича йўқ. Бунинг сабаби ҳали Фитрат домла асарлари етарли даражада тадқиқ қилинмаганлиги билан изоҳланса керак. Чунончи, мақоламиз аввалида иқтибос келтирганимиз Иброҳим Ҳаққулнинг "Англаш заковати ёхуд Фитратнинг "ноҳақ"лиги хусусида" сарлавҳали тадқиқоти (ЎзАС, 2002 йил, 6 декабр сони) адабиётшунос Сувон Мели қаламига мансуб "Ҳазиллашманг даҳо билан ёхуд ким ҳақ — Фитрат ёки Навоий?" сарлавҳали мақолага жавоб тарзида эълон қилинган. С.Мели Фитрат домланинг Навоийни танқид қилганига ажабланади ва худди шу сарлавҳа остида мақола битиб, эътироз билдиради. Ҳақиқатан қизиқ ҳол. Фитрат домла нафақат Навоийни, балки Аҳмад Яссавий ижодининг ҳам баъзи жиҳатларини танқид қилиб ўтган эди. Бинобарин, ўзини шундай амалга ҳақли деб билган. Боиси шуки, И.Ҳаққул таъкидлаганидек, Фитрат домла ҳам даҳо эди. Демак, у билан ҳам ҳазиллашмаслик жоиз!

Абдурауф Фитрат ҳар бир шахс ўзининг мустақил фикрига эга бўлмоғи даркор, деган шиорни илгари суради. Ана ўша ғоя "Шайтоннинг тангрига исёни" драмасида ўз аксини топган. Шайтоннинг сўзларига қулоқ тутинг-а:

Мингларча йил топиндингиз Тангрига,
ўйламайин эргашдингиз амрига.
Ҳар айтганин тингладингиз, турдингиз,
тутқинликда умрингизни сурдингиз...
Ҳеч бирингиз ёвуқ недир билмади,
ҳеч бирингиз айтмаганин қилмади.
Вазифангиз қуллуқ, саждa, ишониш,
шунлар билан бўлди сизда қувониш.
Лойдан одам ясар эмишлар букун,
сизга ҳоким қилар эмишлар нечун?!
Мингларча йил топинишнинг охири
шуми бўлур?!

Қаранг, Шайтон Оллоҳга қарши сўз айтмоқда? У фаришталарнинг муаллими эди. Фаришталарга сабоқ берарди. Аммо, лойдан ясалган Одамга таъзим қилиш унга маъқул келмади. Шу боис тавқи-лаънатга учради.

Хўш, Фитрат мазкур шеърий драмани қандай мақсадда яратган? Унинг "Танланган асарлар"и (I жилд)га сўзбоши ёзган Ҳ.Болтабоев ўша саъй-ҳаракатни қўйидагича изоҳлайди: "Шайтон ёки иблис деб номланган махлуқ ҳақида мусулмон китобларида ҳам, насроний адабиётида ҳам талайгина талқинлар мавжуд. Бири уни "тошбўрон қилинган", иккинчиси "жаннатдан ҳайдалган", бошқаси Аллоҳ даргоҳидан қувилишини "ҳурликка интилиш, ҳатто "ҳақиқатни топиш" йўли деб тушунтирган манбалар Фитрат асарни яратгунга қадар ҳам бор эди, ҳозир ҳам мавжуд. Бу воқеа ҳақида Қуръони каримда шундай оят бор: "Аниқки, биз сизларни (яъни, одамларни — Б.Д.) яратдик, сўнг сизларга сурат бердик, сўнг фаришталарга "Одамга сажда қилинглар" дейишимиз билан улар сажда қилдилар. Магар иблис сажда қилувчилардан бўлмади. (Оллоҳ) деди: "Сенга буюрган пайтимда нима сени сажда қилишдан тўсди?" — "Мен ундан (одамдан) яхшироқман. Мени оловдан яратгансан, уни эса лойдан яратдинг", — деди у." Туркий адабиётда кўп тилга олинган, хусусан, Фитратнинг замондошлари озар адиби Ҳусайн Жовид ва татар ёзувчиси Мажид Ғафурийнинг асарларида тасвир этилган бу мавзуни негадир "атеистик" деб тушунтириш Олмония ва Русия олимлари асарларида учрайди. Фитратнинг ушбу шеърий драмасини олмончага таржима қилиб, унинг илк нашри билан қиёслаб, у ҳақдаги мақола билан бирга чоп этган олима И.Балдауф ҳам бу фикрни такрорлабгина қолмай, балки Оврупо адабиётига синган "экзистенциализм"нинг кўриниши сифатида баҳолайди. Бизнингча, руҳи ва услуби жиҳатидан "Илоҳий комедия"га яқин турувчи (Н.Тўрақулов) бу икки асар ўз замонасидаги социал адолатсизликларга қарши қаратилган, диний мифологик сюжетни қайта ишлаш асосида яратилган чуқур сатирик асар сифатида ўрганилиши лозим". Адабиётшунос Ҳамидулла Болтабоев шарҳининг биринчи қисмига қисман қўшилмоқ мумкин. Аммо, иккинчи қисми анча баҳсталаб. Профессор Ингеборг Балдауф асарларини ўқиб чиққаним, у билан шахсан танишлигим боис шу эътирозни ўртага ташламоқдаман. Ингеборгхонимнинг асл мутахассислиги арабшунослик. Шу билан бирга тасаввуф фалсафасини, ўзбек мумтоз адабиётида собит ўрин олган сўфийлик тариқатини пухта ўрганган. Шахсий суҳбатлардан бирида хоним Афғонистонга бориб Маломатия оқимига мансуб сўфийлар ҳаётини ўрганган ҳақида ҳам гапирган эди. Мухтасар шаклда айтсак, у тасаввуф билимдони. Аҳлоҳ, "Шайтоннинг тангрига исёни" асаридан тасаввуфона маъно излайдик: бу асарни атеизмга алоқаси йўқлигини таъкидлайди ва шу баробарида Ҳ.Болтабоевга хуш ёқмайдиган фикрни ҳам айтади, яъни мазкур асар экзистенциализм намунаси эканлигини таъкидлайди...

Аксарият адабиётшуносларимизга модернизмнинг бир шахобчаси саналмиш экзистенциализм оқими маъқул келмаслигининг битта сабаби бор: экзистенциализм Шўро замонида қаттиқ қораланган, нотўғри талқин этилган. Ана ўша "олабўжи" тамғаси ҳалиям баъзи мунаққидларни ҳайиқтириб туради. Аслида эса экзистенциализм оқими шарқ адабиётидаги тасаввуфга анча яқинки, баъзи ёш олимларимиз бу борада тадқиқот ҳам олиб борганлар. Алаҳхусус, туркум мақолаларимизда қарашларини шарҳлаганимиз — Мансур Ҳаллож, Фаридиддин Аттор, Мавлоно Жалолиддин Румий, Алишер Навоийнинг кўпгина фикр-мулоҳазаларини ғарб экзистенциалистлари қайсидир шаклда такрорлайдилар. Мақолада шу ҳақда тўхталмоқчи эмасмиз — бу алоҳида мавзу. Экзистенциализм оқими ҳақида қисқагина маълумот бериб ўтмоқчимиз, холос...

"Экзистенциализм" лотинча сўз бўлиб "мавжудлик" демакдир. Яъни сўз, ҳаракат билан ўзининг борлиғини билдириш. Маълумки, ҳамманинг гапига қўшилиб, тасдиқлаган пайтида инсоннинг ўзлиги сезилмайди. Шу боис, экзистенциалистлар кўпчиликнинг ғашини келтирадиган алфозда мутлақо шахсий фикрлари билан майдонга чиққанлар. Омма қабул қилган тушунчалар устидан кулишганки, худди шу аъмол Фитрат шахсиятига ҳам хос.

"Шайтоннинг тангрига исёни" шеърий драмасида Абдурауф Фитрат Ҳ.Болтабоев таъкидлаганидек, "ўз замонасидаги социал адолатсизликлар"ни акс эттирмаган. Бу драма сатирик асар сирасига кирмайди. Хўш, бўлмаса Фитратнинг асл муддаоси нима? "Мунозара", "Қиёмат" асарларини ўқиб биламизки, Фитрат Шарқнинг догматик қарашлар қучоғида турғунлашганини мутлақо ёқтирмайди, инсон фаол фикрламоғи даркор, шиорини олға суради. Фитратнинг асл мақсади шуки, ҳар бир одам ўта фаол фикрлаш эвазига алоҳида шахс сифатида шаклланмоғи лозим ва инсониятни худди ўша йўлга бошлаб кетмоқ жоиз. Тўғри, Шайтон тавқи-лаънатга учради — бу ёмон. Бироқ, яхши томони борки, бу ҳам бўлса Шайтоннинг фикрламайдиган фаришталар тоифасидан ажралиб турганлигидир. Шайтон образига урғу берараркан, Абдурауф Фитрат мантиқ қоидаларига зид бирор гап айтмайди. Айнан ўша усулда инсон шахсияти масаласига алоҳида урғу беради. Асар муаллифи Шайтонни оқламайди, қораламайди ҳам — зотан, бу масала унгача ҳал қилиб бўлинган. Фитрат фақат унинг Ўзини, яъни ҳеч қандай воситасиз Тангрининг ўзини ҳис этмак керак, деган гапни асар ботинига сингдириб юборади. Аҳлоҳ, Шайтон билан ҳам, бошқа фаришталар билан ҳам унинг иши йўқ — у "мустақил фикрла!" демоқда ва шу баробарида Фитрат кўрсатаётган тараф тамомила бошқа ёқдадир. Унинг гапини тинглаш эмас, ҳис этмоқ керак. Шундагина моҳият ойдинлашади.

"Қиёмат" хаёлий ҳикоясини ўқиб чиқсангиз, Фитратнинг нима демоқчи бўлаётганини тушунасиз. Ҳикоя соддагина бошланади: кўкнори Рўзиқул — Почамир хасталикка чалинибди, туш кўради. "Бизнинг Почамир мадраса чанги еган, "Шамсия" мантиқига жуда ишонадир" деб ёзади асар муаллифи. Шу гапни айтаркан мадрасалардаги ақидапарастликка нозик имо қилиб ўтади. Хулласи калом, Почамир жон таслим қилади. Ўша манзара баёнини ўқиймиз: "Почамир ўлиб қолган эди. Ювмоқ, иқоқ, жаноза, ихлос ҳоки, йиртиш масалалари, билганингизча, кўрилди. Сағананинг оғзи ҳам беркитилди. Нима дейсизким, ўлганидан кейин ҳам тинчлик йўқ эмиш! Почамир энди бир оз тинчгина ухламоқчи бўлган эди, гўрга икки малак кирди. Кўзлари жуда катта, бўйлари узун, бошларида иккитадан шохи бор, кўкраклари жунли, қўлларида йўғон калтаклар!.."

Булар Мункар-Накир эдилар. Почамирни тирилтириб, "Тангринг кимдир?" деб сўрашади: "Почамир қўрқмади-да, шошмади-да, кўзларини уларнинг кўзига тикди:

— Ўзи нима гап, ака? — деди.

Малаклар бу кунгача ҳеч кимдан бундай қаршилик кўрмаган эдилар, шошиб қолдилар:

— Бизлар, Мункар — Накир бўламиз. Сенинг имонлими, — имонсизми эканингни онгламоқ учун келдик, қани, жавоб бер! — дедилар.

Почамир: Сизларни ким юборди?

Малаклар: Тангри юборди, сўзни чўзма!

Почамир хўб қизиқ бир ишни кўрган каби шошиб сўзлади:

— Тангри юборган Мункар-Накир бундан уч ой бурун келиб, мени сўроқ қилган эдилар-ку, сизлар яна нима деб келасиз?!

Мункар: Сен қачон ўлдинг? — деб сўради.

*Почамир: Уч ой бур

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» Республика танловида иштирок этаётган адабиётлар РЎЙХАТИ

№	Муаллиф (лар)	Адабиёт номи	Дарслик ёки ўқув қўлланма	Шаҳар нашриёт, нашр йили	Тавсия қилган ташкилот
1	2	3	4	5	6
	ОЛИЙ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА				
	I. Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар				
1.	Д.Тожибоева	Иқтисодиёт назарияси	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» 2002	ТМИ
2.	К.Усмонов, М.Содиқов, Н.Обломуродов	Ўзбекистон тарихи (I-қисм)	ўқув қўлланма	«А.Қодирий» 2002	ТМИ
3.	А.Қодиров	Иқтисодиёт назарияси	ўқув қўлланма	Тошкент, 2002	ТДТУ
4.	М.Маматов, Д.Баклуцкая, М.Бозоров, Ж.Исмоилов, Б.Ризаев, А.Жуманиёзов	Немис тили (Deutch fur hochschulen)	Дарслик	«ЎзПФИТИ» 2002	УргДУ
5.	Н.Намозов, У.Саноқулов, Г.Файзиева, Ш.З.Урозов	Лотин ёзувига асосланган Ўзбек алифбоси	ўқув қўлланма	СамКооперИ 2002	СамКооперИ
6.	Т.Нурматов, Б.Хусанхўжаев, Э.Х.Жўраев, Т.Очилов	Немис тили фонетикаси	ўқув қўлланма	«Ўзбекистон», 2002	ЎзДЖТУ
7.	Д.Бобожонова	Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар	ўқув қўлланма	«Шарқ», 1999	Муаллиф
8.	З.К.Исмоилова	Педагогикадан амалий машғулотлар	ўқув қўлланма	«Фан», 2001	Муаллиф
9.	А.Раззоқов, Ш.Тошматов, Н.Урмонов	Иқтисодий таълимотлар тарихи	Дарслик	«Молия», 2002	ТДИУ
10.	А.Азизхонов, О.Мусаев, Б.Ҳабибуллаева, У.Эгамбердиева, F.Набиев, С.Орифхўжаев	Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти	ўқув қўлланма	«ДИТАФ», 2001	ЎзМУ
11.	И.Рахимов, А.Ўтамуродов	Фанларнинг фалсафий масалалари	ўқув қўлланма	«ЎзМУ», 2002	ЎзМУ
12.	М.Нурматова	Инглиз тили	ўқув қўлланма	ТашДАУ, 2002	ТДАУ
13.	С. Усмонов, Ю.Додобоев	Бозор иқтисодиёти асослари	ўқув қўлланма	«Фан», 1999	Қувасой тадбиркорлик ўқув и/ч бирлашмаси
14.	С.Йўлдошев, М.Усмонов, Р.Каримов, Г.Қобулниёзова, Г.Рўзматова	Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (VII-XX асрлар)	ўқув қўлланма	«Шарқ», 2002	ЎзМУ
15.	С.Қодиров, К.Дўстмуҳаммедов, М.Қодирхонов, Э.Асатов, Б. Ходжаев А.Ҳамидов, А.Мухитдинов О.Қодирова	Автотрактор луғати (I,II,III-қисмлар) (Инглизча-русча-ўзбекча)	ўқув қўлланма	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2002	ТАЙИ
16.	С.Қодиров, К.Дўстмуҳаммедов, М.Қодирхонов, Э.Асатов, А.Хамидов, А.Аҳмедов, Б.Сотволдиев, О.Қодирова	Автотракторный словарь (I,II-части) (Русско-узбекский)	ўқув қўлланма	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2002	ТАЙИ
17.	М. Жумабаев	Ўзбек ва чет эл болалар адабиёти	дарслик	«Ўзбекистон», 2002	ТДПУ
18.	К. Ярашев	Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш	дарслик	«Абу Али ибн Сино, 2002	ЎзДЖТУ
19.	Н.Умбаров, И.Соатжонов	Француз адабиёти тарихи	дарслик	«Ўқитувчи», 2002	ЎзДЖТУ
	II. Математик ва табиий-илмий фанлар				
20.	Э.Жумаев	Геометрия масалалар тўплами (I-қисм)	ўқув қўлланма	ФТДК ДИТАФ, 2001	ТерДУ
21.	Х.Латипов, Ф.Носиров, Ш.Тожиев	Дифференциал тенгламаларнинг сифат назарияси ва унинг тадбиқлари	дарслик	«Ўзбекистон», 2002	ТДТУ
22.	Ш.Тожиев	Олий математикадан масалалар ечиш	дарслик	«Ўзбекистон», 2002	ТДТУ
23.	С.Ғаниев, М.М.Каримов, Н.М.Мамбетов	Ҳисоблаш системаларининг информацион асослари	дарслик	ТДТУ, 2002	ТДТУ
24.	М.М.Арипов, Т.Имамов, Р.М.Ирмухамедова, М.В.Сагатов, А.Хайдаров, А.Якубов,	Информатика. Ахборот технологиялари (1- қисм)	ўқув қўлланма	ТДТУ, 2002	ТДТУ
25.	Д.А.Чернев	Технология разработки программного обеспечения	Учебн. пособие	ТДТУ, 2002	ТДТУ
26.	С.Қосимова, С.Машарипов, К.Нажимов	Умумий ва биоорганик кимёдан амалий машғулотлар	Дарслик	«Абу Али ибн Сино», 2001	2-ТошДТИ
27.	Н.А.Султанов	Физика курси	Дарслик	«Фарғона-техника», 2002	ФарПИ
28.	А.Сиддиқов	Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар	ўқув қўлланма	Тошкент, 2002	ТАҚИ
29.	М.Миркомилова	Аналитик кимё	Дарслик	«Ўзбекистон», 2001	Муаллиф
30.	Д.Раҳимов	Олий математика (I- қисм)	Дарслик	УАЖБНТМ, 2002	ТКТИ
31.	Х.Тожимухамедов, Э.Эшчонов, А.Абдушукуров, Х.Шохидоятов	Органик кимёдан тестлар	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2000	ЎзМУ
32.	П.Баратов, М.Маматқулов, А.Рафиқов	Ўрта Осиё табиий географияси	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2002	ТДПУ
33.	С.Ғуломов, Р.Х.Раимов, Х.С.Лутфуллаев, А.Шермуҳамедов, Г.Г.Назарова, К.А.Алимов, Б.Ю.Ходиев, Б.А.Бегалов, Ш.Хошимходжаев, А.С.Кучаров, Д.Расулев	Ахборот тизимлари ва технологиялари	дарслик	«Шарқ», 2000	ТДИУ
34.	Е.Абдуллаев	Статистика назарияси	дарслик	«Ўқитувчи», 2002	ТМИ
35.	С.Бозорова, Н.Камолов	Физика курси. Электр ва магнетизм	ўқув қўлланма	Навоий, 2002	НавДКИ
36.	С.Алихонов	Математика ўқитиш методикаси	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2001	НамДУ
37.	Б.Мусаев	Агрокимё	дарслик	«Шарқ», 2001	ТДАУ
	III. Умумкасбий фанлар				
38.	Э. Қасимов	Шифокорнинг нутқ маданияти ва бемор билан мулоқот санъати	ўқув қўлланма	«Шарқ», 2002	1-ТошДТИ
39.	С.Мажидов	Электротехника	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2000	ТИҚХМИИ
40.	М.Шоумарова, Т.Абдиллаев	Қишлоқ хўжалиги машиналари	дарслик	«Ўқитувчи», 2002	ТИҚХМИИ
41.	А.Мирсодиқов, Д.Мирсодиқов	Болалар нейро-хирургияси	дарслик	«Абу Али ибн Сино», 2002	ССВ
42.	Б.Йўлдошев	Клиник гериатрия	дарслик	«Хоразм», 2002	ССВ
43.	Ш.Зайнутдинов, А.Шермухамедов, Д.Сагдуллаев, И.У.Муракаев, А.Кучаров	Менежмент асослари	ўқув қўлланма	«Молия», 2001	«Истеъдод» жамғармаси
44.	М.Тожиев, И.Неъматов, М.Илҳомов	Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси	ўқув қўлланма	«Таълим манбаи», 2002	Муаллифлар
45.	С.Н.Усмонов, Ю.Т.Додобоев	Фермер ва деҳқон хўжаликлари	Дарслик	Наманган, 2002	Қувасой тадбиркорлик ўқув илмий и/ч маркази
46.	А.Ваҳобов, А.Иброҳимов	Молиявий таҳлил	Дарслик	«Шарқ», 2002	ТМИ
47.	А.У.Алимбоев	Юқори ҳароратли технологик жараёнлар ва қурилмалар	ўқув қўлланма	ТДТУ, 2002	ТДТУ
48.	А.Ҳолматов, Ш.Султонмуродов	Умумий геологиядан амалий машғулотлар	ўқув қўлланма	«Ўзбекистон», 2002	ТДТУ
49.	Н.В.Сипачев	Теоритические основы подземной гидродинамики	Учебн. пособия	ТДТУ, 2002	ТДТУ
50.	А.Хамидов	Ем-хашак, донли экинларни йиғиш ва чорвачилик машиналари	ўқув қўлланма	ТДТУ, 2001	ТДТУ
51.	В.А.Мирбобоев, С.Махамадхўжаева	Металларни босим билан ишлаш усуллари ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари	ўқув қўлланма	ТДТУ, 2001	ТДТУ
52.	М.Пардаев	Иқтисодий таҳлил назарияси	дарслик	«Зарафшон», 2002	СамКооперИ
53.	О.Д.Хамракулова	Микроэкономика	ўқув қўлланма	СамКИ, 2002	СамКооперИ
54.	Т.Худайшукуров, Н.Мухамедиев, М.Каримов, Х.Саъдинов, Н.Мўминов	Озиқ-овқат кимёси	ўқув қўлланма	СамДУ, 2002	СамКооперИ
55.	Н.Урозов, М.М.Мухитдинов, К.Х.Ахунов, К.Т.Уразалиев	Жараён ва тизимларни моделлаштириш	дарслик	Фарғона, 2002	ФарПИ
56.	Б.А.Алиматов, Б.Ж.Хурсанов	Машиналар яратишнинг техник асослари	ўқув қўлланма	«Фарғона-Техника»,	ФарПИ
57.	О.А.Ашурметов, Х.Қаршибоев	Усимликлар эмбриологияси	ўқув қўлланма	ГулДУ, 2002	ГулДУ
58.	Р.Тожибоев, А.Жўраев	Машина деталлари	дарслик	«Ўқитувчи», 2002	ТТЕСИ
59.	О.Мавлонов, Ш.Ҳуррамов, З.Норбоев	Умуртқасизлар зоологияси	дарслик	«Ўзбекистон», 2002	ТерДУ
60.	С.Усмонов, Ю.Додобоев, А.Худойбердиев	Тадбиркорлик асослари	дарслик	«Фарғона» 2000	Қувасой тадбиркорлик ўқув илмий и/ч маркази
61.	Ю.Додобоев, А.Худойбердиев	Корхона иқтисодиёти	ўқув қўлланма	«Андижон» 2002	Қувасой тадбиркорлик ўқув илмий и/ч маркази
62.	С.Қодиров, О.Лебедов, А.Ҳакимов	Технология восстановления деталей машин	дарслик	ТошДТИ-1, 2001	ТАЙИ
63.	С.Қодиров, О.Лебедов, А.Ҳакимов	Машина деталларини тиклаш технологияси	дарслик	ТошДТИ-1, 2001	ТАЙИ
64.	С.Қодиров, О.Лебедов, А.Ҳакимов	Restoration technology of the machine part	textbook	ТошДТИ-1, 2001	ТАЙИ
65.	М.Б.Усмонов, М.Х.Рустамбоев, Ж.Т.Холмўминов, У.Б.Бозоров, А.Н.Ниғматов, Н.К.Скрипников, М.Х.Файзиев, У.Т.Аюбов, Ф.С.Намозов	Экология ҳуқуқи	дарслик	Тошкент, 2001	ТДЮИ
66.	М.Х.Рустамбоев, Ф.Тохиров, А.К.Эркаходжаев	Жиноят ҳуқуқи	дарслик	Тошкент, 2000	ТДЮИ
67.	F.Қосимов	Менежмент	дарслик	«Ўзбекистон», 2002	ТАЙИ
68.	С.Қосимова, Ш. Шоджалилов, С.Ходжаев, С.Арабова	Шаҳар муҳандислик иншоотлари (I-II қисмлар)	ўқув қўлланма	Тошкент 2001	ТАҚИ
69.	И. Носир	Материалшунослик	дарслик	«Ўзбекистон», 2002	ТАЙИ
70.	А.Мирзаев, А. Сотволдиев	Машинасозлик технологияси асослари	ўқув қўлланма	«Фарғона-Техника»	ФарПИ
71.	С.Салимов	Маркетинг назарияси	ўқув қўлланма	ТАЙИ, 2002	ТАЙИ
72.	Э.Қосимов	Ўзбекистон қурилиш ашёлари	ўқув қўлланма	Тошкент, 2002	ТАҚИ
73.	А.Тешабоев, С. Зайнобиддинов, И.Каримов, Н.Рахимов	Ярим ўтказгичли асбоблар физикаси	ўқув қўлланма	«Хаёт», Андижон, 2002	АнДУ
74.	Х.Ахмедходжаев, А.Бурханов	Машинасозликда маҳсулотлар сифатини таъминлаш	ўқув қўлланма	«Молия», 2002	НамМИИ
75.	А.Исматов, Т.Отақўзиев, Н.Исмоилов, Ф.Мирзаев	Ноорганик материаллар кимёвий технологияси	дарслик	«Ўзбекистон», 2002	ТКТИ
76.	Р.Иброҳимов	Маркетинг	дарслик	«Шарқ»	СамКооперИ
	IV. Ихтисослик фанлари				
77.	М.Х.Саидов	Олий таълим муассасаларини молиялаштириш	ўқув қўлланма	«Молия», 2002	ТМИ
78.	М.Х.Саидов	Экономика, инвестиции и маркетинг высшего образования	Учебн. пособия	«Молия»	ТМИ
79.	Ш.Темуров	Узумчилик	Дарслик	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2002	ТошДАУ
80.	Л.В.Перегудов, М.Х.Саидов, Д.Е.Аликулов	Илмий ижод методологияси	ўқув қўлланма	«Молия», 2002	ТДТУ
81.	М.М.Муқимов	Трикотаж технологияси	Дарслик	«Ўзбекистон», 2002	ТТЕСИ
82.	Г.К.Ҳасанбоев, В.А.Чурсина	Костюм тарихи	Дарслик	«Ўзбекистон», 2002	ТТЕСИ
83.	О.Бобожонов, Қ.Жуманиёзов	Молиявий ҳисоб	Дарслик	«Молия», 2002	ТДИУ
84.	С. Қодиров, К. Назаров	Йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили	ўқув қўлланма	ТАЙИ, 2002	ТАЙИ
85.	Б.Хўжаев	Автомобилларда юк ва пассажирларни ташиш асослари	Дарслик	«Ўзбекистон», 2002	ТАЙИ
86.	Қ.Худайберганов, И.Икромов, А. Ибрагимов	Ходимларни бошқариш	ўқув қўлланма	ТАЙИ, 2002	ТАЙИ
87.	В.Бабков, О.Андреев	Автомобил йўлларини лойиҳалаш (А.Қодирова тарж.)	Дарслик	ТАЙИ, 2001	ТАЙИ
88.	Ҳ.Бўриев, К.Байметов, Р.Жўраев	Мева экинлари селекцияси ва навшунослиги	Дарслик	«Меҳнат», 2001	ТДАУ
89.	Ҳ.Бўриев, В.Зуев, О.Қодирхўжаев, М.Муҳамедов	Очиқ жойда сабзовот экинлари етиштиришнинг прогрессив технологиялари	Дарслик	«Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2002	ТДАУ
90.	М. Мирюсупова	Архитектура ва шаҳарсозлик тарихи. Қадимги дунё ва ўрта асрлар даври архитектураси	ўқув қўлланма	Тошкент, 2002	ТАҚИ
	ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БЎЙИЧА				
	I. Умумтаълим фанлари				
91.	M.Gadoyeva, K..Sayitova	Ingliz tili (I, II va III qismlar)	ўқув қўлланма	«Ўзбекистон», 2002	БухООЕСТИ
92.	А.Нурмонов, А.Собиров, Н.Қосимова	Ҳозирги ўзбек адабий тили	Дарслик	«Ўзбекистон», 2001	АнДУ
93.	М.Ғадоева	English (ўрта поғона)	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2002	БухООЕСТИ
94.	Ш.Камолхўжаев	Табиатшунослик асослари	ўқув қўлланма	«Молия», 2002	ТДТУ
95.	А.Нурмонов, А.Собиров, Ш.Юсупова	Ҳозирги ўзбек адабий тили	Дарслик	«Шарқ», 2002	КҲТМ
96.	К.Х.Абдуллаев, Л.Е.Змневская, М.А.Незаметдинова, Ж..Хусанов	Геометрия I-планиметрия	Дарслик	«Ўқитувчи», 2002	ТДТУ
97.	А. Нўъмонхўжаев, А.Худайберганов, К.Турсунметов, А.Ҳусанов, Қ.Суяров, В. Зоитова, Л.Худайбердиев	Физика (I-қисм)	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2002	ТАҚИ
98.	А. Нўъмонхўжаев, А.Худайберганов, К.Турсунметов, А.Фаттахов, А.Нурматов, Б.Норматов	Физика (III-қисм)	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2001	ТАҚИ
99.	А.Абдуқодиров, А.Ҳайитов, Р.Шодиев	Ахборот технологиялари	дарслик	«Ўқитувчи», 2002	КҲТМ
100.	А.Рафиев, Н.Ғуломова	Она тили ва адабиёти	дарслик	«Шарқ», 2002	КҲТМ
101.	А.Пардаев, Г.Муслимова, С.Раҳимова	Русский язык	ўқув қўлланма	«Шарқ», 2002	БухООЕСТИ
102.	Б. Тўхлиев	Адабиёт	дарслик 2002	«Ўқитувчи»,	ТДПУ
103.	С.Носирхўжаев, М.Лафасов, М.Зарипов	Маънавият асослари	ўқув қўлланма	«Фан», 2002	ТДПУ
104.	Қ.Усмонов, М.Содиқов	Ўзбекистон тарихи (1917-1991)	дарслик	«Шарқ» 2002	ТМИ
105.	З.Джураева, Т.Кучаров	Русский язык	Учебн. Пособия	«Шарқ», 2002	КҲТМ
106.	А.Ғаниев, А.Авлиёқулов, Г.Алимардонова	Физика (I-қисм)	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2002	КҲТМ
107.	Ж.Нурматов, М.Исроилов, М.Нишонова, А.Авлиёқулов	Физика. Лаборатория иши	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2002	КҲТМ
108.	М.Арипов, А.Хайдаров	Информатика асослари	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2002	ЎзМУ
109.	К.Турсунметов, А.Узоқов, И.Бўрибоев, А.Худайберганов	Физикадан масалалар тўплами	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2001	ЎзМУ
110.	К.Турсунметов, А.Худойберганов	Физикадан практикум	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2002	ЎзМУ
	II. Мутахассислик фанлари				
111.	А.Зуннунов, Б.Тўхлиев, Х.Маъсудов	Педагогика тарихи	Дарслик	«Шарқ», 2002	Муаллифлар
112.	К.Нуриев, Қ.Пискентбоев	Стандартлаштириш асослари, жойлик, ўтказиш ва техникавий ўлчашлар	Дарслик	«Меҳнат», 2001	ГулДУ
113.	М.Васиев, М.Васиева, Ж. Мирзаев	Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси I-қисм	Дарслик	«Меҳнат», 2002	БухООЕСТИ
114.	М.Васиев, М.Васиева,	Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологияси III-қисм	Дарслик	«F.Ғулом», 2002	БухООЕСТИ
115.	М.Турдиев	Электротехника ва электроника асослари	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2002	БухООЕСТИ
116.	Н.Бекмуратова	Чилангарлик ишлари I-қисм (амалий машғулотлар)	ўқув қўлланма	«Меҳнат», 2002	БухООЕСТИ
117.	Д. Ёрматова, Ш.Убайдуллаев	Донли экинлар	Дарслик	«Меҳнат», 2002	ҚарМИИ
118.	Х.Саломов, Ш.Саломов	Микробиология асослари	Дарслик	«Меҳнат», 2002	БухООЕСТИ
119.	Т.Останақулов	Селекция ва уруғчилик асослари	Дарслик	«Истиқлол», 2002	КҲТМ
120.	П.Олимхўжаева, Д.Иноғомова	Тиббиёт генетикаси	Дарслик	Абу Али ибн Сино, 2002	КҲТМ
121.	Ш.Аҳмедов, А.Эшонқулов, А.Бекмуҳамедов	Одам анатомияси ва физиологияси	ўқув қўлланма	«Узинком-центр», 2002	КҲТМ
122.	М.Болиев	Лотин тили ва тиббиёт терминологияси	Дарслик	«Абу Али ибн Сино», 2002	Сам.тиб. кол.
123.	Қ.Шодиева	Кичкинтойларни ўқиш ва ёзишга ўргатиш	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2002	КҲТМ
124.	Ҳ.Мубораков, С.Ахмедов	Геодезия ва картография	Дарслик	«Ўқитувчи», 2002	КҲТМ
125.	А.Ҳамраев, М.Ҳамедова	Хирургия	Дарслик	«Ўқитувчи», 2002	КҲТМ
126.	Ф.Курбонов, Х.Рахмонов, Қ.Олимов	Пойабзал ишлаб чиқариш жиҳозлари	ўқув қўлланма	«Меҳнат», 2002	БухООЕСТИ
127.	Н.Бибутов, М.Муродов	Амалий механика	ўқув қўлланма	«Узинком-центр», 2002	БухООЕСТИ
128.	Н.Бекмуратова	Пайвандлаш ишлари 2-қисм (амалий машғулотлар)	ўқув қўлланма	«Меҳнат», 2002	БухООЕСТИ
129.	С.Саидахмедов	Электр схемаларини ўқиш	ўқув қўлланма	ТДТУ, 2002	ТДТУ
130.	Б. Акрамов	Нефт ва газ қудуқларини ишлатиш	ўқув қўлланма	ТДТУ, 2002	ТДТУ
131.	А.Агзамов, О.Ҳайитов	Введение в специальность	Учебн. пособие	ТДТУ, 2002	ТДТУ
132.	Р.Т.Рахимжонов	Ёқилғи ва ёниш асослари	ўқув қўлланма	ТДТУ, 2002	ТДТУ
133.	А.Қудратов, Т. Ғаниев	Меҳнат муҳофазаси	Дарслик	«Узинком-центр», 2002	ТТЕСИ
134.	Н.Ёдгоров	Бурғилаш эритмалари	Дарслик	ТДТУ, 2002	ТДТУ
135.	Р.Нормаҳматов	Озиқ-овқат маҳсулотлари товаршунослиги	ўқув қўлланма	«Шарқ», 2002	СамКооперИ
136.	Х.Кимсанбаев, Р.Ўлмасбоева, К.Халилов	Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи», 2002	КҲТМ
137.	F.Ҳайдаров, Ш.Эрматов	Ички касалликлар	дарслик	«Абу Али ибн Сино», 2002	КҲТМ
138.	Р.Валижонов, О.Қобулов, А.Эргашев	Менежмент асослари	дарслик	«Шарқ», 2002	Муаллиф
139.	Қ.Олимов	Тикувчилик корхоналари жиҳозлари ва ускуналари	дарслик	«F.Ғулом», 2002	БухООЕСТИ
140.	С.Азимбаев, З.Артукметов, Х.Шералиев, У.Норқулов. М.Шодманов	Умумий деҳқончилик ва мелиорация асослари	дарслик	«Узинком-центр», 2002	ТДАУ
141.	Ж.Толипова, А.Ғофуров	Биология таълими технологиялари	Методик қўлланма	«Ўқитувчи» 2002	ТДПУ
142.	М.Якубов, Н.Жабборов, С.Амиров	Электротехниканинг назарий асослари ва электр ўлчашлар	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» 2002	ТИҚХМИИ
143.	Ҳ.Рустамов, Ш.Нуруллаев	Технологик жараёнларнинг физик-кимёвий асосларидан масалалар тўплами	ўқув қўлланма	«Ўқитувчи» 2002	ТКТИ
144.	Ш.Нуруллаев, А.Икромов, Ҳ.Рустамов	Технологик жараёнларнинг физик-кимёвий асослари	дарслик	«Меҳнат», 2002	ТКТИ
145.	Д.Ёрматова	Усимликшунослик	дарслик	«Шарқ», 2002	ЎзДЖТУ
	УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ БЎЙИЧА				
	I. Ижтимоий фанлар				
146.	M.Umarova, Sh.Hakimova	O'qish kitobi 3-sinf	дарслик	«Ижод дунёси», 2002	1-Тошкент педагогика билим юрти
147.	Q.Abdullayeva, M.Yusupova, S.Rahmonbekova	Odobnoma 2-sinf	дарслик	«Меҳнат», 2002	«Меҳнат» нашриёти
148.	E. Sariqov, B.Haydarov	Iqtisodiy bilim asoslari 9 –sinf	дарслик	«Ўзбекистон», 2002	РТМ
149.	А.Носиров, Т.Турдикулов, С.Мирсагатова, Д.Азимова	Француз тили (Салом Франция) 5-синф	мажмуа	«Uzincomcenter», 2002	РТМ
150.	Р.Шомаҳмудова	Тўғри талаффузга ўргатиш ва нутқ ўстириш	ўқув қўлланма	«Uzincomcenter», 2002	РТМ
151.	Ж.Фозилов, Р.Султонов, Ҳ.Саидов	Ўқитувчи маънавиятини шакллантириш	ўқитувчилар учун қўлланма	«Шарқ», 2000	РТМ
152.	В.Костецкий, Т.Чаброва	Азбука Конституции (рус мак.учун)	ўқув қўлланма	«Шарқ», 2002	РТМ
153.	С.Фузулов, М.Худайберганова	Она тили 3-синф	дарслик	«Ўқитувчи» 2002	РТМ
154.	З.Абдушукурова, Ҳ.Юсупова, М.Нишонов, С.Рахмонов	Француз тили 6-синф	дарслик	«Uzincomcenter», 2002	ЎзДЖТУ
	II. Табиий умумтаълим фанлари				
155.	А.Ниғматов	Инсон ва тупроқ 5-9 синфлар учун	ўқув қўлланма	«Ғафур Ғулом» 2002	Муаллиф
156.	А.Григорьянц	Атрофимиздаги олам 1-синф	дарслик	«Чўлпон», 2002	РТМ
157.	Д.Шодиев, Н.Турдиев	Физика 9-синф	дарслик	«Маънавият», 2002	РТМ
158.	А.Юсупов, Н.Турдиев	Физика 9-синф	ўқитувчилар учун қўлланма	«Маънавият», 2002	РТМ
159.	А.Қаюмов, И.Сафаров, М.Тиллабаева	Жаҳон иқтисодий ижтимоий географияси	ўқитувчилар учун қўлланма	«Ўқитувчи», 2002	РТМ
160.	Н.Бикбаева, Э.Янгабаева, Г.Адамбекова	Математика 3-синф	дарслик	«Ўқитувчи», 2002	РТМ

*Дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳақида фикр ва мулоҳазалар матбуотда эълон қилиниши ёки Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтига (Тошкент, 700011, Пахтакор кўчаси 3-уй) ёзма тақриз шаклида 5 сентябргача юборилиши мумкин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Халқ таълими вазирлиги,
Республика «Истеъдод» жамғармаси

Bundan 24 yil avval — 1979 yil 11 avgust kuni Toshkent osmonidan Ukraina tomon parvoz qilgan, bortida 17 nafar futbol yulduzini olib borayotgan havo kemasi halokatga uchragandi.

Mamlakatimiz tashabbusida BMTning Ustavi va uning ayrim moddalarini isloh qilish va qayta ko'rib chiqishni tezlashtirish zarurati alohida ta'kidlangan.

АҚЛ ГИМНАСТИКАЧИЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги Хўжакент қишлоғида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси "Далабоғ" ширкати хўжалиги аъзолари билан ҳамкорликда, ёзувчи Дадахон Нурий ташаббуси билан унинг файзли далабоғида 50 дан ортиқ ижодкор шахматчилар ўзаро дона суришди. Саралаш баҳслари мураккаб кечди. Муросасиз кечган баҳсларда 1-ўрин Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовга, 2-ўрин Бегали Қосимовга, 3-ўрин Насриддин Муҳаммадийга насиб этди.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ

НАТО АФҒОНИСТОНДА

Тинчлик ўрнатиш мақсадида Афғонистонга жойлаштирилган халқаро кучларга эндиликда НАТО қўмондонлик қилади. Ўзининг 54 йиллик тарихи мобайнида илк бор Европадан ташқарида фаолият бошлаётган НАТО-нинг Афғонистонда қанча муддат туриши ҳозирча ноаниқ. Лекин НАТО қўшинларини пойтахт Қобулдан ташқарига жойлаштириш масаласи бугун очиқ қолмоқда. Қобул давлат университетида бўлиб ўтган тақдимот маросимида Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Хамид Карзай бугунга қадар Қобул шаҳрини хавфсиз ва хориж инвесторлари ҳамда бизнесменлари учун очиқ маконга айланишига ҳисса қўшган тинчликпарвар кучларга миннатдорчилик билдирди.

ИСРОИЛ: КЕТМА-КЕТ ПОРТЛАШЛАР

Тель-Авив яқинидаги Рош-Ха-Айн шаҳарчасидаги савдо марказида содир бўлган террор акти туфайли 2 киши ҳалок бўлди. Полициянинг тахминича, жасадларнинг бири террорчи-камикадзеники бўлиши керак. Шунингдек, портлаш туфайли ўнга яқин киши жароҳатланган ва савдо марказида жиддий ёнғин ҳам кузатилган.

Сўнгроқ Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Ариэль туманида яшовчи яҳудийлар қишлоғида ҳам яна бир портлаш амалга оширилди. Бу гал эса автобус бекати ёнида фаластинлик камикадзенинг ўзи ҳалок бўлиб, шу атрофда турганлардан 3 нафари жароҳатланган. Ҳозирча ҳеч ким ушбу террор актлари жавобгарлигини зиммасига олмаган. Жумладан, "ХАМАС" ҳаракати вакили Исмоил Ханнийе ўз ташкилотининг бунга алоқаси йўқлигини маълум қилган.

ЛИБЕРИЯ: ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ ИШГА КИРИШДИ

Ушбу ҳафта аввалида Либерия президенти вазифасини бажаришга киришган Мозес Бла исёнчиларни тинчлик ўрнатиш бўйича келишув имзолашга таклиф этган ва Қўшма Штатларга тинчлик жараёнларини қўллаб-қувватлаш борасида мурожаат қилган. Ўтган душанба куни Нигерияга келган Либериянинг собиқ президенти Чарльз Тейлорни АҚШ президенти Жорж Буш юқори баҳолаган. Лекин, Нигериядан сиёсий бошпана топган Чарльз Тейлор вақти келиб ортга (ватанига) қайтишини яширмаган. Тейлор Либерияни тарк этганидан сўнг эса исёнчилар раҳбарлари мамлакатда фуқаролар уруши тугаганлигини эълон қилганлар.

ЖАВОБГАРЛИК "АЛ-ҚОИДА" ЗИММАСИДА

"Ал-Қоида" ташкилоти ўтган ҳафта Индонезия пойтахти Жакарта шаҳридаги "Marriot" меҳмонхонасида юз берган террор акти жавобгарлигини ўз зиммасига олган. "Ал-Қоида" бу ҳақда араб оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилган. Баёнотда ёзилишича, "Marriot"даги террор хуружи Усама бин Лоденнинг биринчи ёрдамчиси Айман ал-Завахири айтган қатор террор актлари сирасига киради. Шунингдек, баёнотда "Ал-Қоида"нинг Гуантанамодаги асирларни озод этиш, мусулмон мамлакатлардан АҚШ ва унинг тарафдорлари чиқиб кетиши кераклиги ҳақидаги талаблари, агарда талаблар бажарилмаса, "Ал-Қоида" хуружларни давом эттираверишини ошкора маълум қилинган.

"КУРСК" ФОЖЕАСИ ОРАДАН 3 ЙИЛ ЎТДИ

"Курск" сув ости кемаси ҳалокатидан сўнг 3 йил ўтиб, марҳум денгизчиларнинг оила аъзолари фожеа сабаблари бўйича янги текширув ўтказилишини талаб этмоқдалар. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Россия флотидаги энг катта фожеа деб айтилаётган "Курск" кемаси 2000 йил 12 август куни юз берган ва унинг бортидаги 118 нафар ҳарбий денгизчиларнинг барчаси ҳалок бўлган эдилар.



BBC Newsнинг хабар беришича, ушбу ҳафтада 40 нафарга яқин марҳум денгизчиларнинг яқинлари қайта текширув ўтказилишини сўраб, прокуратурага мурожаат этганлар. Негаки, уларнинг наздида ҳақиқий ҳолат жамоатчиликдан сир тутилмоқда.

АЛИЕВНИНГ АҲВОЛИ ЯХШИ

Қўшма Штатлардаги Кливленд клиникаси раҳбариятининг билдиришича, 6 август куни Анқарадан ушбу шифохонага келтирилган Озарбойжон президенти Ҳайдар Алиевнинг аҳволи ҳозирда яхшиланиб бормоқда. Бу ҳақда отаси билан телефон орқали суҳбатлашган Озарбойжон бош вазири Илҳом Алиев ҳам маълум қилган. Америкадаги юрак хасталиклари билан шуғулланувчи тўртта клиникадан бири ҳисобланган Кливленд шифохонасида Алиевнинг тиббий муолажалари узоқ давом этиши мумкин. Америкага келишдан олдин президент Алиев Туркиядаги "Гулхона" шифохонасида даволанган эди.

"Интернет" тармоғидан олинди.

"ТАШАББУСЛАР ЗАМИРИДА ДУНЁ ОСОЙИШТАЛИГИ"

Кейинги ойлар мобайнида содир бўлган ва афсуски бугун ҳам давом этаётган кескин жараёнлар бир муаммо хусусида янада чуқурроқ фикр юритишимиз учун туртки бўлди. Бу — асримиз вабоси ва тараққиёт кушандаси терроризм хуружидир. Эътибор беринг-а! Гудермес яқинидаги портлашлар, Москванинг Тушиносидаги қўпорувчилик, Ар-Риёд, Касабланка, Жакарта, Моздок...

Яна ўнлаб ҳудудларда амалга оширилаётган террорчилик ҳаракатлари унинг молиявий илдизи ҳамда вайронкор, исёнкор, тажовузкор мафкураси бир қатор марказлар томонидан бошқарилаётганлигини кўрсатмоқда. Мана 12 йилдирки, Ўзбекистон Республикаси бу муаммога жаҳон эътиборини қаратиб, аниқ ва айни пайтда амалий ҳаракатлар билан фаоллик кўрсатиб келмоқда. Биз тез ўзгараётган ва жадал ривожланаётган дунёда яшаяпмиз. Шундай тараққиёт босқичида халқаро барқарорликка қарши янги-янги таҳдидлар пайдо бўла бошлади. Айрим давлатларда ва минтақаларда низою, хавф-хатарларнинг хусусияти тубдан ўзгармоқда.

Яқинда қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида президентимизнинг Россия раҳбари В.Путин билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси каби хавфсизликка таҳдид солувчи иллатларга қарши кураш борасида бир қатор фикр-мулоҳазалар баён этилди. Халқаро террорчилик, радикал, тажовузкор экстремизм ва айирмачилик, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, ҳеч муболағасиз, Ўзбекистон — Россия муносабатларининг энг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда. Бу ўринда, халқаро терроризм кўринишларини бартараф этиш билан бир қаторда, бундай ғайриинсоний таҳдид ортида турган унсурларга қарши аниқ йўналтирилган кураш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон раҳбарининг чет давлатларга (шу йилнинг ўзида Испания, Россия, Қозоғистон, Польша кабилар) сафари ёки хорижий мамлакатларнинг юқори мартабали вакилларининг юртимизга ташрифи чоғида, Олий Мажлисимизнинг сессияларида, Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари ва бошқа анжуманларда халқаро терроризм муаммолари бўйича аниқ ва амалий ташаббуслар илгари суриб келинмоқда. Ҳақиқатан ҳам, халқаро терроризмга қарши курашда доимо сафарбар, доимо огоҳ бўлишимиз тўғрисидаги масала — ҳозирги даврда, ҳеч шубҳасиз, жаҳон миқёсидаги энг муҳим, энг йирик ва долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Яқин чорак аср мобайнида Афғонистонда содир бўлган воқеалар, кейинги 13 йил ичида Ироқ теварагидаги воқеаларнинг кескин бўлганлиги ҳам аслида халқаро терроризм билан боғлиқ. Бунда айниқса, Афғонистон диёри йиллар мобайнида террорчи кучлар учун жуда қулай макон бўлганлигини ва улар ўзларининг қабиҳ режаларини амалга ошириш учун афғон заминини ўзига хос "тажриба майдони", яъни, "халқаро терроризмнинг лабораториясига" (Қ.К.) айлантириб олганлигини эслаш ўринлидир. Бундай қарасангиз, Афғонистон ҳақида етарли даражада гапирилгандек. Аммо, бугун афғон муаммоси тўлалигича ҳал этилдими, деган савол атрофида мушоҳада юритадиган бўлсак, айнан террорчилик, диний экстремизм, мафкуравий бузғунчиликлар Афғонистоннинг "оғриқ нуқталари" тезроқ тузалишига тўсиқ бўлаётганлигини кўрамиз.

Ироқ воқеаларида ҳам халқаро террорчи кучларнинг Яқин ва Ўрта Шарқдаги экстремистик оқимлар билан ва собиқ диктатор тарафдорлари билан бирлашиб ҳаракат қилиши мамлакатдаги умумий ички вазиятнинг барқарорлашувига ҳалақит бериб келмоқда. Ироқда "Ал-Ансор Исломия" экстремистик гуруҳининг бир неча жангарилари йўқ қилинди. Ҳозир ҳам "Ал-Қоида"нинг яқин ҳамтовоқларидан бўлган бу экстремистик кучларнинг марказларига қарашли махсус операциялар олиб борилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, Ироқни тиклаш ишидаги мақсад-

Sharh

ларга эришишнинг муҳим шарти халқаро ҳамжамият томонидан аниқ ва амалий ёрдам кўрсатишга, зарур моддий ва молиявий маблағларни излаб топиш ҳамда ажратишга асосланиши мумкин ва шундай бўлиб қолиши ҳам керак.

Маълумки, мамлакатимизда Ироқ халқининг кўҳна тарихини, миллий анъаналари ва бой маданиятини яхши биладилар. Ишончимиз комилки, Ироқ тарихидаги ҳозирги мураккаб даврда ҳам ўзбекистонлик мутахассислар Ироқни тинч йўл билан тиклаш бўйича гуманитар лойиҳаларни амалга оширишда баҳоли-қудрат ёрдам кўрсатадилар.

Ироқ теварагидаги воқеалар каби афғон диёридаги сиёсий аҳвол ҳам жаҳондаги вазиятга, аниқроғи, тараққиётга ўз таъсирини ўтказмоқда. Бу мамлакатдаги вазият Ўзбекистон ташқи сиёсатида доимо устувор йўналишлардан бири бўлиб келган. Таъкидланганидек, Афғонистон нафақат Марказий Осиё минтақасига, аслида бутун дунёга таҳдид солаётган энг ашаддий халқаро террорчилар, экстремистлар ва ақидапарастларнинг полигонига айланиб қолган эди. Толиблар ва Афғонистонга уя қуриб олган кўп сонли террорчи гуруҳларнинг халқаро экстремизм марказларидан ва кўпгина мамлакатлардаги ҳомийлардан жуда катта миқдорда молиявий ёрдам олиб тургани аввалданоқ маълум бўлган эди. Бироқ жаҳон ҳамжамияти, дунёдаги етакчи давлатлар бу воқеаларга етарли эътибор бермади. Оқибатда 2001 йилнинг 11 сентябрь — "қора сешанба"си содир бўлди...

Аслида бу воқеа (2001 йил сентябрь) фақат АҚШ учун сабоқ бўлмади, бу дунё давлатлари, халқлари, йирик халқаро ташкилотлар учун жиддий сабоқ бўлди. Шундай мураккаб жараёнда АҚШ маъмуриятининг дадил сиёсат юргизганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Айнан АҚШ бошчилигидаги антитеррор коалициянинг тузилиши, толибларнинг тор-мор этилиши, террорчиларнинг полигон ва базалари яксон қилиниши даҳшатли таҳдидни бизнинг сарҳадларимиздан олиб ташлади. Аммо халқаро терроризмнинг илдизлари бутунлай тугатилмаганлиги Индонезия, Филиппин, Кашмир, Шимолий Кавказ, Ироқ, Фаластин, Марокаш каби мамлакат ёки минтақаларда содир бўлаётган воқеаларда янада яққолроқ кўринмоқда.

Табиийки, БМТ — бу ўзига хос "умумжаҳон тинчлик хонадонидир" (Қ.К.). Унинг жаҳон миқёсидаги нуфузи ҳақида узоқ тўхталиш мумкин. Лекин бугунги замон, тараққиётдаги ўзгаришлар БМТнинг тубдан ислоҳ қилиниши кераклигини намойиш этаяпти. Хусусан, сўнгги ўн йилликлар давомида рўй берган кўплаб воқеалар, айниқса, "совуқ уруш" даври тугагани ҳамда ер юзида халқаро хавфсизликка нисбатан янги таҳдид ва хуружлар, жумладан, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиш хавфи пайдо бўлгани инобатга олинса, Ўзбекистон ташаббуси биринчи галда дунё барқарорлигига ва албатта, БМТнинг мавқеини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Масалан, мамлакатимиз ташаббусида БМТнинг Устави ҳамда унинг айрим моддаларини ислоҳ қилиш ва қайта кўриб чиқишни тезлаштириш зарурати алоҳида таъкидланган.

Шунингдек, БМТнинг етакчи органи — Хавфсизлик Кенгаши таркибини ҳам қайта кўриб чиқиш, инсониятнинг тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт кечиришини кўролмайдиган қабиҳ ниятли кучларга қарши ўз вақтида тегишли жавоб бера оладиган, янада самаралироқ бўлган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ҳақидаги аниқ таклифлар ҳам Ўзбекистон томонидан илгари сурилган.

Айтилганлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон нафақат ўз халқининг тинчлиги учун, балки она сайёрамиздаги миллион-миллион одамларнинг ҳаётини сақлаш учун ҳушёрликка чақирганини жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари, давлат арбоблари тан олмоқда ва мустақил республикамизнинг ана шундай мураккаб вазиятда, ҳар қандай иккиланишдан холи бўлган сиёсатига ҳурмат ва эҳтиромини билдирмоқда. Албатта, бу эҳтиром ўн икки йиллик барқарор ва бардавом ички ҳамда ташқи сиёсатнинг натижасидир.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи

ХОТИРАГА АЙЛАНГАН ЮЛДУЗЛАР

Ҳа, бундан 24 йил аввал — 1979 йил 11 август куни Тошкент осмонидан Украина томон парвоз қилган, бортида 17 нафар футбол юлдузини олиб бораётган ҳаво кемаси ҳалокатга учраганди. Орадан шунча вақт ўтди. Кўп нарса унутилди. Лекин, ўзбек футболи ишқибозлари бир нарсани, яъни, ўша пайтдаги «Пахтакор»ни унутганича йўқ. Душанба тонгида Ўзбекистон футбол федерациясида футбол фахрийлари, ишқибозлар, журналистлар бир мақсадда — авиаҳалокат туфайли бевақт қазо қилган 17 нафар пахтакорчи хотирасини ёд айлаш истагида жам бўлди. Улар "Пахтакор" ўйингоҳида ўрнатилган ёдгорлик томон боришганда стадион атрофи ёки футболчилар, марҳум пахтакорчиларнинг оила аъзолари, ушбу клубнинг собиқ ва ҳозирги аъзолари, ҳакамлар, мухлислар билан тўлган эди.

Иштирокчилар ёдгорлик пойига гуллар қўйди...

Орадан қарийб 24 йил ўтса ҳамки, уларни ҳеч бир футболсевар мухлис ёдидан чиқарган эмас. "Эҳ, у пайтдаги "Пахтакор" зўр эди..." — дея эслашади спорт ишқибозлари. Ҳа, йигитларнинг барчаси маҳоратли, шижоатли ва ўз навбатида фидойи эдилар. Жамоа шарафи учун куч-ғайратларини аяшмасди. Таркибдаги ҳимоячи Олим Аширов, ярим ҳимоячи Михаил Ан ҳамда ҳужумчи Владимир Фёдоровлар бир вилоятда айтиш мумкинки, бирга вояга етишганди. Ушбу уч нафар футболчимиз 1960-70 йилларда фақат "Пахтакор" шаънини ҳимоя қилган, 245 маротаба майдонга тушиб, 102 та гол муаллифига айланган, моҳир ҳужумчи Геннадий Красницкий каби севимли жамоаларига содиқ қолдилар. Уларга ҳам бир неча машҳур клуб раҳбарларидан таклифлар тушган. Бироқ, уч нафар дўст учун ватан меҳри, юрт ори ҳар қандай қиммат нарсадан устун келди. Ана шундай инсонларни ўзбек футболининг ҳақиқий фидоийлари деса арзийди.

ЁШУ ҚАРИ СПОРТСЕВАР

Косонсой туманидаги Чиндовул қишлоғи марказида спорт мажмуаси қурилди. Мажмуада спортнинг каратэ, бокс, енгил атлетика, таэквандо, миллий кураш, шохмот-шашка, стол тенниси, волейбол каби турлари бўйича машғулотлар ўтказиш учун барча шароитлар яратилган.

"Деҳқонобод" ширкат хўжалиги ўз ички имкониятидан тўрт миллион сўм маблағ сарфлаб, спорт мажмуини қуриб берди.

— Қишлоғимизда ёшу қари спортни жони дилидан севади, — деди ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Маҳаммадхон Жафаров. — Ҳамкишлоқларимиз орасида Каримжон Қурбонов, Абдурахмон Сафаров ва Иброҳим Мамадалиев сингари машҳур спорт усталари бор. Улар ёшларнинг меҳрибон мураббийлари ҳисобланади.

1980 йилда спортнинг оғир атлетика тури бўйича спорт устаси Иброҳим Мамадалиев томонидан ташкил этилган "Саломатлик спорт клуби"дан чемпионлар етишиб чиққан. Клубда 2 мингта китоб фондига эга бўлган кутубхона доимо гавжум.

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги Мирзо Бедил номидаги 36-мактабда қурилиш, таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

— Янги ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларимиз, — дейди биз билан суҳбатда туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Абдурайим Ҳайдаволов, — ёруғ ва шинам синфхоналарда ўқишади, янги қурилган спорт залида жисмонан чиниқишади. Аммо, бир эътирозли жиҳат, тўғри, мактаб қайта таъмирланди, янги спорт зали қурилди, бироқ улар ҳалигача ўқув жиҳозлари, спорт инвентарлари билан таъминланмаяпти. Бу эса жисмоний тарбия дарсларининг ҳануз номигагина ўтилишига сабаб бўлмоқда.

Суратда: А. Ҳайдаволов болалар билан.
Бурхон РИЗО олган сурат.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 2003 йилда мамлакатимиз шаҳар ва туманларида тендер асосида қуриладиган 45 та спорт иншоотлари рўйхатини эълон қилди.

Спорт иншоотларини индивидуал ва типовой лойиҳа бўйича қуриш кўзда тутилмоқда. Жамғармадан маълум қилишларича, лойиҳаларнинг 5 та тури мавжуд бўлиб, уларни қуриш учун маблағлар қуйидагича тақсимланади: биринчи ва тўртинчи турдаги иншоотларга 140 миллион сўм, иккинчи турдаги иншоотларга 184 миллион сўм, учинчи турдаги иншоотларга 1,2 миллиард сўм ва бешинчи турдаги иншоотларга 104 миллион сўм ажратилади.

Рўйхатга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Бухородаги 25 та корхонада тайёрланган спорт кийимлари ва жиҳозлари кўргазма савдоси очилди. Кўргазма вилоят ҳокимлиги ва "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилди.

— Кўргазмага 47 турдаги спорт кийимларини олиб келдик, — деди "Каштекс" акциядорлик жамияти етакчи мутахассиси И.Рашидов. — Бу ерга келишдан мақсад, корхонамизнинг салоҳиятини намойиш этиш, ўзаро манфаатли шартномалар тузишдан иборат. Корхонамизга Швейцариянинг "Рийтер" фирмаси ускуналари ўрнатилган. Чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳаммаси пахтадан тайёрланмоқда. Нархлар ҳам рисоладагидек.

Кўргазмада Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноати технологияси институти талабалари ҳам ўз маҳсулотларини намойиш этишди. Бу маҳсулотлар институтнинг технология ва дизайн ўқув ишлаб чиқариш марказида тайёрланмоқда. Хомашё "Бухоротекс", "Қоракўлтекс" акциядорлик жамиятларидан сотиб олинмоқда. Дастлабки хомчўтларга кўра, кўргазмада 500 миллион сўмлик спорт молларини сотиб олиш учун шартномалар тузилади.

СПОРТ: КЎРГАЗМА, САВДО, ДАРОМАД

Бухоро шаҳридаги "Семурғ" спорт мажмуида Тошкент, Наманган, Фарғона ва Бухородаги 25 та корхонада тайёрланган спорт кийимлари ва жиҳозлари кўргазма савдоси очилди. Кўргазма вилоят ҳокимлиги ва "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилди.

— Кўргазмага 47 турдаги спорт кийимларини олиб келдик, — деди "Каштекс" акциядорлик жамияти етакчи мутахассиси И.Рашидов. — Бу ерга келишдан мақсад, корхонамизнинг салоҳиятини намойиш этиш, ўзаро манфаатли шартномалар тузишдан иборат. Корхонамизга Швейцариянинг

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги 409 ва 2003 йил 25 августдаги 33-сонли қарорларини бажариш мақсадида кам таъминланган оилаларнинг I-IX синф ўқувчиларини қишки иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш учун 2003 йил 30 июнь куни Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган қўшимча тендер савдолари ғолибларининг рўйхати:

Курткалар бўйича
1. Равнақ
2. Узакен
3. Ардус
4. Крафт папер
5. Азизкомсерви
6. Виклер
7. Бобур-83
8. Намуна
9. Достонбек

Оёқ-кийим бўйича
1. Одина-файз
2. Маданият пойабзал
3. Орзу-XXI аср
4. Оқ-тулпор
5. Фуат
6. Узтехцентр
7. Прогноз-сам
8. Саломат
9. Азиз-М

Бош-кийим бўйича
1. Мадина-Т
2. Зилола-Текс
3. Шарқ-альфа

ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ

Самарқандда рахит ташхиси билан шифохоналарга ётқизилаётган болалар сони икки баробарга қисқарди. Бу Самарқанд тиббиёт институти доценти А.Расулов ташаббуси билан ўтказилаётган "Рахит ва камқонликнинг оғир шаклларини бартараф этиш" дастурини амалга ошириш натижасидир.

Ушбу дастурни амалга оширишда шифокорга голландиялик ҳамкасблари Роберто Перейро ва Марианна де Вит ҳамкорлик қилишмоқда.

Болалар ва оналарни соғломлаштириш дастури вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланди. У бутун мамлакатда татбиқ этиш учун соғлиқни сақлаш вазирлигига тавсия этилди.

Бугунги кунда сайёрамизда 5 ёшдан кичик болалар сони 600 миллиондан ошади. Уларнинг кўпчилиги витаминлар етишмаслиги туфайли турли касалликларга чалинади. Шифокорлар қишлоқ жойлардаги кўп болали оилаларда туғилган гўдакларнинг шифохоналарда даволанишига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

"Туркистон-пресс"

Jambalonning kichkintoylarga atalgan she'rlarida buryat maktablarida o'qiyotgan, cho'lda xizmat qilayotgan cho'pon ota-onalariga yordam berayotgan, turli o'yinlar bilan mashg'ul bolalar hayoti aks ettirilgan.

Haykal ikki xil ramziy ma'noni ifodalaydi. Aroq ichgan paytda erkaklarning xursand bo'lishiga gap yo'q, keyingisi esa janjal-to'polonning boshlanishi.

ULAR HAM DO'STLASHIB KETDI MEN BILAN

(Oromgohda dam olayotgan bolalar sahna yo maydonda ijro etishlari uchun "Dunyo bolalar adabiyoti" mavzuida mashg'ulot)

Bola va qiz o'rtaga chiqadi.

Bola: Hurmatli do'stlar! Aziz tengdoshlar! Mana oromgohdagi so'nggi haftalarimiz ham o'tib bormoqda.

Qiz: Demak, kuz ham kelib qoldi. Erta-indin hammamiz uyga ketamiz. Keyin ko'rishamizmi, yo'qmi, xudo biladi. Demak, yangi do'stlar bilan birgalikdagi g'animat kunlarimiz ham tugaydi.

Bola: Bu gaping ham to'g'ri. Ammo astoydil istasak, vaqti-vaqti bilan ko'rishib turishimiz ham mumkin.

Qiz: Yo'q, yo'q, men unchalik xafa emasman. Nasib qilsa ko'rishamiz, albatta. Faqat hozirgi kechinmalarimni aytdim, xolos.

Bola: Bu yog'i oldimizda bir emas, ikki bayram: Erk va Ozodlik dasturlarini qo'lga kiritgan qutlug' kunimiz — Mustaqillikni keng nishonlaymiz. Ikkinchi tomondan, qadrdon maktabimiz, sevimli o'qituvchi va ustozlarimiz, sinfdoshlarimiz bilan ko'rishamiz. Oromgohlarda olgan taassurotlarimiz, mashg'ulotlarda egallagan bilimlarimizni bir-birimizga aytib beramiz.

Qiz: Mana, bugun bu erda yana bir mashg'ulot o'tkazishga yig'ildik. Balki, bu ham so'ngisidir. Keyin xayrlashuv gulxani...

Bola: Bugun biz buryat bolalar shoiri Arslon Jambalon haqida suhbatlashamiz. Suhbatimizni murabbiyimiz boshlab beradilar. Marhamat, ustoz, so'z sizga.

Murabbiy o'rtaga chiqib, Buryatistonning xaritasini o'rtaga, bir tayoqqa osib qo'yadi. Agar musiqa plastinkasi topilsa, buryatcha musiqani qo'yish mumkin.

Murabbiy: Avvalo buryat millati va buryat adabiyoti haqida ikki og'iz so'z. Bolalar, buryatlar Sharqiy Sibirning janubida, Xitoy bilan Mug'ulistonning shimolida yashovchi, tili mo'g'ullar guruhiga oid millat bo'lib, ularning yurti Rossiya Federatsiyasi tarkibidadir. Ularning boshkenti Ulan-Ude deb ataladi. U mashhur Boyko'lning sharqiy tarafida joylashgan. Hududi asosan tog'lik joylardan iborat. Hududining beshdan to'rt qismi o'rmon bilan qoplangan. 1970 yilgi aholi ro'yxatiga ko'ra, buryatlar 315 ming kishidan iborat edi. Hozir yarim millionga etgan va, balki, undan ham oshgan bo'lishi mumkin.

Buryatlarning hayoti miloddan oldingi qadim zamonlardan to XIX asrning ikkinchi yarmigacha turli solnomalarda mo'g'ul tilida yozib qoldirilgan.

Buryat xalqining orzu-armonlari, umid va ideallari ularning ertak, afsona, qo'shiq va laparlarida ifoda etilgan.

Hozirgi zamon buryat adabiyotining asoschilaridan biri 1889—1959 yillarda yashab o'tgan Xotsa Namsaraev hisoblanadi. Uning "Etimlarning o'limi", "Xo'jayin va xizmatkor" kabi hikoyalari, "Zulmat" singari sahna asarlari va jangovar she'rlari xalqning ijtimoiy-siyosiy hayotida chuqur iz qoldirgan.

O'tgan asrning 50—60-yillaridan keyin buryat adabiyotida katta o'zgarishlar yuz berdi. Sidendambaev, Baradiya Mungonov, Bashirabdan Batajabaya singari nosirlar, Damba Jalsaraev, Seden Galsanov va Shirab Nimbuev kabi shoirlar buryat adabiyotining ovozini dunyo miqyosiga olib chiqdilar.

Buryat bolalar adabiyotining namoyandalari sifatida Xamaganov, Tudenov, Ulanov, Dugarnimaev, Naydakov, So'qtoev kabilarni ko'rsatish mumkin.

Biz sizga tavsiya qilayotgan shoir Arslon Jambalon buryat bolalar adabiyotining 60-yillardan boshlab samarali faoliyat ko'rsatgan ijodkorlaridan biri bo'lib, u kattalar uchun ham ko'p asarlar yozgan.

Jambalonning kichkintoylarga atalgan she'rlarida buryat maktablarida o'qiyotgan, cho'lda xizmat qilayotgan cho'pon ota-onalariga yordam berayotgan, turli o'yinlar bilan mashg'ul bolalar hayoti aks ettirilgan.

Shoir o'z she'rlarining aksariyatini jonajon yurti — Buryatistonning go'zal tabiati, uning bepoyon cho'l va o'rmonlariga bag'ishlagan. Menimcha, buryatlar va ularning adabiyoti haqida shu qisqacha ma'lumot sizlarga etarli bo'lsa kerak. Endi navbatni Arslon Jambalon she'rlarini yodlagan bolalarga beramiz.

1-qiz:

"IKKI XIL XOTIRA"

— Ertak aytib bering, buvi!
Deb bolalar yolvorar, —
Ertak aytib bering, buvi,
Kechagiday jangovar.
Tekinxo'rlar, zolimlarni
Urgan pahlavonlardan.
Yoki qo'rqmas olimlarni
Ulug'lagan jonlardan.

2-qiz:

Ertak aytib bering yana,
Ayta qoling, buvijon.
Mayli, unda bo'lsin kana,
Mayli, bo'lsin olmaxon.
Buvi bamaylixotir:
— Yo'q! — der. — Tamom ertagim.
Xotirimga kelmayotir
Eshitganim, bilganim.

3-qiz:

Maktabimizda esa
Muallim opamiz bor,
Shu buvining nevarasi,
Yigirma yoshli Nigor.
U hammasin xotirlaydi,
Esdan chiqarmas hech bir.
Ne so'rasak yo'q demaydi,
Aytadi-ku, u axir!

4-qiz:

Har narsani u xotirjam
So'ylar qoldirmay savol.
Yuz yil burungi gapni ham
Eslay olar bemalol.
— Ana qanday xotirayu,
Mana qanday xotira!
Zo'r muallim opamiz u!
Tengi topilmas sira!

1-qiz: Bir qarashda bu erda buvi tanqid qilinganday ko'rinadi, ammo aslida unday emas: umr savdosi haqida, qarilik o'z ishini qilishi, insonning xotirasi borgan sari zaiflashib borishi to'g'risida o'ylatadi. Buvilar bu olamda o'z ishini qilib ketganlari, ya'ni o'zlaridan keyin orqalarida tarbiyali, bilimdon nasllarni qoldirganlari ko'rsatiladi.

Murabbiy: Bilasizmi nima? Arslon Jambalon ham bolalar hayotidagi kulgili, yumoristik jihatlarga katta ahamiyat beradi. Uning bir qator she'rlari ana shunday yumor bilan sug'orilgan.

1-bola:

MAQTANARLI JOYI YO'Q

Bizning Siren ko'rkam bola,
Zo'r egnidan ko'ngli to'q.
Ammo uning, ayta qolay,
Maqtanarli joyi yo'q.

2-bola:

Faqat bashang kiyinvolib
Bolalardan qilar farq.
Soz bo'lardi "besh"lar olib,
"Ikki"larni qilsa g'arq.

1-qiz: Darhaqiqat, ko'pgina maktablarda bashang kiyinib olib, o'qishga e'tibor bermaydigan bolalar uchrab turadi.

2-qiz: Biz bunday bolalarga vaqtida es-hushini yig'ib olib, Arslon Jambalon aytganiday, "beshlar" olib o'qishini maslahat beramiz.

Murabbiy: "Bola boshidan" deganlaridek, har qanday o'g'il-qiz o'zida matonat tuyg'usini shakllantirib borishi kerak. Navbatdagi she'r ana shu haqda.

MEHNAT ISITADI ODAMNI

1-bola:

Qor yoqqanda, sovuq qishda ham
Biz ishlaymiz engil kiyinib.
Bizga qarab ba'zida xolam:
— Shamollaysiz! — derlar kuyinib.

— Yo'q, — deyman men, — ishlagan palla
Sovqotmaymiz qorda ham hatto.
Eng shimarib o'tin yorganda
Unutilar sovuq mutlaqo.

Pechkalarda gurra avjlanib
Yonayotgan o'tin singari
Badanga ham, jonga ham mehnat
Ato etar faqat harorat.

2-bola: Arslon Jambalonning tabiat haqidagi she'rlari ham tinglovchilar va o'quvchilarga iliq kayfiyat beradi va zavq uyg'otadi.

Murabbiy: Bizning o'zbek adabiyotimizda ham boychechak haqida yaxshi-yaxshi she'rlar bor. Ayniqsa, bolalarning "Boychechagim boylandi" sevimli qo'shig'i hammamizga yaxshi tanish va hammamiz bolaligimizda uni sevib aytganmiz. Ammo Arslon Jambalonning boychechaklar haqidagi she'ri bizning boychechagimizdan tasviri jihatdan ham, mazmuni jihatdan ham butunlay boshqacha. Bu boychechak buryat boychechagi ekanligi shundoqqina ko'rinib turadi.

1-qiz:

BOYChEChAKLAR

Yaraq etdi bahor quyoshi,
Qordan u er, bu er soflandi.
Tepalikning shundoq yonboshi
Boychechaklar bilan qoplandi.

2-qiz:

Eriyotgan qorlar ichida
Izg'irinlar yo'qolib qoldi.
Boychechaklar quloqchinlarin —
Gulbarglarin tushirib oldi.

3-qiz:

Nam tuproqdan yorug' dunyoga
Bo'ynin cho'zib tashlashdi nazar.
Ularga teng gul yo'q dunyoda,
Evoh, ular go'zal naqadar!

4-qiz:

Bayram qilar g'alabasini,
Ular uchun keldi-ku bahor.
Ilk iliqlik nashidasini
Surmoqdalar shod, tantanavor.

5-qiz:

Navbahorni ular eng oldin
Kutib oldi ilhaq qanchalar.
Quchib boychechaklar dastasin
Kelishmoqda quvnab qizchalar.

Murabbiy: Arslon Jambalon bir qator she'rlarida bolalar bilan qushlar olamini, ularning bir-biriga iliq munosabatlarini tarannum etadi. Bu orqali o'quvchilarga turli bilimlarni singdirishga harakat qiladi.

1-bola:

KAKKU

— Bilasanmi, necha yoshga kirganman, kakku? —
Kakku darrov o'n bir marta deb qo'ydi: kukku.

— Bir yildan so'ng necha yoshga kirgan bo'laman? —
O'n ikki bor kukuladi qiroat bilan.
— Necha dona men o'tloqda boqqan qo'ylarim? —
Kukulamay qo'ydi kakku — bo'lib qoldi jim.

Ha, sanashni istamaydi mug'ombir kakku,
Xato qilib qo'yaman deb qo'rqyapti-da u!

2-bola:

TO'RG'AY

Bir kuni men akam bilan
Qo'y boqdim cho'lda.
Bir payt ko'rsam bo'zlab qoldi
To'rg'ay o'ng qo'lda.
Cho'ponlardan madad tilab
Qilardi chiy-chiy!
Ko'kda uni quvayotgan ekan
Bir qirg'iy!

Qaerga ham qochsin sho'rlik?
Butazorgami?
Qirg'iy yaqin, har yoq ochiq,
Yalang cho'l jami!

3-bola:

Birdan o'zin urdi to'rg'ay
To'nib bariga,
Qirg'iyga tosh otib, akam
Quvdi nariga
Yirtqich qirg'iy qochib qoldi
Dunyo chetiga.
To'rg'ay parvoz qildi ko'kka,
Aziz yurtiga.

Aka-uka saqlab qoldik
To'rg'ayni omon,
U bizlarga qo'shiq aytib
Yurdi ko'p zamon!

1-qiz:

ASALARILAR

Bizning bog'imizda kubik uyalar bor,
Uni otam qurgan. Nega deysizmi?
Uyani yaqindan ko'rdim necha bor:
Eshitdim u erdan ovoz—viz-vizni.

2-qiz:

Uchib chiqdi undan mayda qushchalar,
Vizillab o'tloqqa, gullarga ketdi.
Gullarda ishi ko'p ekan shunchalar,
Nelardir keltirib, uyiga eltdi.

3-qiz:

Nima jalb qilarkin? Mana, topishmoq!
Nima yashiringan ekan gullarda?
Qiziqib, bir gulni uzgandim, shu choq
Xuddi o'layozdim turib shu erda!

4-qiz:

Yonog'im achishib, zirqirab ketdi,
Zumda do'mbiraday shishdi yuzlarim.
Otamning qoshiga bir zumda etdim —
Meni yaralagan yomon dushman kim?

5-qiz:

Otam dedi menga: — Ajab bo'pti-e!
Nega xalal berding ish chog'i unga?
Bizlar uchun ular ko'p ishlayapti-yu... —
Likobda mumkatak uzatdi menga.

6-qiz:

Bilsam, asalari foydali ekan,
Odamga dushmanmas, og'ayni ekan.
Hech qachon ularni xafa qilmayman,
Ular ham do'stlashib ketdi men bilan.

1-bola: Mana, qadrli tengdoshlar, biz o'zimizning so'nggi mashg'ulotimizda bepoyon dunyoning yana bir shoiri ijodi bilan tanishdik. Bu she'rlar hammamizda ozmi-ko'pmi zavq uyg'otdi. Shunday emasmi? Biz bu she'rlar orqali Sharqiy Sibirdagi bir ajoyib mamlakat — Buryatiston haqida ham ba'zi bir tasavvurlarga ega bo'ldik.

Murabbiy: Yozgi ta'til va dam olishlarning so'nggi haftalari ham ko'ngilli va xushchaqchaq o'tsin.

Ovozlar: Rahmat, rahmat!

Murabbiy: Salomat bo'linglar!

Matn va tarjimalar muallifi Miraziz A'ZAM.

Xullas...

ШИШАДАГИ... ЭРКАКЛАР

Аёлларга қараганда эркакларнинг ичкиликка ўчлиги маълум. Бунинг оқибатида жанжал, тўполон, катта-кичик жиноятлар, хуллас, ғалваларнинг саноғи йўқ.

Ярославл вилояти ҳудудидаги Углич шаҳарчаси мэри Элеонора Шереметова ароқхўр эркакларни инсофга чақириш ёки уларни умуман камайтириш мақсадида ҳайкал ясаттиришга қарор қилди. Бу иш билан ҳайкалтарош Эрнст шуғуллана бошлади.

Шереметованинг ғоясига кўра, бу ҳайкал нозик, юпқа металлдан ишланади. Хушёрликка ундовчи бу ёдгорлик лавҳасини қандай яратиш ҳақида ҳайкалтарош ҳам роса бош қотирди. Ниҳоят, ҳайкалнинг ҳомаки варианти топилди. Ароқ шишаси шаклида ишланган икки метрлик металл парчасининг бир томонида соғлом киши, иккинчи томонида эса ичкилик туфайли қадди букчайган, ранг кўр, ҳол сўр кўринишидаги эркакнинг қиёфаси яратилди.

Ҳайкал икки хил рамзий маънони ифодалайди. Ароқ ичган пайтда эркакларнинг хурсанд бўлишига гап йўқ, кейингиси эса жанжал-тўполоннинг бошланиши. Ақлли одам ҳайкалдаги бу маънони тезликда илғайди.

Ёдгорлик шаҳарча марказида қад ростлаб турибди. Ароқхўрларга бу зора ижобий томондан таъсир қилса...

ОДАТДАГИ ЎҒИРЛИК

Капустин Ер посёлкасидаги магазинлардан бири кечаси жуда ҳайратомуз усулда тунаб кетилган. Эшикдан эмас, деразадан эмас, том устидан. Бунинг учун ўғрилар дўконнинг шифт қисмини бузишган, очишган ва пиво, сигареталарни битта қолдирмай ўғирлаб кетишган.

Туман ички ишлар бўлими матбуот котиби Юлия Ляшенконинг берган маълумотига кўра, бундан икки йил муқаддам худди шу дўкон айнан шундай усулда хонавайрон қилинган. Ўғриларнинг айёрлигини қарангки, дўкон эгалари энди бундай талон-торожлик амалга оширилмаса керак, деб хотиржам юришган бир пайтда ўз ниятларини амалга оширишган.

Энди дўкон эгалари том устини шу қадар мустаҳкам беркитиши керакки, одатдаги ўғирлик содир этилмасин.

ҚАШШОҚ МИЛЛИОНЕР

33 йил нефтни қайта ишлаш корхонасида ишлаган ва штати қисқарганлар рўйхатига тушиб қолган Чарлз Лояван қашшоқликнинг ҳам фожиа эканлигига амин бўлди.

Иш йўқ, оила аъзолари эса оч. Чарлзнинг боши қотган, қандай қилиб пул топса бўларкин? Рўзғордаги айрим кераксиз ашқол-дашқолларни 200 долларга пуллаб, автомат ўйинлар хонаси томон йўл олди. Чамаси икки соатлардан сўнг автомат унинг 200 доллари катта миқдордаги пулга айланганини маълум қилиб, жирингладi.

Чарлз — 13 миллион доллар соҳиби. У ҳали ҳеч ким қўлга киритмаган ютуққа эга бўлиб, автомат-ўйин эгаларини ҳам ҳайратда қолдирди. Пулни беришдан бош тортишга энди уларнинг сира ҳаққи йўқ.

Камбағал ва қашшоқ одам бирдан бойиди. Худо бераман деса, бераверар экан-да...

ana shunaqa gaplar

«БОРУССИЯ» КРОССВОРДИ

Армияда сержант дебди:

— Бугун энг эринчоқлар учун иш бор. Ялқовлар қўл кўтарсин!

Ҳамма қўлини кўтарибди, фақат битта аскар кўтармабди.

— Сен нега қўл кўтармадинг?

— Эриндим...

***

— Биласанми, ўртоқ, менинг соғлигимга Нептун таъсир кўрсатади, мен шу бурж остида туғилганман!

— Менга эса Уран!

— Нима, сен Уран буржида туғилгансанми?

— Йўқ, Чернобилда ишлаганман!

***

Икки танишнинг мусиқа ҳақидаги суҳбатидан.

— Хўш, қалай сенга Доминго?

— На овоз бор, на бир истеъдод!

— Қўйсангчи, сен ўзи уни эшитиб кўрганмисан?

— Йўқ, лекин унинг қўшиғини менга хотиним хиргойи қилиб берди.

***

Котиба бошлиғига:

— Ҳузурингизда бир киши ўтирибди, сизни кўргиси келяпти, қандайдир ҳисоб-китоблар бўйича, — дейди.

— Ҳа, кўриниши қандай ўзи унинг?

— Кўриниши шундайки, яхшиси, у билан вақтида ҳисоб-китоб қилиб қўйиш керак.

ЭНИГА: 7. Тожикистондаги Турсунзода шаҳрининг аввалги номи. 9. Қуруқ мева. 11. Подада бокиладиган от. 13. Миллий таом. 15. Майда нарса. 21. Жанубий Америкадаги давлат. 23. Спорт тури. 25. Фасл. 27. Марказий Осиёдаги пасттекислик. 29. Ҳозирда амалда қўлланилаётган йил ҳисоби. 34. Электр токини улайдиган ва узадиган асбоб. 36. Спорт ўйинининг бир қисми. 39. Қадимги юнон асотирларига кўра энг баланддаги соф ҳаво қатлами. 41. Осмон, коинот. 49. Мол айрибошлаш муомаласи. 51. Ўлчов асбобларининг даража кўрсаткичи. 53. Суғорилмайдиган, ёғиндан сув ичадиган деҳқончилик. 55. Чарм қийқими. 57. Китобни қўйиб ўқишда фойдаланилган мослама. 63. Жуда гўзал, барно аёл. 65. Англия автомобили маркаси. 67. Ўзбек халқ мақоми. 69. Тожикистондаги нурхона. 71. Металл.

БЎЙИГА: 1. Велосипед қисми. 2. От абзали тури. 3. Билимдон киши. 4. Ўзбек халқ куйи. 5. Қадимги юнон масалчиси. 16. Инглиз ёзувчиси. 17. Электр қувватининг ўлчов бирлиги. 18. Маълум мавзудаги мунозара. 19. Ҳиндистондаги шаҳар. 20. Маълум минтақага хос об-ҳаво шароити. 31. "Кўринмас одам" асари муаллифи. 32. Қуруқ мева. 37. Мамлакатимизда фаолият кўрсатган биокимёгар олим. 38. Мусиқий товуш. 43. Кўҳна ёзув анжоми. 44. Корхона. 45. Мусиқа асари тури. 46. Марказий Осиёдаги тоғ. 47. Хўл мева. 58. Математик ҳисобнинг ҳар бир тури. 59. Маданий муассаса. 60. Тиғли асбоб. 61. Автомобиль қисми. 62. Отанинг опаси ёки синглиси жиянга нисбатан.

Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 6. Германиядаги футбол команда. 8. Заргарликда ишлатиладиган рангдор маъдан. 10. Косибчилик маҳсулоти. 12. Шарқ мумтоз шеъриятига хос асар. 14. Ўрта асрларда Хуросон таркибига кирган тарихий вилоят. 22. Туркигўй адиб ўз номи билан аталувчи, "Қуръони карим" мазмунидаги қиссалардан иборат асар муаллифи. 24. Операнинг сўз матни. 26. Бадиий ижодда образли ифода. 28. Телефон қурилмаси қисми. 30. Геометрик шакл. 33. Тилмоч. 35. Коинот жисми. 40. Барча талабларга жавоб берадиган маҳсулот намунаси. 42. Қарғасимон қуш. 48. Инсоннинг эшитиш аъзоси тузилишини батафсил таърифлаб, ўз номи билан аталувчи эшитиш найини кашф этган италян анатом олими. 50. Бойсунтоғдаги ғор маскани. 52. Сонни таркибий сон билан алмаштириш. 54. Тарбиячи, устоз. 56. Мумтоз ўзбек масалнависи. 64. Тошкент сув омборининг аввалги номи. 66. Германиядаги шаҳар. 68. Ем-хашак ўсимлиги. 70. Транспорт воситаси тури. 72. Дурадгорлик асбоби.

Тузувчи Ф.ОРИПОВ

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-726.
Тиражи 19380. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
(М) белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди —